




СИРБҲҲ ИЛҲОМЛАРИ



63.3
811

СИРБЎЙИ ИЛҲОМЛАРИ

(Шеърлар ва ҳикоялар)



“ЗАМИН НАШР” НАШРИЁТИ
Тошкент — 2023

УЎК 821.512.133-1
КБК 84(5Ў)

**Сирдарё вилояти ташкил топганининг
60 йиллигига бағишланади**

Нашр учун масъул
Отабек Носиров
Нашрга тайёрловчилар
Мунаввар Пардаев, Баҳор Холбекова
Тақризчи
Равшанбек Маҳмудов, ГулДУ профессори

Сирдарё воҳасида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари бу ўлкада ижод аҳлига ҳам беқиёс илҳом манбаи бўлиб хизмат қилди. Вилоят ижодкорлари орасида халқимизнинг ардоқли шоирлари Ҳалима Худойбердиева, Тура Сулаймон ва бошқа ўнлаб қаламкашлар ўзбек адабиётининг бой хазинасига муносиб ҳисса қўшишган.

Вилоятнинг 60 йиллик тўйи баҳона чоп этилиб, қўлингизга тегаётган ушбу тўпламда сирдарёликларнинг айрим ижод намуналари билан танишасиз.

АРМУҒОН

Дарҳақиқат, биз сирдарёликлар азим Мирзачўлнинг бағрига кўкламни етаклаб кирган элмиз. Тарихда Мирзачўлнинг “Қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куяди” деган таърифи борлигини яхши биламиз. Инсон заковати ана шундай жонсиз, бепоён саҳрони жаннатмисол воҳага айлантиришга қодир эканлигини Сирдарёнинг бутунги камоли, кўрк-у таровати, кўзларни қувонтирадиган жамоли исботлаб турибди. Биз сирдарёликларнинг отабоболари шу кимсасиз чўлга келиб, чайла тикиб, яхши ниятлар ва умидлар билан ерга уруғ ташлаган, ниҳол ўтқизган, сўлим боғлар яратишни эплай олган миришкор инсонлар бўлишган.

Биз ёши улуғ инсонлар Сирдарёнинг ўтмиши, тарихи, кечаги оғир кунлари ҳақида набираларимизга ҳикоя қилиб берсак, улар ҳайрат билан тинглайдилар. Чунки улар бугунги дориламон, саодатли даврнинг, мустақилликнинг фарзандларидир. Биз ёши улуғлар, Сирдарёнинг кечаги куни ва бугунининг гувоҳлари бўлганмиз. Шу қутлуғ заминда қад кўтарган жаннатмисол воҳанинг яратувчилари сифатида келажак авлодга, набираларимизга гуллаган, яшнаган, тонглари мусаффо воҳани мерос қилиб қолдираётганимиз билан фахрланамиз.

Зеро, шундай ёнгинасида тўлиб-тошиб, тўлқинлари мавжланиб, оқиб ётган Сирдарёи азим асрлар давомида Мирзачўлга қайрилмай, бир қатраси ҳам

чўлга насиб қилмасдан оқаверди. Дарёнинг оби ҳаётини етаклаб, чўлларга сув чиқариш бизнинг авлодга насиб этди. Бугунги кунда Сирдарёнинг соҳилларида қад кўтарган сўлим шаҳар-у қишлоқлар бутун дунё аҳлининг кўзларини қамаштирмоқда.

Сирдарёнинг тарихига назар солсак, унда улуг инсонларнинг табаррук излари қолган. Атоқли қирғиз адиби, Ўзбекистоннинг “Буюк хизматлари учун” ҳамда “Дўстлик” орденлари соҳиби Чингиз Айтматов, таниқли адиб, публицист Константин Симонов талай вақт вилоятимизда бўлиб, чўлқуварлар ҳаётидан бир талай очерklar ва ҳужжатли фильм сценарийсини ёзган. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор Сирдарёда яшаб, ўзининг машҳур тарихий “Синчалак”, “Шоҳи сўзана” асарларини яратган. Бир сўз билан айтганда, Мирзачўли азимда қад ростлаган, йилдан йилга, кундан кунга обод бўлиб, чирой очиб, кўзларни қувонтирган Сирдарё воҳаси пахта етиштириш ва ундан юқори ҳосил олиш бўйича машҳур лабораторияга айланди. Мирзачўлни ўзлаштириш тажрибасини жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари келиб ўрганган даврлар бўлди.

Сирдарё воҳасининг тарихи, унинг улғайиш йиллари ўзбек адабиётида ҳам ўз аксини топди. Мирзачўл ҳақида, унинг гуллаб-яшнаши ҳақида, инсоннинг ижодкор қўллари яратаётган Сирдарё ҳақида юзлаб тарихий асарлар яратилди. Сирдарё воҳасининг ўтмиши, кеча ва бугуни ҳақида асарлар яратадиган сирдарёлик ижодкорларнинг адабий муҳити туғилди. Ҳар бир юртнинг шон-у шуҳратини, дунёга танитадиган асл фарзандлари бўлади. Сирдарёни куйлаган, унинг номини элга ёйган асл фарзандлари борки, биз уларнинг номини

ҳурмат ва эҳтиром билан тилга оламиз, улар билан фахрланамиз.

Сирдарё воҳаси ўзбек адабиётига икки нафар халқ шоирини берган юртдир. Бугунги кунда Ўзбекистон халқ шоири Тўра Сулаймоннинг асарлари кириб бормаган хонадон йўқ, десак муболаға бўлмайди. Бугунги кунда Сирдарё адабий муҳитида Тўра Сулаймон шеърияти мактабидан илҳом, сабоқ олиб, қалам тебратаётган ёш шоирлар ҳам кўплаб топилади.

Сирдарё соҳилларида ўсиб-улғайган Ўзбекистон халқ шоираси Ҳалима Худойбердиева ўзбек адабиётида ўзига хос мактаб яратган бетакрор ижодкордир. Бугунги кунда Гулистон шаҳридаги Ҳалима Худойбердиева номидаги ижод мактабида ардоқли шоирамизнинг ўнлаб издошлари ўсиб-улғаймоқдалар ҳамда ижод қилимоқдалар.

Айни кунда Сирдарёда 25 нафар Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Сирдарё вилояти бўлими атрофида юзлаб ёш ижодкор қаламкашлар фаолият кўрсатмоқда, адабиёт соҳасида ўқиб-изланмоқда. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари – Анқабой Қулжонов, Умрзоқ Ўлжабоев, Саминжон Султонов, Турғун Жамолов, Ҳамроқул Ризо, Жонибек Сувонқулов, Жўра Умарқулов, Янглиш Эгамова каби устоз ижодкорлар Сирдарё адабий муҳитини ривожлантиришга, ёш ижодкорларга мураббийлик қилишга ўз умрларини бағишлаган фидойий инсонлар эдилар.

Улуғ устозларнинг изидан бориб, Сирдарёнинг тарихида нурли саҳифаларни яратишга самарали ҳисса қўшаётган ижодкорлар Ўзбекистон

Ёзувчилар уюшмаси аъзолари Анвар Тоғаев, Ваҳоб Раҳмон, Равшан Маҳмудов, Мунаввар Пардаев, Алиқул Хонимқулов, Баҳор Холбекова, Норинисо Қосимова, Йўлдош Карим, Аҳрор Байзо, Абдуғани Абдурахмонов, Бойжигит Абдуллаев, Али Насирли, Ҳасан Абдувоҳидов, Нодира Дўстматова, Алишер Нурбоев, ёш ижодкорлар Шухрат Ҳакимов, Мақсуда Жўрақулова, Ҳусниддин Ҳайтов, Зарнигор Абдуолимова, Қуддусбек Асадуллаевлар шулар жумласидандир.

“Адабиёт яшаса, миллат яшайди”. Адабиёт замон ва маконларни бир-бирига туташтирадиган умрибоқий кўприқдир.

Азиз юртошлар! Қўлингиздаги китобга бугунги кунда Сирдарё мадҳини куйлаётган, воҳанинг бугунги саодатли кунларини тарихнинг зарварақларига ёзиб қолдираётган бир гуруҳ сирдарёлик ижодкорларнинг асарларидан намуналар киритдик. Бу асарларда Сирдарёнинг нузли тарихи ўз ифодасини топган. Умид қиламизки, китоб сизнинг севимли ҳамроҳингизга айланади.

Ҳаётхон ОРТИҚБОЕВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Сирдарё
вилоят бўлими раҳбари, сенатор,
“Эл-юрт ҳурмати” ордени соҳиби

ТУРА СУЛАЙМОН

Жиззах вилояти
Бахмал тумани-

нинг Алдашмон қишлоғида
туғилган (1934 йил 14 феврал).
ТошДУнинг ўзбек фи-
лологияси факульте-
тини тугатган. “Тули-



стон”, “Сирдарё ҳақиқати” газеталарида ходим,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Сирдарё ви-
лояти бўлимида масъул котиб (1972-77), адабий
маслаҳатчи (1977-81) бўлиб ишлаган.

Илк шеърлар тўплами – “Истар кўнтил” (1962).
“Қорасоч” (1965) достони таниқли ижодкорлар,
танқидчилар томонидан яхши кутиб олинган.
“Мен қайга борар бўлсам” (1965), “Жаҳонгашта”
(1970), “Ҳамқишлоқларим” (1973), “Интизор” (1973),
“Сирдарё кўшиқлари” (1974), “Илтижо” (1976),
“Алҳазар” (1976), “Тўйбоши” (1977), “Сизни эслайман”
(1980), “Қоракўзгинам” (1981), “Тулшан” (1988),
“Сарвиноз” (1990), “Харсанг” (1994), “Жаҳоннома”
(1996), “Тул бир ён, чаман бир ён” (1996),
“Ёвқочди” (1998), “Сайхон” (2003), “Мамлакатнинг
таянч нуқтаси” (2004) китоблари нашр этилган.

1999 йили Ўзбекистон халқ шоири унвони
берилган.

2005 йил 9 сентябрда вафот этган.

ГУЛ БИР ЁН, ЧАМАН БИР ЁН

Чаман ичинда бир гул, гул бир ён, чаман бир ён,
Сарви, санобармидир? – соч бир ён, суман бир ён.
Саҳар, субҳи содиқда мушк бир ён, мужгон бир ён,
Тун пардасин тортса гар, ой бир ён, осмон бир ён.

Ўсган боғига олқов, ўстирган боғбонига,
Хавфу хатардан сақлай келган соябонига.
Андалиб қўнар, зоғлар қўнолмас бўстонига,
Мақтовига мен бир ён, борлиқ суҳандон бир ён.

Ҳаким зоти бор ерда дард бир ён, дармон бир ён.
Ёринг жафокаш бўлса уй бир ён, зиндон бир ён.
Икки жон бир бўлмаса шам бир ён, шамдон бир ён,
Айри бўлса йўллари, туғ бир ён, туғён бир ён.

Қўриқчиси бўлардим боғимда унар бўлса,
Кузим келмай баҳорим қайта бошланар бўлса,
Солномачиси бўлай магар у Қамар бўлса,
Қасам ичиб айтаман: намак бир ён, нон бир ён.

Қумри, саъва ошиён айлар бир гулафшон бу,
Бир кокили Сир бўлса, у бири Зарафшон бу.
Илоҳий санамлардан бир зурёд, бир нишон бу,
Керак бўлса магар жон, жон бир ён, жаҳон бир ён.

Бу оламда Ой танҳо, муборак Қуёш танҳо,
Бўй қизларнинг ичинда шу бир эгма қош танҳо.
Унингдек ҳеч ким менга бўлмаса сирдош танҳо,
Гўруғли султон бир ён, Тура Сулаймон бир ён.



УМР ЎТМОҚДАДИР ДАРЁ МИСОЛИ

Эсиз, болаликни қолдириб ортида,
Умр ўтмоқдадир дарё мисоли.
Қолдириб, қолдирмай из бу ҳаётда,
Умр ўтмоқдадир дарё мисоли.

Оппоқ тонгни улаб тийраи шомга,
Бирда шак келтириб сирли оламга,
Гоҳо таъзим қилиб бадкор, бадномга,
Умр ўтмоқдадир, умр ўтмоқда.

Қай кезлар ушалмай орзу-армонлар,
Бирда ғолиб келиб тулкисимонлар,
Бирда бой берилиб бебаҳо онлар,
Умр ўтмоқдадир, умр ўтмоқда.

Денгиздай мавж уриб, қирғоқдан тошиб,
Юрар йўлимиздан бирда адашиб,
Ким биландир зимдан мансаб талашиб,
Умр ўтмоқдадир, умр ўтмоқда.

Яратиб не сирлар, не мўъжизалар,
Қутлуғ кун кетидан кун ўтказилар.
Беҳуда ўтган дам кўнгил эзилар...
Умр ўтмоқдадир, умр ўтмоқда.

Ҳар тонгда тўрғайдан олдин уйғониб,
Чаманлар яратиш ишқида ёниб,
Бирда-чи, эътиқод, имондин тониб,
Умр ўтмоқдадир, умр ўтмоқда.



Эрта билан боғлиқ не дамларимиз,
Билиб-билмай босган қадамларимиз,
Хайрли иш, алам, қарамларимиз,
Умр ўтмоқдадир дарё мисоли.

Кексалик мўралаб эшик қоқмоқда,
Болалик қайтадан қайтарилмоқда...
Биздан эрта кунга нелар қолмоқда,
Умр ўтмоқдадир, умр ўтмоқда.

Ўлмас созни ўйлаб дегинг келмайди,
Ўчмас издан сўйлаб дегинг келмайди,
Мангуликка бўйлаб дегинг келмайди,
Умр ўтмоқдадир дарё мисоли...

МЕН ҲАМ

Мен ҳам умид билан сафарга чиқиб,
Узоқ манзилларга кўз тиккан жонман.
Бирда Сирдай тошиб, бирда тутоқиб,
Катта йўлга чиққан кичик карвонман.

Бобомнинг армонли замонасида,
Устодимнинг танҳо таронасида,
Отамнинг аламли пок сийнасида
Ушалиб-ушалмай қолган армонман.

Магар кимни кўрсам кўзлари ёшли,
Унга қараб турса бир бағри тошли,
Бир ялтоқнинг бўлса бағри қуёшли,
Қинғирга кун бермас қирғинбаронман.

Бирга мафтун бўлдим, бирга ҳавасда,

Соҳиби суҳанга бу жон пайваста,
Кўргулик бор ерда, кўнгил шикаста,
Давоси топилмас дардга дармонман.

Кимларга кўклам-қиш, кимга қиш-ёздир,
Кимга кўлмак-теран, уммон саёздир.
Боз туриб қарғанинг умри дароздир...
Лочинмас, Қузғунга келган қиронман.

Дардсиз яшамоқлик-дардмандлик асли,
Баҳордан беғубор-болалик фасли,
Бу дунёни кўрсам гулга қиёсли:
Боғли, боғчалиман кўкси осмонман.

Дунё яратмоқлик дунё демақдир,
Матлабсиз кимсанинг сийнаси чоқдир,
Эл-юртга муҳаббат буюк идрокдир,
Бу юрт, бу Ватансиз беҳол, бежонман.

Менга муаббир ҳам таъбир керакмас,
Таънали, таъмали кабир керакмас,
Алҳол, заволи бор сабр керакмас,
Миннатли мададга тоқатсиз жонман.

Шу ёруғ кунларни кўролмай кетган,
На манзил, на мурод-мақсадга етган,
Эл-улус турганда ўзин унутган
Зотлар бағридаги бир қатра қонман.

Дариғ тутма меҳринг мендин, табиат,
Жудо қилсангда гар жондин, табиат,
Лек шуни сўрайман сендин, табиат,
Аро йўлда қўйма мен ҳам меҳмонман.

ИЛТИЖО

Баҳор келса бошланур боғда булбул хониши,
Саъва, қумри нағмаси, суралай товланиши,
Қирларда лола сайли, қишлоқларда йил боши:
Тўхтагай табиатдан ҳаққушлар зорланиши,
Баҳор, кетма менинг боғимдан.

Қилмиши қинғир зотга давр қайда, даврон қайда,
Ватангадо кимсага беминнат макон қайда,
Ёлғиз отга оламда ном қайда, нишон қайда,
Баҳор, сенсиз сахрою тоғу тошга жон қанда?
Баҳор, кетма менинг боғимдан.

Ўлмасликка ишора – ўланга ошиқлигим,
Саодатга ишора – замонга ошиқлигим,
Теранликка ишора – уммонга ошиқлигим,
Ўзаликка ишора – бўстонга ошиқлигим,
Баҳор кетма, менинг боғимдан.

Бу кун қай бир ерда қиш, қайда хазонрезгилик,
Қайларда ёз, қайда куз, қайда жондан безгилик,
Кўкламнинг ҳар нафаси умрга арзигулик,
Боғсиз, боғбонсиз ерда не ҳам қилсин эзгулик...
Баҳор кетма, менинг боғимдан.

Гиёҳ билан қопланмиш кўҳна қабр бошлари,
Майсадаги шудринглар кимларнинг кўз ёшлари?
Бу ерда ётар отам ҳам узангидошлари,
Ҳар баҳор эслар уни қавми-қариндошлари,
Баҳор, кетма менинг боғимдан.

Ёз бўйи қорга зорман, қишда баҳорга зорман,
Чаманда гул бўйига интиқман, интизорман,
Куз келмай хазон бўлган севги, гулдан безорман,
Баҳорсиз ҳам диёрсиз эл ичра беназарман,
Баҳор, кетма менинг боғимдан.

ҚАЙДАДИР

Тоғларга ёндошиб, кўкка туташиб,
Довонлар ошмасанг маъдан қайдадир.
Ортда қолар бўлсанг кўпдан адашиб,
Орзу-истак тугул армон қайдадир.

Зоғ билан булбулни фарқ қилмас зотга,
Наф бўлса, нокасдан айрилмас зотга,
Бошга кун туққанда қайрилмас зотга,
Ёру дўст қайдадир, ёрон қайдадир.
Меҳру шафоат бор, шафқат бор ерда,
Ҳалоллик бор ерда, ҳаром хор ерда,
Барча бирдай ерда, баробар ерда,
Бадномларга ардоқ, омон қайдадир.

Чорасиз кимсага, чоғсиз кимсага,
Кўпдан айрилган бир боғсиз кимсага,
Суянмоқ истаса тоғсиз кимсага,
Бир муддат армонсиз замон қайдадир.

Одамзод билмаса эди аламини,
Урушни, ўлимни, кулфатни, ғамни,
Магар такрорласа даҳшатли дамни,
Сизу бизга еру осмон қайдадир.

ТАВАЛЛО

Нелардандир кўнгил бўлиб ғаш,
Ҳам эгилиб бу эгилмас бош,
Кўзларимда қалқиб турса ёш,
Бу ҳолимга беролмай бардош,
Бир муштипар Онам йиғлайдир,
Қолганлари ёлғон йиғлайдир.

Қайтар бўлсам қуруқ қўл овдан,
Қора қозон қолса қайновдан,
Ҳам айрилиб ўлжа, уловдан,
Қарзга ботар бўлсам бировдан,
Таскин бериб Онам йиғлайдир,
Қолганлари ёлғон йиғлайдир.

Бирда ҳақдин, бирда ноҳақдин,
Жабр кўрсам бир бетовфикдин,
Ортада турсам қалби қуроқдин,
Қадрим хароб бўлса тупроқдин,
Оҳлар уриб Онам йиғлайдир,
Қолганлари ёлғон йиғлайдир.

Оға-ини ўртасида гап...
Алҳол, келиб чиқмиш ихтилоф,
Бири иззат, бири мулк талаб,
“Бу оқ сутим, меҳримга хилоф”,
Дея шўрлик Онам йиғлайдир,
Қолганлари ёлғон йиғлайдир.

Синалмоқнинг гали келганда,
Ноҳақ мағлуб бўлсам майдонда,

Номим қолмас бўлса жаҳонда,
Ким дўст,душман билинар онда,
Аҳволимга Онам йиғлайдир,
Қолганлари ёлғон йиғлайдир.

Ғаним бир ён, мен бир ён бўлсам,
У устивор, мен урён бўлсам,
Бу ҳам камдай ногирон бўлсам,
Оғоч отга ёнма-ён бўлсам,
Ой тутилиб, Онам йиғлайдир,
Қолганлари ёлғон йиғлайдир.

Бўлсам гумроҳ, бўлса гуноҳим,
Вужудимга солмасдин ваҳм,
Қабул айлаб тавалло, оҳим,
Дариғ тутмай меҳринг илоҳим,
Йиғлатмагил мушфиқ Онамни,
Волидаи Муҳтарамамни.



ҲАМРОҚУЛ РИЗО

Гулистон туманидаги Бешбулок қишлоғида туғилган (1940 йил 10 декабр). Низомий номидаги педагогика институтини тугатган. Меҳнат фаолиятини тумандаги мактабларда бошлаган. 1963 йилдан матбуот соҳасида ишлаган: “Сирдарё ҳақиқати” газетасида мухбир, маданият ва адабиёт бўлими мудир, муҳаррирнинг биринчи ўринбосари, “Гулистон” туман газетаси муҳаррири, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими масъул котиби вазифаларида фаолият кўрсатган. Бирмунча вақт Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари, Сирдарё вилоят ҳокими ўринбосари каби масъул лавозимларда ишлади.



Шоирнинг биринчи китоби “Баҳор келтирган қувонч” 1976 йилда чоп этилган Шундан сўнг “Сирдарё қасидаси”, “Зангори дарё”, “Яйлов мушоираси”, “Кўл қалдирғочи”, “Нон”, “Олтинсоч”, “Бургут боласи”, “Ўғирланган болалик”, “Чўлни чаман этганлар”, “Ёрқин тақдирлар”, “Мирзачўл”, “Турон тулпорлари”, “Бешбулокда баҳор эди”, “Шарқнинг машҳур аёллари”, “Ҳуқуқий онг-юк-

сак маънавият белгиси”, “Маънавиятнинг тиник чашмаси” (ҳаммуаллифликда), “Сирдарё чинорлари”, “Ҳикматлар” каби 30 га яқин китоблари кўп нусхаларда нашр этилган.

2008 йил 22 июль куни вафот этган.

ЎҒЛИНГМАН, ЧЎЛИМ! (Сирдарё қасидаси)

Онт ичаман, ёниқ қалбим турида
Биринчи ва сўнги олқишим ҳаққи,
Онт ичаман, дилнинг нозик торида
Ёқимли янграган қўшиғим ҳаққи,
Қора кўзларимда нурдай порлаган,
Бебаҳо орзумнинг роҳати ҳаққи;
Чексиз кенгликларга мени чорлаган,
Учқур хаёлимнинг одати ҳаққи,
Ўғлингман, чўлим!

Туғилган ерини севмаган ким бор?
Севгиси улўғнинг юрти чиройли.
Бир маҳал ташналик топганда қарор,
Бўлганми бағрингда лолалар сайли?
Шунчалик кенгликни чаман этишга
Ўшанда тушганми инсоннинг майли!
Мен эса, ўтмишинг ўйлаб ётишга —
Ўрганмасдан, балки бахтим туфайли
Боғладим дилим,
Ўғлингман, чўлим!

Халқим орзусининг азим денгиздай
Кўксингда тебранган тулқини учун;
Даврим кишиларин утли юлдуздай,

Юракларин кучи, ёлқини учун;
Боғларин тарк етиб, сенинг ишқингда —
Келган одамларнинг оқими учун,
Томирим уланган қўшиқларингга,
Меҳр масофасин яқини учун
Сўлимсан-сўлим,
Ўғлингман, чўлим!

Отам меҳнатидан келганин кутмай,
Пахтангга кўчирдим қалбим ҳимматин.
Ер шарин қудратин ўлчаш мумкиндир,
Лекин ўлчаб бўлмас инсон қудратин.
Шу қудрат туфайли чангларни ютиб,
Элга инъом этдим чўлнинг ҳикматин,
Гуллардан бошига чамбарак қўйиб,
Яна кўрсатурман қалб фазилатин;
Баланддир қўлим,
Ўғлингман, чўлим!

АЖДОДЛАР РУҲИ РУҲГА МАДАДДИР

* * *

Юлдузлар жилвасин кўрмоқлик учун,
Хур руҳни самога бурмоқлик учун,
Замаҳшарий борди Каъбатуллога
Худоба яқинроқ турмоқлик учун.

* * *

Мушкулдир Қубронинг ўйига кирмоқ,
Фарҳоду Шириннинг тўйини кўрмоқ.
Билгил, ҳар бандага насиб этмагай,
Мангу яшамоқнинг уйига кирмоқ.

* * *



Аждодлар ҳалоллаб ичганда ошин
Ардоқлаган юртнинг тупроғин, тошин,
Тўйгунигча қон ич дея, Тўмарис
Қонли мешга тикқан Кайхусрав бошин.

* * *

Бидъат, хурофотдан тонган Муқанна,
Жасурлик майига қонган Муқанна.
Ўлинг, аммо ёвга қул бўлманг дея,
Ҳисордаги ғорда ёнган Муқанна.

* * *

Афсоналик ўғлон - қувғинди Сино
Яшаб ўтди ҳаёт ва ўлим аро.
Бизнинг орамизда яшарди бугун
Агар топганида ажалга даво.

* * *

Ота пандин олса, гўр бўлмас эди,
Фарзанд пешонаси шўр бўлмас эди.
Ота сўзларига амало қилганда,
Ул Маҳмуд Таробий кўр бўлмас эди.

* * *

Ўғли Жаҳонгир кўз юмганда Темур
Ўн йил мотам тутган, изтиробда – жим.
Ўғли Жаҳонгирнинг вафотидан сўнг
Темурнинг кулганин кўрмаган ҳеч ким.

* * *

Ҳар сўзи мисоли жарангли рубоб,
Темур вафотидан жигари кабоб.
Оққушлар чақирар бибиҳонимни,
Лекин бу садога келмайди жавоб.

* * *

Туркий забонларга бахш этгач сурур,
Кўксини тўлдирди шижоат, ғурур.
Умрининг лаззатли даври деб билган
Эгар устидаги умрини Темур.



* * *

«Адашганман» номли ғазални битган,
Қисмат қора бўлган – дарбадар ўтган.
Юртдан нега кетган? Айтмаган Фурқат,
Айтилмаган гаплар ичида кетган.

* * *

Бизда ҳам бўлсин деб адолату ҳақ,
Минг-минг йил –уёшга сажда қилди Шарқ.
Адолат, ҳақни деб Машрабу Чўлпон
Ўлим денгизига бўлиб кетди ғарқ.

* * *

Баъзида ёздилар баллада, ода,
Баъзида ичдилар хуш таъмли бода,
Кейин ўзи ёзган Мирзо Улуғбек
Ёнига кетдилар Мақсуд Шайхзода.

* * *

Шамоллар йўлига ўзини тутган,
Меҳмонга нон ила тузини тутган,
Ўзбекнинг чўллари чамандир, чунки,
Бу чўллар офтобга кўксини тутган.

* * *

Зиёсида билинар
Меҳринин гилиқлиги.
Дарёсидан билинар
Анҳорин тиниқлиги.

* * *

Сувин дарё ютса ҳам,
Оқиб турсин ирмоқлар.
Олтин узук кетса ҳам,
Бутун бўлсин бармоқлар.

* * *

Тойдан от бўлмоқлик ҳаваси келар,
Ёмғирдан тошқин сел нафаси келар.

Тупроқни куйлайди ўланда бахши,
Сўздан мангуликнинг шўх саси келар.

* * *

Шу юрт тупроғини суртгин қошингга,
Кўк ўту пиёзин солгин ошингга.
Юрт мени кўтарсин бошига десанг,
Аввал сен кўтаргин юртни бошингга.

* * *

Дунё ичра дунё бўл, ўғил,
Сахро ичра дарё бўл, ўғил.
Киндик қонинг томган шу юртга
Офтоб каби зиё бўл, ўғил.

* * *

Кўнгил сози – нафис найни синдирмагин,
Тошган илҳом булоғини тиндирмагин.
Остонангдан нари кетгач, унутгани
Илҳомингнинг бўз отига миндирмагин.

* * *

Истиқлол нуридан нурланган юрак,
Жаҳонга таралиб турибди сўзинг.
Чунки Чўлпон ёққан ўтнинг тафтида
Исиниб, вояга етгансан ўзинг.

* * *

Жўштиргин қонингни, ишинг ўнг бўлар,
Орзуинг йўллари нурли, кенг бўлар.
Жўштиргин ўзингни, кейин барчани,
Юртингнинг шухрати ойга тенг бўлар.

* * *

Буғдойзордан таралар доннинг иси,
Тоғ бағридан таралар коннинг иси.
Хизр бобо назар солган Сирдарёдан
Димоқларга таралади нонинг иси.

ҲАЛИМА ХУДОЙБЕРДИЕВА

Сирдарё вилоятининг Боёвут туманида туғилган (1947 йил 17 май). Ўзбекистон халқ шоири (1992). ТошДУнинг журналистика факультетини тугатган (1972). “Илк муҳаббат” (1968), “Оқ олмалар” (1973), “Чаман” (1974), “Суянч тоғларим” (1976), “Бобо қуёш” (1977), “Иссиқ қор” (1979), “Садоқат” (1983), “Муқаддас аёл” (1987), “Юрагимнинг оғриқ нуқталари” (1991), “Хўрлик ўти” (1993), “Бу кунларга етганлар бор” (Сайланма, 1994), “Тўмариснинг айтгани” (1996), “Сайланма” (2000), “Йўлдадирман” (2005) ва бошқа шеърий китоблари нашр этилган.



Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1990).

Шоира 2018 йил 17 август куни Тошкент шаҳрида вафот этган.

ДОРИЛАМОН КУНЛАР КЕЛДИ...

Онагинам!

Дориламон кунлар кулди, шафақлари ол,
 Қаён боқсанг, шайланишлар ва созлашлар тор.
 Олча гулин кўзларингга суртасан беҳол:
 “Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор”.
 Сўлғин-сўлғин лабларингдан учаркан шу сўз,
 Отагинам хаёлимда ростлай бошлар қад.
 Дориламон кунларга қайт, онам, юмиб кўз,
 Ўксик дилда бошланмасин десанг қиёмат.
 Бу табиат суюмлидир ҳам кўзлари кўр,
 Гоҳ шаробдан, гоҳ оғудан қилар бизни маст.
 Белгинангга тиргак бўлай, онажоним, тур,
 Дориламон қуёшга боқ, унга қасдма-қасд.
 Юзинг ардоқли қуёшдай иссиқ ва маҳваш.
 Кўзларингда умид ёнар тикилган они,
 Қорли кунлар билан кетсин дилингдаги ғаш,
 Қизғиш, лола ранг қолайдир бу кун дунёни.
 Бу дунёнинг қир-дарасин хосияти мўл,
 Ерни яланг оёқ боссанг яйрайди танинг.
 Яшамок – бир тансиқ таом, унга урсанг қўл,
 Борган сари очиладир иштаҳанг санинг.
 Боғлардаги етилгуси ҳар мевали шох,
 Ризқдир бизга, ризққа доим дил илинжлиқдир.
 Ўғлонларинг келар, ана, очишиб қучоқ,
 Ўғлонларинг мева қадар бир ширинликдир.
 Онагинам!

Ўзинг тортма давралардан, эл чорлаганда,
 “Тирикликнинг байрами”, деб созланганда тор.
 Ўзинг сўлғин лаблар билан пичирлагандай:
 “Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор”.

1967.

ОЛДИМДАН ОҚҚАН СУВ

Яшамоқ фароғат, яшамоқ азоб,
Бекорга эпилмас Сиздан бошқа кўк,
Кўнгилларни овлаб умрим бўпти соб,
Сизнинг кетишингиз хаёлда ҳам йўқ.
Олдимдан оққан сув, беқадр сувим,
Умрида бир яйраб, ёзилмаганим.
Бор туриши шафқат, бори сир сувим,
То қуриб қолгунча сезилмаганим.
Бошқалар ёнимдан кетмасин дебман,
Вақт топиб уларга борибман тонг-кеч,
Бошқаларга озор етмасин дебман,
Сизга ҳам етишин уйламабман ҳеч.
Бошқаларга чопдим шаҳар, кентда ман,
Бир қайтариб ё бир кесатмадингиз,
Манам ғаниматман, манам кетаман,
Деб нечун бир бора эслатмадингиз?
Онам, онам-а?!

ДЕМАККИ, СЕН ШОИРСАН

Нафақат...
Ўтсанг ёзиб,
Куз янглиғ сўлиб, озиб,
Бозиллаган чўғ босиб,
Қўрдаям ҳайқиролсанг,
Демакки, сен шоирсан.
Олтинми
Ё олмосда,
Тиғда юролсанг, рост-да,
Итқитса, оёқ остда,
Тўрдаям ҳайқиролсанг,

Демакки, сен шоирсан.
 Нафақат
 Кўтарса халқ,
 Кўксингдан итарса халқ,
 Пешонанг намақоб, талх,
 Шўрдаям ҳайқиролсанг,
 Демакки, сен шоирсан.
 Нафақат
 Зар, зўрларни,
 Узсанг тўсин, тўрларни,
 Чайқалтирсанг гўрларни,
 Гўрдаям ҳайқиролсанг,
 Демакки, сен шоирсан.

МУҚАДДАС АЁЛ

Ошиқларинг пойингга гул отиб ҳам бўлди,
 Хилватларда лабингдан бол тотиб ҳам бўлди,
 Ва бу ҳақда кимларгадир сотиб ҳам бўлди,
 Сен бари бир муқаддассан,
 Муқаддас Аёл!
 Аввал: “Кел-эй, қучоғимга тўл, балқ”, дедилар,
 Унамадинг, аёл ўзи терс “халқ”, дедилар,
 Ичолмагач юз ўгириб, шўр, талх, дедилар,
 Сен бари бир муқаддассан,
 Муқаддас Аёл!
 Сен дарёсан, ўпганини қирғоқ яширар,
 Жуфтим бўл, – деб чопганини ҳар тоқ яширар,
 Жаннатим, – деб қувонмасдан қумлоқ яширар,
 Сен бари бир муқаддассан,
 Муқаддас Аёл!
 Асли бу бор эрмакларнинг борар ери Сен,
 Росту ёлғон эртакларнинг борар ери Сен,



Асов отдай эркакларнинг борар ери Сен,
Сен бари бир муқаддассан,
Муқаддас Аёл!
Чорлашганда сен келсанг, гоҳ бекор келсанг-да,
Маст даврага бир сарин ел, бир тор келсанг-да,
Хор келсанг-да, номардларга гоҳ хор келсанг-да,
Сен бари бир муқаддассан,
Муқаддас Аёл!
Қимтинасан, астагина кутарасан бош,
Минг йилликдир кўзингдаги жавдираган ёш,
Гуноҳкорлар мингу битта Сенга тегар тош,
Сен бари бир муқаддассан,
Муқаддас Аёл!
Ҳарир, хушбўй баданинга тошлар изи бор,
Кўкрагинга эгилган не бошлар изи бор,
Қуёш изи, куйдирган қуёшлар изи бор,
Сен бари бир муқаддассан,
Муқаддас Аёл!

ЙЎЛДАДИРМАН

Йигирма йил ўтди интизорликда.

Андрей Вознесенский

Сиз кутасиз. Менам бораман.
Учиб бородурман худди ўқ.
Фақат... олдин хат юбораман,
Ўша хатни ёзганимча йўқ.
Кўнгил ичга тўкиб борини,
Бир йил, ўн йил ўтди, бу кўпми?
Айрилиқнинг алафзорини,
Биргалашиб ўрамиз, хўпми?
Йигирма йил, ўттиз йил ўтди,
Кўзингизга малол инмасми?

Ўттиз йиллаб ғовлаган ўтни,
 Ўрар чоғи чалғи синмасми?!
 Қирқ йил ўтди. Мен тез бораман,
 Ранжимангиз, гувоҳ еру кўк!
 Фақат... олдин хат юбораман,
 Хатни... ҳали ёзолганим йўқ.
 Учиб бородурман худди ўқ,
 Бу ҳолатни қандай шарҳлайман.
 Борган сари ўрмонзор қуюқ,
 Мен куйиниб чалғи чарҳлайман.
 Сиз кутасиз. Менам бораман.

ХАТО КЕТДИМ

*Оқлайман деб дунёни
 кирланиб битдим ўзим.
 Абдулла Туқай*

Кулган мен эмасман.
 Менмас йиғлаган,
 Симсим сирқираган сато, кетдим мен.
 Мозий қаърларидан инжу йиғмаган,
 Бугунга сиғмаган садо, кетдим мен.
 Гоҳ тикан кўкларкан гулзорларида,
 Кўнглим ерга кирди озорларидан.
 Кир-чир қўллар тегиб бозорларида
 Оҳори тўқилган мато, кетдим мен.
 Пайдо. Шайдо эдим. Нопойт айладилар,
 Барги хазонимдан байт айладилар.
 Жайрондай жонимни сайд айладилар,
 Жоним сайёдларга ато, кетдим мен.
 Дунёга нурли йўл солмоқчи эдим,

Банди бўлдим, гарчандки соқчи эдим.
Дунё доғини кетказмоқчи эдим,
Ўзимга доғ тегди. Хато кетдим мен.
Кулган мен эмасман. Менмас йиғлаган...

АЁЛ ЎТИБ БОРАР

Сен сўрама, мен ҳам айтмайин
Курагимнинг синганини қарс.
Шовқин солма, мен уйғотмайин,
Юрагимда ётар бир йўлбарс.
Баланд бир ўт ёнган ичимни
Мен совутиб яшашим керак.
Ўз-ўзимга сарфлаб кучимни,
Мен овутиб яшашим керак.
Аёл ўтиб борар... шўх юриб,
Шамолларда соч ёйган аёл.
Ич-ичида йўлбарс ўкириб,
Сиртдан майин жилмайган аёл.
Сен сўрама, мен ҳам айтмайин...

ДУНЁЛАРГА СИҒМАГАН ҒАВҒО...

Биз кетганда ўзимиз еру,
Кўнгил осмон, кўкка кетгаймиз.
Кекирганнинг ёнига эмас,
Чўғни босиб, чўққа кетгаймиз.

Сотқин, ўзгир ўтмаганида,
Хоин ором қучмаганида,
Номус биздан кетмаганида,
Кўкрак тутиб, ўққа кетгаймиз.



Боғ кўрмадик кирганда боққа,
Доғ қўшилди доғ узра доққа,
Кўнгил лим-лим тўлган. Тўкмоққа
Ёшли қорачуққа кетгаймиз.

Қиш ортидан ўтар кўклам, ёз
Тополмасмиз. Кўнгли мослар оз,
Ўзимиздай ғарибга пешвоз
Биз тушмасмиз чўкка, кетгаймиз.

Умрнинг тонг, шомларида ҳам
Бутлансак деб чекдик озор, ғам.
Боламизнинг томларидан ҳам
Ўтаверар чакка, кетгаймиз.

Зарб ермиз, зарб тушириб ёвга,
Тирикликнинг ғами ҳам совға,
Дунёларга сиғмаган ғавғо,
Бир кун жим-жим, йўққа кетгаймиз.

БИЛМАСЛАР

Кўрдим қишлоқ, гўзал шаҳарлар кўрдим,
Оҳорлари кетиб борар билмаслар.
Жамалаксоч парипайкарлар кўрдим,
Баҳорлари кетиб борар билмаслар.

Тугмак бўлса етмас белбоғ учлари,
Дунё молин маҳкам тишлар тишлари.
Боғларининг ширин забон қушлари –
Олқорлари кетиб борар билмаслар.

Отлари-я, қорабайир отлари,
Гижинглади деб ўйласам, додлади.
Ёли бўрон бўлганлигин ёдлади –
Шунқорлари кетиб борар билмаслар.

Кузатиб бу дунёнинг ўр, қирини,
Билмай қолдим келмак, кетмак сирини.
Ёлғон ёрлар ялашиб бир-бирини,
Чин ёрлари кетиб борар билмаслар.

Чарсиллаган бир ўт ёнар ичимда,
Мен шеър айтсам, айтмадим тил учинда.
Бу талотўп, қув-қув, чоп-чоп ичинда,
Ҳалима ҳам ўтиб борар билмаслар.

ОНА ЭЛИМ

Она элим дўстингга дўст,
Душманингга хавфу хатарман,
Жилғалардай чулдираб ўсдим,
Илдизингдан келган хабарман.
Ёнган они ё сўнган они
Кетган борми меҳрингга қониб,
Тонготарда сен деб уйғониб,
Кунботарда сен деб ботарман.

Болам дединг ҳар коримда ҳам,
Қувончиму озоримда ҳам.
Бир кун... бир кун мозоримда ҳам
Сени суйиб ўйлаб ётарман.

Сув сўрасам сен узатдинг бол,
Бир ғунчанг ҳам кетмасин увол.



Билмагин деб тоабод завол
Боғларингга бўйлаб ётарман.

Камон, ўқли бўлгин, бўлма кам,
Гўдакларинг кўрмасин деб ғам,
Ёнимдаги шерикларга ҳам
Пичир-пичир сўйлаб ётарман.

ИНЖУЛАР

Тикланишнинг асосин ғам-ҳасрат беради,
Ўзига осон. У берса қат-қат беради.
Гар юкинсанг Нажмиддини Куброга юкин,
Байроқ деб жон бермоқ дарсин ҳазрат беради.

* * *

Кетган кетаверар қатор олдида,
Бор созлар чекингай бир тор олдида.
Дунёнинг бор аттор, савдогарлари
Ҳеч ким... Фаридиддин Аттор олдида.

* * *

Кўкармоқ не, билмасдим бу зумгача,
Кўклаб кетди майса қиёғимгача.
Боштин-оёқ суйиб разм солди ёр,
Гуллаб кетди боштин-оёғимгача.

* * *

Гарчанд ер юзининг қора-оқимиз,
Гарчанд ганж, гувала томи, тоқимиз.
Гўзал дунёларга бошлар йўл асли
Сизнинг билан маним иттифоқимиз.



* * *

Кетган кетгай қолганларни яролаб,
О, буюк ишқ, бор инкорни қилур даф.
Қиз қабрида қизгалдоқ очилармиш,
Йигит ўтса қабрларни оралаб.

* * *

Ўйламанг, бозорда ҳумо ё сор йўқ,
Олибсотарларда ҳар не бор, ор йўқ.
Ўмариб кетарди агар бўлганда,
Яхшики, иймонни сотар бозор йўқ.

* * *

Ҳозирлан, бир шиддат, шахд келаётир,
Йўлда сенмас. Кўк дарахт келаётир.
Ватан деб аталмиш қадргоҳларда,
Байроқдай ҳилпирар вақт келаётир!

ЖОНИБЕК СУБҲОН

Жиззах вилоятининг Зомин туманида туғилган (1944 йил 9 июн). Самарқанд Давлат университетининг ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. “Сирдарё ҳақиқати” газетасида (1970-1980), ЎзТАГнинг (ҳозирги “ЎзА”) Сирдарё вилояти бўйича ўз мухбири (1980-1984), Ёзувчилар уюшмаси Сирдарё вилояти бўлимида адабий маслаҳатчи (1984–1986), Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида (1986 йилдан) ишлаган.



Биринчи шеърий тўплами “Зангори уфқлар” 1978 йилда чоп этилган. “Қирралар” (1988), “Ота макон” (1991), “Тазарру онлари” (1993), “Силсила” (1994), “Рўё” (1994) шеърий тўпламлари нашр этилган. Шунингдек, у “Сенга интиламан” (1987), “Катта ҳаёт бўсағасида” (1987), “Замон қўнғироғи” (1990) тўпламларининг муаллифи.

МЕН АЙТАЖАК ГАП

Юртим, пок замининг топтамади ким,
Қутлуғ жойларинг ким этмади поймол.
Ўз-ўзингга сени гиж-гижлаб, халқим,



Узилмас кишанга солишди алҳол!
Сени меҳмондўст, деб мақтаб аввало,
Текин неъматингдан келиб сўнг тобга,
Ўшалар бошингга ёғдирди бало,
Ўғридан олиб-у, солиб каззобга.
Сен кўрган кунингга айтиб шукрлар,
Барин қабул қилдинг замон зайли, деб.
Ўтмишинг сўкса ҳам гала нонкўрлар,
Сабр қилиб келдинг ҳамон, майли, деб.
Тарихнинг бу янглиш сўқмоқларидан
Ўтганча гул каби неча қирилдинг.
Майишиб келишди тўқмоқларидан,
Ахён-ахёнгина чала тирилдинг.
Янгидан яралар ор-номус ва бурд,
Бир эркин маромда тепажак юрак.
Янгидан туғилган жабрдийда юрт,
Сени бошқа ҳолда кўрмогим керак.
Ватан-ку, яшарар, яшарар орзу,
Бироқ дилда ётган алам қаримас.
Юракдан юлқинган нолаларим, бу –
Ҳали мен айтажак гапнинг баримас!

1992.

ҚЎРҚУВ

Дунё, дунёлигинг тан олмагайман,
Қошингда бош эгиб лол қолмагайман,
Фош этиб сирларинг ҳеч толмагайман,
Тантилик шартларин этмасанг ижро!
Лол боқдинг, қатағон қилинди руҳлар,
Қўл қоқдинг, садосиз сўнди андуҳлар,
Айб топдинг, ўзини ғарқ қилди Нуҳлар...
Таскин топмадинг биз парчаланмай то.



Дарёмиз соҳилин ўпмаса , алам,
 Денгизимда тўлқин қўпмаса, алам,
 Ғўдакларда юрак тепмаса, алам,
 О, булар неларнинг бўлгани рўё?
 Рўёдир оқибат, имон кетгани,
 Ёлғоннинг кетидан замон етгани,
 Энди айтгил, сени омон тутгани,
 Қандай илинж қолди дилларда, дунё?
 Етмиш йил таомил бўлди шаккоклик,
 Мазахга учради кўп асрий поклик,
 Қизил қафасларга тушди бебоклик,
 Наҳот шулар бизга кўрилди раво?!
 Кимгадир гизланган совуқ ўқ эдик,
 Гар ҳаёт тарозу, вазни йўқ эдик,
 Турфа алдоқлардан кўнгли тўқ эдик...
 Бугун барчасидан соқитмиз илло!..

1991.

АРМОН

Онанг бўлса дунё дунё экандур,
 Онангизга ҳаёт чақир тикондур,
 Она деган баҳоси йўқ жаҳондур,
 Онасизнинг уйи ғамга макондур,
 Буни кечроқ англаганим бир армон...
 Ўзим демай, борин менга тутган ул,
 Кундуз азоб, тунлар заққум ютган ул,
 Мендан орзу, ҳавасларни кутган ул,
 Бироқ ёруғ кунлар кўрмай ўтган ул,
 Аламларим кимга ошкор этарман?!
 Мени ўйлаб бағри кабоб эди-я,
 Ҳижрон мендан қайтар жавоб эди-я,
 Тегмагани мендан савоб эди-я,

Наҳот менда меҳр камёб эди-я?!
Табиатнинг ҳукмими бу, нетарман?
Бағрим алам, армон қайнар дош гӯё,
Кўкрагимда тепган зилдай тош гӯё,
Неча йилки, елкамда йўқ бош гӯё,
Онам руҳи чимиргандай қош гӯё,
Пушмонларим юрагимга ютарман.
Онам руҳи мендан огоҳ тургандай,
Капалакми, қушми бўлиб юргандай,
Тунда юлдуз бўлиб мени кўргандай,
Ўйлаб мени, булар ҳолим сўргандай,
Токи унинг дийдорига етарман...
Нечун кўздан ювди ёшлар мардумни,
Нечун оҳим титратмади гардунни,
Аё, дўстлар, сездингизми дардимни,
Туширмасдан сизга ғубор, гардимни,
Озор бермай хотирларга, кетарман...

1992.

АСРАГАЙМАН

Сенинг ҳуснинг жаҳон ҳусни учун зеб,
Қуёш бошингда эврилгай гаминг еб,
Жаҳон ичра ўзингни бир жаҳон деб,
Ўзингни бир ўзимга асрагайман.

Илоҳий бир нидо дейди: "Эсинг йиғ!"
Нигоҳинг учди кўксимга гӯё тиғ,
Қарочиғим аро мисли қарочиғ-
Кўзингни ўз кўзимга асрагайман.

Лабингдан учмасин ғайрига бир гап,
Каломинг зое этма мисли Машраб,

Оёғинг шарпаси узра қўяй лаб,
Сўзингни дил сўзимга асрагайман.

Шивирлар гар менинг исмим дудоғинг,
Кетар дилдан сенинг бор жабру доғинг,
Юмуқ дийдамга бир бос деб яноғинг,
Юзинг, эй, гул, юзимга асрагайман.

Қабоғимга сурай деб гарди пойинг,
Ёрай кўксим, юракни айла жойинг,
Башар кўргай: бу Жонибек фидойинг,
Изинг ёлғиз изимга асрагайман!
Ўзимдек ёлғизимга асрагайман!

ДАЛА ОДАМИ

Лоҳас далаларда жизиллаётир,
Умримиз ёзининг саратонлари.
Сароб шахру боғлар чизилаётир,
Умрининг қуёшли ёрқин онлари.

Биздан ҳеч сўрамай ёзилаётир,
Ғўрлар пишсин деган ҳақ фармонлари.
Заминнинг дарзлари сезилаётир-
Хатдай битилмоқда йил армонлари.

Пуштсиз аёл каби сўппайган терак,
Мисоли фалакка санчилган ёҳу.
Каллак толиқтирган тутга не керак-
Каллакка ўсишин англамайди у.

Нечун, билмам, кўнглим бузилаётир,
Бошландими тоқат имтиҳонлари?!

Нақ сабр риштаси узилаётир,
Томирга сиғмай дер юрак қонлари...

Лоҳас далаларда ҳовур тўлқини,
Саратондир йилнинг энг қайноқ дами.
Севмай бўладими ўзбек халқини-
Садағанг бўлай, эй дала одами!

ДАРАХТ ЭККАНМАН

Мен қанча дарахтлар экканман,
Одамлар беғубор кўнглига.
Ўйласам, ҳўб бахтли эканман,
Сира ҳам ўхшамам мунглига.

Қай бири ўхшайди гулларга,
Тугади муҳаббат мевасин.
Қай бири шох ташлар елларга,
Такрорлар ошиқлар шевасин.

Миннатни билмаган шохидан
Сояси ёғилар бошларга.
Қандайдир қувончдан гоҳида
Кўзларим тўлади ёшларга...

ЎЗ ЭЛИМ

Ўзбек элим, ўздек элим, ўз элим,
Йиғлай-йиғлай бўлдинг қоракўз, элим.
Сенинг тинчинг учун нечун тикмай жон,
Ишонганим, норғул элим, бўз элим.



Сўзи мендан ўланларим сенгадур,
Кўзим берсин кўзларингга сенинг нур.
Шоирлигим менинг қайга борарди,
Сендан юрак олмаганда завқ, сурур.

Ҳар қушнинг ҳам мўъжаз ини бўлади,
Одамнинг ўз тили, дини бўлади.
Элим, қиличингман сенинг, ким айтар:
“Ўтмас чопқининг ҳам қини бўлади”.

Сенинг шаънинг учун дил сўзонадир,
Сенинг эртанг ўйлаб умрим ёнадир.
Тонгдан, эртанги кун ва келажақдан
Илинжим ҳам ҳатто ўзбеконадир.

Ўзбек элим, ўздек элим, ўз элим,
Айтганидан қайтмаган бир сўз элим.
Ҳур кунларга етдинг, етдим сен билан,
Толеингга тегмасин-да кўз, элим!

БИЗ УМИД ФАРЗАНДИ

Биз-умид фарзанди, ўйзодадирмиз,
Кўплардан покдирмиз, озодадирмиз,
Шундан боши баланд фазодадирмиз,
Шу ҳолда сақлагин бизни, илоё!

Азал бизни йўлга солган кори хайр,
Мудом синовларга дуч қилди бу дайр,
Бизга бўлгани йўқ келиб-кетмоқ, сайр,
Шу ҳолда ёқлагин бизни, илоё!

Ҳар қалай, умрни ўтказмасмиз ҳайф,
Бошимиз эркалаб силамади ғайб,
Фақат яратганнинг ўзидир беайб,
Шу ҳолда оқлагин бизни, илоё!

Иймонни сотмадик бир ками-кўстга,
Жонни фидо этдик виждонли дўстга,
Тупроқ тортган пайти одамлар устга-
Ёд учун чоқлагин бизни, илоё!

ШАРҚОНА

Менга то Шарқ онадир, Шарқ-онадир,
Жону жаҳдим ҳам руҳим- шарқонадир!

У билан уйғунлигим менга шараф,
Дил шу Ватан меҳварида ёнадир.

Толею бахтим қуёш бирлан эгиз,
Мен қуёш бирлан азал ҳамхонадир.

Мен уни этмам тасаввур беқуёш,
Гар ғуборли кўки, дил вайронадир.

Менга жонимдин азиз ҳар парчаси,
Ҳоҳ Самарқанд, хоҳи Шош, Фарғонадир.

Бу ширин бахт кимга айлайдур насиб,
Онажонимдай Ватан бир донадир.

Қилмагай оламдан армон Жонибек,
Меҳрига гар шу Ватаннинг қонадир...

ҲАЁТХОН ОРТИҚБОЕВА



Гулистон туманида туғилган (1946 йил 10 октябрь). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (2004), “Эл-юрт ҳурмати” (2008) ордени соҳиби. Олий Мажлис Сенати аъзоси (2005-2009) йиллар, иккинчи марта 2020 йилдан сайланди.

Унинг “Феруза оқшомлар”, “Кўклам эртаклари”, “Ҳумолари қайтган юрт”, “Не бахт бу дийдор”, “Ой қўнган айвон”, “Тонгларингда эсан насимман” (сайланма) шеърий тўпламлари чоп этилган. Айни вақтда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Сирдарё вилоят бўлими раҳбари.

* * *

Қийин кунда бир майизни қирққа бўлган эл,
Мушибатда бир тану жон, битта бўлган эл,
Бир-бирини суяб, тиклаб, тикка бўлган эл,
Бундай элни Яратган ҳам қўллайди, илло.

Сирдарё бу-юз миллатга ватан бўлган юрт,
Инсон ақлу закосидан чаман бўлган юрт,
Ҳар гўшаси, ҳар кўчаси гулга тўлган юрт,
Бундай элни Яратган ҳам қўллайди илло.



Яшаймиз бир-биримиздан куч-қудрат олиб,
Машаққатлар, синовлардан юрмаймиз нолиб,
Биз ҳамиша музаффармиз, ҳамиша ғолиб,
Бундай элни Яратган ҳам қўллайди, илло.

Худо бизга дарё берган, дарё феъллимиз,
Саховатли, дастурхони очик элимиз,
Воҳамизнинг тонгларидек равшан дилимиз,
Бундай элни Яратган ҳам қўллайди, илло.

Одамзотни аслида пок иймон асрайди,
Балолардан, қазолардан омон асрайди,
Бир-бирини асрагани замон асрайди,
Бундай элни Яратган ҳам қўллайди, илло.

Бор умрингни эл ишига чоғлаш шарафдир,
Инсон шаънин, Ватан шаънин сақлаш шарафдир.
Сирдарёлик деган номни оқлаш шарафдир
Бундай элни Яратган ҳам қўллайди, илло.

* * *

Кулимсираб чиққан қуёш саломида,
Япроқларнинг шивирлаган каломида,
Ҳар кун бизга Яратганинг инъоми-да,
Умрингизга ҳар тонг бахтдан хабар келсин.

Қалдирғочлар қанотида келган кўклам,
Ўриklarнинг гул хатида келган кўклам,
Шаббодалар баётида келган кўклам,
Умрингизга ҳар тонг бахтдан хабар берсин.

Қайрилсангиз ортда ёруғ изларингиз,
Улғайибди гулдай ўғил-қизларингиз,

Бу оламга чақнаб боқсин кўзларингиз,
Умрингизга ҳар тонг бахтдан хабар келсин.

Қутлуғ кунлар узайтирсин умрингизни,
Иймон, қуёш ёруғ қилсин йўлингизни,
Шукроналик Ҳаққа бурсин кўнглингизни,
Умрингизга ҳар тонг бахтдан хабар келсин.

* * *

Юрган йўлимиздан бир маёқ қолсин,
Меваси шовуллаб яшил боғ қолсин,
Ўтган умримиздан бир чироқ қолсин,
Бу умр бизларга имтиҳон, дўстим.

Бедор яшамоқни дарёдан ўрган,
Ибратни, ҳикматни дунёдан ўрган,
Бу замин не асрор, синоат кўрган,
Дунёни асраган пок имон, дўстим.

Кўнглингга гуллар эк, яшнаб турсин у,
Умрингни тўлдириб, чошлаб турсин у,
Ҳар тонг яхшиликка бошлаб турсин у,
Эзгулик ғолибдир, сен ишон, дўстим.

Бўлолсанг қуёш бўл, дилларни ёрит,
Кўнгиллarga борар йўлларни ёрит,
Чаманлар юзидан ғуборни арит,
Бу олам меҳрдан нурафшон, дўстим.

Элга фарзанд бўлсанг меҳригиёсан,
Ватанга суянчсан, нурсан, зиёсан,
Элинг қўллаб турса, тошқин дарёсан,
Дарёдай яшамоқ – шараф-шон, дўстим!

ОФТОБЛАРИ ЧАРАҚЛАГАН ТОНГЛАР ОТАР

Офтоблари чарақлаган тонглар отар,
Гўдакларнинг бошин силаб бахт уйғотар,
Шукур, десам товушларим кўкка етар,
Умрингизга мунавварлик сўраб юринг,
Кўнглингизга диловорлик сўраб туринг.

Насимлари атир сепса йўлингизга,
Кўкламлари лола тутса қўлингизга,
Хайратлардан ларза тушса дилингизга,
Умрингизга мунавварлик сўраб юринг,
Кўнглингизга диловорлик сўраб туринг.

Шу заминга жоним туташ, умрим туташ,
Қуёшига, ойига кўз нурим туташ,
Улуғ боболар руҳига руҳим туташ,
Умрингизга мунавварлик сўраб юринг,
Кўнглингизга диловорлик сўраб туринг.

Бир ўлкаки, жаннатларга андозадир,
Шаън-шавкати жаҳонларга овозадир,
Қуёшнинг илк шуъласи исмин ёзадир,
Умрингизга мунавварлик сўраб юринг,
Кўнглингизга диловорлик сўраб туринг.

Тоғларида ўйнаб юрар жайронлари,
Ҳар гўшада қулф уради райхонлари,
Бир бор кўриб мафтун кетар меҳмонлари,
Умрингизга мунавварлик сўраб юринг,
Кўнглингизга диловорлик сўраб туринг.

Осонликча етмадик бу манзилларга,
Хурлик шахду шиддат берди кўнгилларга,
Улуғ инсон етаклар ёруғ йўлларга,
Умрингизга мунавварлик сўраб юринг,
Кўнглингизга диловорлик сўраб туринг.

Кўнгилдаги шукроналик тиловатдир,
Ватан хокин кўзга суртмоқ ибодатдир,

Буюк юртга фарзанд бўлмоқ саодатдир,
Умрингизга мунавварлик сўраб юринг,
Кўнглингизга диловорлик сўраб туринг.

Офтоблари чарақлаган тонглар отар...

ТУРНАЛАР ҚАЙТАР

Олис қишлоқ, болалигим ўтган боғлар,
Шўхликларим қолган майсазор сўқмоқлар.
У сўқмоқдан ўтганларнинг йўлларига
Ҳамон пояндозлар ёзар қизғалдоқлар.

Қалдирғочлар қайтар куйлаб чуғур-чуғур,
“Мунис қушим, келганингга минг бор шукур,
Чуғурлашиб айвонларни нурга тўлдир,
Митти полапонларингни кўкка учир”

У боғларга гуллар ёйиб қайтар баҳор,
Мангуликнинг қўшиғини айтар баҳор.
Турна бўлиб шу қишлоққа қайтгим келар,
Қўнсам, шохларини эгса мажнунтоллар.

Қанотим йўқ, турна бўлиб қайтолмайман,
Сирларимни мажнунтолга айтолмайман.
Алвон рангли дуррачасин ҳилпиратган,
Қизғалдоқнинг қўлларида тутолмайман.

Чорлайверар болалигим қолган сўқмоқ,
Дилга яқин, лек ўртада йўллар йироқ.
“Насим бўлиб кел, иккимиз яйраймиз” деб,
У сўқмоқдан қўл силкийди бир қизалоқ.

СИРДАРЁЛИКЛАР

Кўнгилдаги орзулари сўнмайдиган,
Табиатнинг “ҳазил”ига кўнмайдиган,
Режасини тиндирмаса тинмайдиган,
Қўли ишдан бўшамайди, сирдарёликлар.

Айвонида дастурхони йиғилмаган,
Бир куни йўқ, меҳмон кутиб ош қилмаган,
Бир кун меҳмон келмаса кўнгли тўлмаган,
Бошқаларга ўхшамайди сирдарёликлар.

Набирасин тўйига қўш новвос бойлар,
Бешиктўйга безар гижинглаган тойлар,
Бор армони ушалади қилиб тўйлар,
Тўй қилишдан чарчамайди сирдарёликлар.

Меҳмон келса йўлга жонин тўшаган эл,
Феъл-атвори дарёсига ўхшаган эл,
Дарё каби чалқиб, бедор яшаган эл,
Гул кўкламни чўллар сари бошлаган эл,
Боғ қилмасдан яшамайди сирдарёликлар.

Йигитлари сал тўпори, битта сўзли,
 Гул қизлари бодомқовок, оҳу кўзли,
 Шоирларин ашъори ҳам ой юлдузли,
 Ваъдасини бажармаса ёруг юз-ла,
 Битта қадам ташламайди сирдарёликлар,
 Бошқаларга ўхшамайди сирдарёликлар.

ЖАННАТИМ, КҮНГЛИМГА ЭККАН ГУЛИМСАН

Кўкламни чўлларга бурган элимсан,
 Бир сўзли, аҳдида турган элимсан,
 Яхши ёмон кунни кўрган элимсан,
 Болангман, эркалаб юрган элимсан,
 Жаннатим, кўнглимга эккан гулимсан.

Гаплашсанг юраги кўриниб турган,
 Кўнглингни олишга уриниб турган.
 Феъли дарёсидай вазмин, сокиним,
 Қош кўздай қадрдон дилга яқиним,
 Онамсан, оғамсан, жон-у дилимсан.

Бобомнинг чайласи зеб бўлган далам,
 Нурли дунё эди, мунаввар олам.
 Шу қутлуғ заминда, мухташам шаҳар-
 Ажиб кошодалар қурмоқда болам,
 Муқаддас остонамсан, манзилимсан.

Офтоб ўпиб ўтар айвонларингни,
 Ифорин ҳовучлаб райҳонларингнинг.
 Кезиб лолазорлар сайхонларингни,
 Таърифин изласам имконларингнинг
 Ой каби тўлинсан, гулдай сўлимсан.

Кузда Мирзаободга бўлсангиз меҳмон,
Анорзорин кўринг, шохлари ларзон,
Дарё соҳилида бир жаннатмакон,
Исмига муносиб маъво – Гулистон,
Сирли афсонамсан, нурли йўлимсан.

Бел боғлаб турибсиз улўғ ишларга,
Моҳирсиз, қодирсиз зўр юмушларга.
Сиз менинг бекларим, султонларимсиз,
Ризқ-руз яратгувчим, деҳқонларимсиз,
Умидли, орзули, уйғоқ дилимсан.

Энди бўй бастингни кўрсат, Сирдарё,
Шиддатинг, шахдингни кўрсат, Сирдарё,
Бой берма, кутмайди фурсат, Сирдарё,
Қудратинг, аҳдингни кўрсат, Сирдарё,
Ғурурим, кўз нурим, обод кўнглимсан,
Жаннатим, кўнглимга эккан гулимсан.

БУ ҚУТЛУҒ ДАРГОҲДА ДАҲОЛАР ЎСАР

*(Ҳ.Худойбердиева номли ижод мактабининг
очилиш маросимида ўқилган шеър)*

Бу қутлуғ даргоҳда даҳолар ўсар,
Зулфияхонимлар, аҳли донолар.
Қалбига устозлар сабоғин жойлаб,
Улғаяр Улуғбек, Ибн Синолар.
Шул қора кўзларнинг нигоҳларида,
Заковат, истеъдод зиёсин кўрдим.
Орзулар чакнаган қароқларида,
Ҳазрати Бобурнинг сиймосин кўрдим.

Шу сафда тургандир Абдулла Ориф,
Қўлларида ўтли қалами билан.
Муҳаммад Юсуф ҳам жилмайиб маъюс,
Турибди ўз нурли олами билан.

Улуғ юксалишнинг тоза нафаси –
Ёруғ умидимиз тимсоллари – Сиз.
Миллатнинг кўз нури, тоғдай ғурури –
Кўнгил боғидаги ниҳоллари – Сиз.

Толе йўлларингиз этгай мунаввар,
Қуёшли тафаккур, ақл машъали.
Биз эккан ниҳоллар гуллар, гуркирар,
“Бу боғлар бир боғлар бўлади ҳали”¹.

Юзлаб Ҳалималар ижоди билан,
Кўкларга кўтарар Ватаннинг шонин.
Навоий авлоди албат муқаррар,
Ҳайратга солгайдир кўҳна дунёни.
Дунёга танитгай Ўзбекистонни.

ДУНЁГА ОМОНЛИК ТИЛАЙЛИК

Яшаймиз ҳар тонгдан муждалар кутиб,
Билган-билмаганга меҳримиз тутиб,
Йиллар келаверар бахт ваъда этиб,
Кўнгилга ойдинлик сўраб яшайлик.

Шивирлаб бўй чўзган қуёшга томон,
Ям-яшил бу боғлар улгайсин омон,
Биздан юз ўгириб кетмасин имон,
Оламни меҳрга ўраб яшайлик.

1. Шоира Зулфияхонимнинг сатри.

Ҳар тонг оёғингга бош қўйса майса,
Бахт тилаб ҳовлингда гуллар жилмайса,
Ватан осмонида порлаган ойсан,
Дунёга омонлик тилаб яшайлик.

Чақмоқнинг умрича лаҳзадир умр,
Тангрим, ўйларимга мунавварлик бер,
Боболардан мерос ёрқин тафаккур,
Шу элнинг корига яраб яшайлик.

Йиллар кетаверар, баҳорлар қайтар,
Заминга гул бўйли ифорлар қайтар,
Кўнгилга шиддатлар, виқорлар қайтар,
Минг шукур, мен айтган ҳаёт қўшиғин
Жўшқин оҳангларда набирам айтар.

Қўшиққа қўшилиб куйлаб яшайлик,
Кўнгилга ойдинлик сўраб яшайлик.

СИЗГА БАХТДАН ХАБАР ЭДИ

Қизғалдоқдай учради у йўлингизда,
Чироқ ёқди, олов ёқди кўнглингизга,
Зилол чашма бўлиб оқди дилингизга,
Эсиз, дарё бўлмадингиз, тўлмадингиз.

Ойдаи тўлиб умрингизни ёритганин,
Наво бўлиб ғамингизни аритганин,
Ҳар тонг райҳон бўйидай ифор тутганин,
Сезмадингиз, сезиб қадр қилмадингиз.

Йўлингизга атиргулдаи эгилди у,
Пойингизга япроқдайин тўкилди у,



Энг хокисор, энг қадрсиз гул бўлди у,
Билмадингиз, билмадингиз, билмадингиз...

Умрингизга бир мунаввар саҳар эди,
Юрагингиз кунжидаги гавҳар эди,
Аслида у Сизга бахтдан хабар эди,
Бой бердингиз, англадингиз...
Йиғладингиз, йиғладингиз, йиғладингиз.

... Қизғалдоқдай учраганди йўлингизда...

ШУКРОНА АЙТ

Деразангдан кирган офтоб зиёсига,
Юзларингни сийпалаган сабосига,
Дуога қўл очган отанг дуосининг
Юрагингда жаранглаган садосига –
Шукрона айт.

Дарвозангдан кирган қутлуғ қадамларга,
Чеҳрасидан нур ёғилган одамларга,
Ҳар лаҳзаси умрларга қиёс кунлар –
Азиз умринг узайтирган шу дамларга –
Шукрона айт.

АНВАР ТОҒАЕВ

Сирдарё туманида
туғилган (1947).
Тошкент Ирригация
ва қишлоқ хўжалигини
механизациялаштириш
институтини тамомлаган.
Шеърлари республика,
вилоят газеталари ва жур-
налларида чоп этилган
“Муҳаббат ёғдуси” (1997),
“Кўнгил гавҳари” (1998),
“Соғинч фасли” (2010) ва бошқа шеърий тўплам-
лари чоп этилган.



УЧИНЧИ РЕНЕССАНС

Боболар Ватан-чун тикишган жонни,
Нақшли кошоналар этишган барпо;
Ўтишган қадрлаб ҳар лаҳза, онни,
Нурли кунни бизга кўришган раво.
Азалдан ўзбекнинг доврўғи шоён,
Ўлкамда улғайган олимлар сафи.
Бутун Осиёни чулғаганда шон,
Жаҳонга ёйилган Темур шарафи.
Ўзбек бу, мағрур ва мўмин феъли бор,
Юксалиш йўлида ўзин йўли бор.

Ватан фарзандлари турди мардона,
Эрк йўлида уриб ўзларин чўққа.
Эсласам қақшайди шу дилим ёна,
Чўлпон тутган пайтин кўкрагин ўққа.
Эй, Ватан фарзанди, Ватан муқаддас,

Устозинг барини сен кўзингга сурт.
Боқ, бугун барчада уйғотар ҳавас,
Устоз ота каби улуг бўлган юрт.
Ўзбек бу, дилида тошқин сели бор,
Юксалиш йўлида ўзин йўли бор.

Азизлар, билдингиз нажот илмдан,
Бу юртда сўнмагай илм машъали.
Айтинг-чи, аслида биз каммиз кимдан,
Ватан юксаклигин кўрармиз ҳали.
Катта карвон йўлда, нурлидир манзил,
Оққан дарё оқар, бир дам олмас тин.
Эъзоз-ла мен сизга эслатсам арзир,
Устоз Тўхтамурод Жумаев номин.
Ўзбекнинг илмга чанқоқ дили бор,
Юксалиш йўлида ўзин йўли бор.

Мен жаҳон айлансам дўппимни кийиб,
Қайда бўлмай, менга боқишар бир зум,
Ёнимга келишар ишларин қўйиб,
“Ўзбек, Ўзбек” – дея қилиб табассум.
Илм, маърифатга бағримни очай,
Гуркираган ҳаёт ёнимиздадир.
Устоз қадамига турфа гул сочай,
Илмга интилиш қонимиздадир.
Ўзбекнинг ўз халқи, қоим эли бор,
Юксалиш йўлида ўзин йўли бор.

Мустақиллик, сендан айланай яна,
Бизга очик бўлди жаҳон минбари.
Адолат, эзгулик қилур тантана,
Ҳар ишда бош-қошдир юртим сарвари.
Асрлар қаъридан келмоқда бир сас,

Ҳар биримиз улуг ишга аҳдлимиз.
Хуш келдинг юртимга янги Ренессанс,
Пойдевор қўёлсак сенга, бахтлимиз.
Ўзбекнинг қудратли, узун қўли бор,
Юксалиш йўлида ўзин йўли бор.

ГУЛИСТОН БАҲОРИ

Югурик вақт ўтиб боргани сайин,
Ёдимга тушади ўтган у йиллар.
Ҳар галгидай сабо эсади майин,
Чаманда порлайди ранг баранг гуллар.

Яна баҳор келди, тагин дилда шаън,
Тоғлар этагида яйрар оҳулар.
Бамисли жаннатдир бу гўзал гулшан,
Дилда бўй чўзади янги орзулар.

Гулистон баҳори, яйрар танда жон,
Қайтадан яшарди бу азиз ўлкам.
Қирларда бўтакўз отади хандон,
Бизни соғинтириб келдингми, кўклам.

Салом юртдошларим, дўстларим, салом,
Биламан кутгайсиз нон-у туз билан.
Дийдор пайти келар шоирга илҳом,
Бир умр қолайин майли сиз билан.

Бир лаҳза юрт кездим хаёл отида,
Мен учун қанчалик азиз бу дийдор.
Хушрўй қалдирғочлар ўз қанотида,
Эзгулик келтирсин Сизга ҳар баҳор.

СИРДАРЁ ҚАСИДАСИ

Бепоён кенгликларинг бағрида ундим, ўсдим,
Қодир ҳаёт ҳамиша ҳар кимга ҳам тутмас бол.
Ҳаёт шу: ёнимдадир ҳам ғаниму, ҳам дўстим,
Тарихинг ёдга олсам бугун тилим қолар лол.

Фараҳли кечаларда қўлимга қалам олиб,
Битмас ҳасратинг ўйлаб мен ҳам неча бор ёндим.
Бу кун қутлуғ кунингни турибман шеърга солиб,
Хайрият, шу кунларга етганимдан қувондим.

Хаёлимда от миниб, кечмишингни бўйласам,
Сўнг қарасам, дарёнинг тўлқинидан келди сас.
Ўзбаки шу дўппимни ерга қўйиб ўйласам,
Танҳо заминда фақат Ватан экан муқаддас.

Азамат боболарим чехрасин кўрган наҳр,
Тўлқини жилваланиб, мавжланиб оққан дарё.
Барчага ҳаёт берган асли сенмасми, ахир,
Кўнглимизни кўтариб бизларни боққан дарё.

Инсон иродаси-ла чўлларга ҳам оқди сув,
Ҳа, агар сабр қилсанг, ортда қолгай заҳмат ҳам.
Энди чўл сарҳадлари фусункор, гузал, сулув,
Заҳмат чеккан инсонга келгай шону шавкат ҳам.

Самоларда барқ уриб қора тунни ёритган
Юлдузлар Қаҳрамонлар кўксига қўнди, шукр.
Энг асл жаннатидир умрин зиёда этган,
Хотира майдонида ҳайкаллардан балқар нур.



Шараф сенга, эй ҳаёт, нурли диёрим бордир,
Тупроғинг кўзга сурай, беназир гулшанимсан.
Истиқлол чаманида бахт, иқбол сенга ёрдир,
Мен сенга фарзанддирман, тугилган масканимсан.

Тилагим шул: бу юртда шижоат ёйсин қулоч,
Ҳақ нуридан нурлансин кўнгилдаги зиёмиз.
Адолатнинг қуёши доим эрур бошга тож,
Эрк, эзгулик йўлида юксалсин Сирдарёмиз.

2003.

ЮРТДА ҚАЙТДИ ҲУМОЛАР (Шоира Ҳаётхон Ортиқбоевага)

Юлдузлар безаб турар ул мусаффо самони,
Бетакрор чирой ила зийнатлабон дунёни.

Қандай яхши, самода зиё сочса юлдузлар,
Нурталаб дилларга ҳам сочаверсин зиёни.

Юлдузлар даврасида Сиз ҳам бир юлдуздирсиз,
Тонг пайти шеърга солинг майин, эрка сабони.

Ижод йўли – машаққат, шеър – марварид шодаси,
Асл ижод йўлининг бўлмагайдир равони.

Марҳамат, ўрнингиз бор устозларнинг сафида,
Чорланг Тўра Сулаймон ва Ҳамроқул Ризони.
Ҳар бир айтган сўзингиз бамисли дур, гавҳардир,
Сиздирсиз шу элимнинг Нодираи даврони.

Воҳадош шоирларга таъзим-ла қилиб хитоб,
Дегум: қутлайлик дилдан Ҳаётхон – Ойнисони.

Бахт сари, иқбол сари чорлар бизни Ҳумоқуш,
Завқ ила куйладингиз юртга қайтган Ҳумони.

Сизни эл ардоқлагай, шеър битмоқ имкони бор,
Келинг, жўшиб куйлайлик шул она – Сирдарёни.

2002.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

(қўшиқ)

Аждодлардан келар бир нидо, бир сас,
Порлаб турсин бизлар ёққан чироқлар.
Маърифат нуридир янги Ренессанс,
Кўз очсин тоза ва шаффоф булоқлар.

Она юртим, ўзинг беназир гулзор,
Булбулга не азиз чамандин ўзга.
Бунчалар кўрклисан беқиёс диёр,
Инсонга не азиз Ватандин ўзга?

Нақорат:

Бахти ёр халқдирмиз қудратли, буюк,
Муқаддас шу она — Ватандир суюк.
Шаънимсан, оримсан, шуҳратсан, шонсан,
Йўли нурли Янги Ўзбекистонсан.

Эзгулик йўлидир сен танлаган йўл,
Дилларда жўш урар мунаввар орзу.
Сафдасан, юксалиб сен шарафга тўл
Ва кўҳна заминга ўзинг бўл кўзгу

БОЙЖИГИТ АБДУЛЛАЕВ

Самарқанд вилояти-
нинг Булунғур туман-
ида таваллуд топган (1950
йил 3 январь). 1973 йилда
СДПИни тутатган. Узоқ йил-
лар туман, вилоят, респуб-
лика матбуотида хизмат
қилган. Ҳозирда Ўзбекистон
Журналистлар уюшмаси
Сирдарё вилояти бўлими-
нинг раиси.



Унинг “Тоза рух”, “Тазарру манзили”, “Яшасин
муҳаббат”, “Муҳаббат оҳанглари”, “Матонат”,
“Қисмат қўшиғи”, “Муҳаббат қўшиқлари” шеъ-
рий тўпламлари нашр этилган.

МУНОЖОТ

*Таниқли журналист, беназир ижод соҳиби
Муҳаммад Исамуродовга бағишланади*

Бу дунё эски бир қўрғон эмасми,
Ҳар киши тириклик ғамин емасми,
Тангри ҳам “Не қилдинг унда” демасми,
Эй, менинг кадрдон дўстим Муҳаммад!

Сиз каби фозиллар, кўп эмас афсус,
Кимдир буқаламун, қай бири товус.



Кимдир нафс бандаси – пажмурда маҳбус,
Эй, менинг қадрдон дўстим Муҳаммад!

Келдим, дардингизни менга ҳам сўйланг,
Бағр очиб, буйингиз буйима бўйланг.
Эртага биз бормиз ёки йўқ, уйланг,
Эй, менинг қадрдон дўстим Муҳаммад!

Хаёт қонунидан сўзим моддадир,
Тириклик мураккаб ҳам жўн, соддадир.
Яхши-ёмон кунлар ўтди, ёддадир,
Эй, менинг қадрдон дўстим Муҳаммад!

Бир сирли хумдирмиз, баъзан тошамиз,
Гоҳида хотиржам, гоҳо шошамиз.
Умр довонларин шундоқ ошамиз,
Эй, менинг қадрдон дўстим Муҳаммад!

Манглайда не қисмат, билмам, бор менга,
Кимдир балки қурар баланд дор менга.
Биламан, кимлардир интиқ, зор менга,
Эй, менинг қадрдон дўстим Муҳаммад!

Номардлар ҳеч қачон мард бўла билмас,
Бир қалб зорига ҳамдари бўла билмас,
Ҳатто эл тўнига гард бўла билмас,
Эй, менинг қадрдон дўстим Муҳаммад!

Тингланг, нолаларим танбур, найдадир,
Дунёда тақдирлар йирик, майдадир,
Биламан, етишмоқ Ҳаққа қайдадир,
Эй, менинг қадрдон дўстим Муҳаммад!

Бозорда балиқ ҳам, тўр ҳам сотилар,
Аччиғу, ширину шўр ҳам сотилар,
Қайдадир марҳум-чун тўр ҳам сотилар
Эй, менинг қадрдон дўстим Муҳаммад!

Баъзан ишим тушди қашқир, тулкига,
Кўйлақлар иштонга қолди кулгига,
Ажаб меҳмондирмиз фано мулкига,
Эй, менинг қадрдон дўстим Муҳаммад!

Сўз деяй, бир яхши ёр топиб беринг,
Пул эмас, гулларга зор топиб беринг,
Хўб бўлиб бўлмаган хор топиб беринг,
Эй, менинг қадрдон дўстим Муҳаммад!

Улуғ юришларда толганга қийин,
Уйни олгангамас солганга қийин,
Ўлган ўлиб кетар қолганга қийин,
Эй, менинг қадрдон дўстим Муҳаммад!

Баъзан шайтонларга ёқмай бўлурми,
Умр дарёсида оқмай бўлурми,
Замоннинг зайлига боқмай бўлурми,
Эй, менинг қадрдон дўстим Муҳаммад!

Бу кўҳна заминни Туркистон дерлар,
Яшаган не машҳур аёллар, эрлар,
Ушбу кун қайларда сиртлонлар, шерлар,
Эй, менинг қадрдон дўстим Муҳаммад!

“Алла”дан яралган “Ушшоқ”, “Баёт” ҳам,
Аҳли саховатдан ҳар не нажот ҳам.

Капалак умридай маним ҳаёт ҳам,
Эй, менинг қадрдон дўстим Муҳаммад!

Биз учун чақилди неча пистонлар,
Биз учун тарангдир неча камонлар,
Лек пойдор яшаймиз, неча замонлар,
Эй, менинг қадрдон дўстим Муҳаммад!

Яхшига ёндошдим, кулфат топмадим,
Гоҳида адашдим, иззат топмадим,
Баъзан ўзимдан зўр улфат топмадим,
Эй, менинг қадрдон дўстим Муҳаммад!

Дунёда менинг ҳам севган гулим бор,
Ҳар ерда қўлловчи қизим, улим бор.
Бир далли улфатман, келинг, пулим бор,
Эй, менинг қадрдон дўстим Муҳаммад!

2010.

ЎЗИНГ УЧУН ҚАЧОН ЯШАЙСАН?

Қолар макон, кетадир замон,
Бул ҳақиқат ҳаммага аён.
Эй, сен – мағрур, хокисор инсон,
Ўзинг учун қачон яшайсан?

Ҳар кун туриб сўфидан эрта,
Ҳаёт – дутор, сен уни черта,
Эй меҳрибон, ғамгусор ота,
Ўзинг учун қачон яшайсан?

Ўғил, қиз деб югурдинг, чопдинг
Рўзғор – қозон, гоҳ очдинг, ёпдинг

Сенга аён қандай ризқ топдинг,
Ўзинг учун қачон яшайсан?

Кетаяпсан орқалаб халта,
Дейсан, кунлар бунчалар калта?
Бормадинг Чимёнга ё Ялта,
Ўзинг учун қачон яшайсан?

Бугун қилдинг эртаги ишни,
Тугата олмадинг ташвишни.
Шу тахлит ўтказиб ёз, қишни
Ўзинг учун қачон яшайсан?

Омон бўлсин бу метин бошинг,
Ўй сурасан, чимириб қошинг.
Ошиб кетди эликдан ёшинг,
Ўзинг учун қачон яшайсан?

Неваранг уч ёшга тўлмаган,
Кўрмаган мультфильми қолмаган,
Сен юрибсан соқол олмаган
Ўзинг учун қачон яшайсан?

Адо бўлдинг уч уй битгунча,
Юрагингда неча тугунча.
Бир бошингга ташвишми шунча,
Ўзинг учун қачон яшайсан?

Охири йўқ мақсаду манзил,
Маош кам деб бўласан хижил,
Шу тахлитда яшаб 60 йил,
Ўзинг учун қачон яшайсан?

Пенсияннга бир бешик олдинг,
Пул жамғариб ром, эшик олдинг.
Қарз кўтармоқликдан ҳам толдинг,
Ўзинг учун қачон яшайсан?

Йўл топмадинг, бўлолмадинг бой,
Невараннга баъзўр топдинг той.
Гап ўйнайди хотининг ҳар ой,
Ўзинг учун қачон яшайсан?

Кўрган кунинг даври давронми,
70 дан ошганинг ёлғонми,
Қилмаган ишларинг қолғонми,
Ўзинг учун қачон яшайсан?

Ўзни урдинг чўғларга, ўтга,
Кийиминнга тегмади чўтка,
Лек қизингнинг қўлида сўтка,
Ўзинг учун қачон яшайсан?

Ўғлинг уйланмаса бўлмайди,
“Каптива”га кўнгли тўлмайди.
“Лимузин” сиз юзи кулмайди,
Ўзинг учун қачон яшайсан?

Тилло занжир қизинг бўйнида,
Ўзинг эски чопон қўйнида.
Бу ҳам тақдирнинг бир ўйинида,
Ўзинг учун қачон яшайсан?

Умуртқамда оғриқ бор, дейсан
Дори ичмай, ким ғамин ейсан.
Яхши одам эмассан, эй сан!
Ўзинг учун қачон яшайсан?

Етдим дейсан 80 га шукур,
Ростини айт, кўрдинг не ҳузур?
Гапим ботса сўрайман узр,
Ўзинг учун қачон яшайсан?

Ўз-ўзингга эгмадинг бўйин,
Доим ўйлаб бировнинг ўйин.
Пуч ёнғоққа тўлдириб қўйин,
Ўзинг учун қачон яшайсан?

Ўтди умринг ёниб шам каби,
Лабда кулгу, кўзда нам каби,
Олийжаноб муттаҳам каби.
Ўзинг учун қачон яшайсан?

Осмонларга етмади ноланг,
Аҳволингни тушунмас боланг,
Узоқлардан кўринди холанг,
Ўзинг учун қачон яшайсан?

Гоҳ оч юрдинг, гоҳ ошадинг,
Ўру қирга ўзни ташадинг,
Хуллас, бошқалар-чун яшадинг
Ўзинг учун қачон яшайсан?
Вақт ўтган сўнг ёлғон яшайсан?!

АЁЛНИ ЁЛҒИЗЛИК ҚИЙНАГАНИДА

Кўнгил кетса келмас ҳеч қачон қайтиб,
Аёл ётар дардин Аллоҳга айтиб.
Қайси ковакларда эр юрар дайдиб,
Аёлни ёлғизлик қийнаганида.

Самода ҳеч қачон юлдуз ботмагай,
Тунлар узун бўлгай ва тонг отмагай.
Дунё ширинликка тўла тотмагай,
Аёлни ёлғизлик қийнаганида.

Э воҳ, ёстик қучиб тўлғонар эмиш,
Гулбаданга сочлар чулғонар эмиш.
Шайтоннинг қўйнида уйғонар эмиш,
Аёлни ёлғизлик қийнаганида.

Икки ўрим сочининг дорлиги ёлғон,
Диллар бир-бирига зорлиги ёлғон.
“Бу дунёда бахтнинг борлиги ёлғон,
Аёлни ёлғизлик қийнаганида”.

Бойжигит, боқмадинг шундай гўзалга,
Ўзи суқсур, сўзи қандга, асалга.
Бало борми шеърга, куйга, ғазалга
Аёлни ёлғизлик қийнаганида!

КИММИЗ?

Олим бўлмасанг бўлма,
Инсон бўлмасак киммиз?
Беш кунлик бу дунёга
Меҳмон бўлмасак киммиз?

Йўлиқсанг йигит мардига,
Лабинг тут тўнин гардига.
Бир камбағалнинг дардига,
Дармон бўлмасак киммиз?

Йиғиштир молу матонгни,
Майли кеч тузат хатонгни.
Эшондек сийла отангни,
Мезбон бўлмасак киммиз?

Ким баргда, кимлар шоҳида,
Аллоҳнинг паноҳида.
Гоҳ фаришта, гоҳида
Шайтон бўлмасак киммиз?

Хуллас, ўйнадик, кулдик,
Ғаму шодликка тўлдик.
Кимгадир орзу бўлдик,
Армон бўлмасак киммиз?

АЛИ НАСИРЛИ



Озарбойжон Республикасида туғилган (1950). 1978 йилда Озарбайжон давлат университети-нинг ҳуқуқ факультетини битирган. 1979 йилдан Ўзбекистонда яшаб, кўп йиллар ички ишлар тизими-да фаолият кўрсатди.

Ўзбекистон ва Озарбайжон Республикаларининг “Дўстлик” орденилари билан мукофотланган (2012, 2022 йиллар). Ўзбек тилида “Кўхна куй”, “Яхши ният”, “Умид чироғи”, озарбойжон тили-да “Ушоқлигим қолган ерда” шеърий тўпламлари чоп этилган.

ЎЗБЕКИСТОНИМ

Менинг тақдирим ҳам, бахтим ҳам ўзинг,
Муҳташам, шоҳона тахтим ҳам ўзинг,
Ишқим, садоқатим, аҳдим ҳам ўзинг,
Сен менинг шарафим, шуҳратим, шоним,
Меҳрибон, бағрикенг Ўзбекистоним.

Жаннат мисолидир обод элларинг,
Ойдиндир, нурлидир босган йўлларинг.

Зафар муждалидир ойинг, йилларинг,
Сен менинг шарафим, шуҳратим, шоним,
Меҳрибон, бағрикенг Ўзбекистоним.

Озодсан, эркинсан Ҳумо қушидек,
Сенинг ишқинг билан қўзғолган юрак.
Насибанг бўлғуси буюк келажак,
Сен менинг шарафим, шуҳратим, шоним,
Меҳрибон, бағрикенг Ўзбекистоним.

Бугун кўнгилларда баҳордир, ёздир,
Мустақил диёрда ҳар гўша создир.
Мен сени қанчалар куйласам оздир,
Сен менинг шарафим, шуҳратим, шоним,
Меҳрибон, бағрикенг Ўзбекистоним.

ОНАМ, АЛЛА АЙТ

Онам, алла айт, дардли юрагим
Жуда соғингандир аллаларингни.
Алла ўлчовига тўғрилаб олгум,
Умр тарозисин паллаларини.

Онам, алла айт, сеҳрли бир руҳ,
Ҳиссимни, туйғумни жиловлаб олсин.
Алла тўлқинлари кўзларимдаги
Ҳайратнинг ўзини ҳайратга солсин.

Алла соғинчидан қутқар қалбимни,
Онам, алла айт, айт баралла,
Бир кун сен бу уйга келин келганда
Бошланган ёр-ёрнинг давоми – алла.

Оппоқ сутинг каби алланг ҳам ширин,
 Мазаси ҳалиям томоғимдадир.
 Аллани тугатгач, ўпардинг мени,
 У ўпич излари ёноғимдадир.

Онам, алла айт, аллангга боғлиқ,
 Кўнглимнинг энг тоза, пок туйғулари.
 Онам, алла айт, жим бўлиб жаҳон,
 Бироз эркалансин гўдак сингари.

Яна у аллангни эшитмакчиман,
 Барча дардларимга аллангдир илож.
 Ҳаёт ташвишидан ҳориб, чарчаган,
 Дунёнинг ўзи ҳам аллага муҳтож.

МЕН КИММАН

Мен кимман? –
 Гуноҳкор, оддий бир инсон.
 Ҳаёт дарёсида замон тўлқини
 У ёқдан бу ёққа ташлаган сомон.
 Мен кимман? –
 Кечага бугуннинг жавоби.
 Менда жам бўлгандир башар ўғлининг
 Барча гуноҳлари, барча савоби.
 Яхши ҳам ўзимман, ёмон ҳам ўзим,
 Бироз муҳаббатман, бироз нафратман.
 Қилич кесмагани кесади сўзим,
 Бироз тўй, байрамман, бироз даҳшатман.
 Ёнсам ҳайрон бўлар ўтимга Қуёш,
 Қўзғалсам, вулконлар ҳасад қилади.
 Дарё деганлари – кўзимдаги ёш,
 Шодлансам, оқшомлар саҳар бўлади.

Дилимга жо бўлган дунёки бордир, -
Синов майдонидир туйғуларимга.
Қанча кенг бўлмасин ер юзи тордир,
Менинг ўт қанотли орзуларимга.
Мен кимман? –
Пойдевор, эртанги кунга,
Биринчи босқичи абадиятнинг.
Ҳали очилмаган сирлар жумбоғи,
Оддий заррачаси улкан қудратнинг.

ЯРИМ ТУНДА КЕЛГАН МЕҲМОН

Эшигингни тақиллатган ким экан,
Ярим тунда,
Билмайсанми, эй юрак?
Бирон руҳ эмасмикан?
Маза қилиб ухламайдими
Осмон бешигида.
Ўзи унга не керак,
Нима йўқотган экан
Шоир юрагининг эшигида?
Нега шунча безовта,
Кундуз келса бўлмасмиди?
Қани, очавер,
Кўрайлик ким экан, на дер.
– Ия! Ия!
Хуш келибсан,
Ҳали ёзилмаган шеър!

БУЮКЛИК

Чўққилардан кузатганмисан,
Бирон марта тунги осмонни?

Юлдузларнинг катталигидан,
Қўрқиб, титроқ тутганми жонни?

Даҳшатдан ҳам даҳшатлироқдир,
Ой нурида қоя сояси.
Девдек бўлиб кўринар кўзга,
Қуриган бир чўпнинг пояси.

Дарага бир тош учиб тушса,
Осмон ерга тушгандай бўлар.
Қулоғингга ҳар хил сеҳрли
Овоз келар, ҳайқириқ тўлар.

Юрак гуё чиқар жойидан,
Тўниб қолар томирдаги қон.
Табиатнинг қилиқларидан
Инсонлигин унутар инсон.

Буюкликка дуч қелган чоғи,
Нима учун қўрқармиз ҳар дам?
Буюк қилиб яратилганки,
Ер юзига авлоди — Одам!

ЗАМОНДОШИМГА

Улкан ўзгаришлар давридир давр,
Ҳар кун бир янгилик олиб келмоқда.
Олис манзиллар ҳам нурафшон бўлур,
Бахт қуши юзимга боқиб кулмоқда.

Сен, эй замондошим, бахтли экансан,
Бугун бу дунёда яшаганинг-чун.

Нафақат шоҳидсан зафарларга сен,
Зафарга эришган ўзингсан ҳар кун.

Истиқлол куёши ёритган йўлда
Сенинг ўз қадаминг, ўз изларинг бор.
Бу улкан саодат, чексиз қувончдир,
Қалбингга ҳамроҳдир мангу бир баҳор.

Қояларни ёриб йўл очиб берган,
Янги уйлар қурган обод ва шинам.
Дарёлар устидан кўприклар солган
Ўғлонлар ҳеч қачон бўлмайдилар кам.

Буюк келажакка буюк қадамлар
Ташлабон, юрибсан бу ҳур Ватанда.
Яратмоқ ишқида уради юрак,
Ҳар тоши тилла, зар ва дур Ватанда.

Омадлар ёр бўлсин бу йўлда сенга,
Ватаннинг байроғин баландроқ кўтар.
Ўзбекнинг кимлиги тарихан маълум,
Буни билиб олсин, яна ҳам башар.

Гулларга буркаб ол бу кенг чўлларни,
Ярат бу ерларда жаннатнинг боғин.
Кўзингга суртавер тўтиё каби,
Ватаннинг муқаддас тош-у тупроғин.

Сен, эй замондошим, бахтли экансан,
Бугун бу дунёда яшаганинг-чун.
Нафақат шоҳидсан зафарларга сен,
Зафарга эришган ўзингсан ҳар кун.

МУНАВВАР ПАРДАЕВ



Сирдарё туманида туғилган (1951 йил 13 январь). Ёзувчи, шоир, таржимон. Сирдарё давлат педагогика олийгоҳи (ҳозирги ГулДУ)ни ва Тошкент олий сиёсатшунослик мактабини тугатган.

“Янги ҳаёт”, “Сирдарё ҳақиқати”, “Ўзбекистон овози” газеталарида ишлаган.

Уруш мавзуидаги “Оловли осмон”, “Самандар қалбли қаҳрамон” қиссалари, “Ҳаловат манзили” романи, “Қадр ва қадрият”, “Нурли манзиллар” публицистик тўпламлари ва “Тоза баҳор” шеърлар тўплами муаллифи.

ДЕҲҚОН ҚҮЛЛАРИ

*Отам Мулло Мукаррам
Пардабой ўғли хотирасига*

Нақадар ноёбдир, нақадар танти,
Деҳқоннинг қўллари, шу азиз қўллар!
Уларнинг тафтидан зироат унди,
Келинчак мисоли безанди чўллар...

Иш дея воз кечиб ҳаловатидан,
Тўй-у томошасин кечга сурганди,
Тонг ҳали уйғонмай уфқ ётоғидан,
У ғўза бошида посбон турганди.

Эслайман, даланинг чанг, тупроқ йўлин,
Тонггача жуяклар сувга тўлганин.
Шу йили режага озроқ етмайин,
Отамга буюк бир армон бўлганин.

Ҳолбуки, режа бу амалдор учун
Еган қозонига бир қопқоқ эди.
Кимдир кетмониини чопар уззукун,
Кимдир амалидан кайфи чоғ эди.

Буни англардию отам барибир,
Лафз дерди, режани қарз деб биларди.
Давлатнинг бу қарзин сўзсиз узмоқни
Ўзига бамисли фарз деб биларди.

Отагинам, фозил, намозхон отам
Бир умр елкадан кетмон қўймаган.
Тонгдан шомга қадар далада бўлиб,
Ҳатто фарзандига боқиб тўймаган.

...Умрининг энг сўнгги кунлари эди,
Қўлларимни қисиб, гуноҳкор мисол:
– Болам, – деди, – яхши қарай олмадим.
Узримни қабул эт, рози бўлиб қол.

Нимадир тикилди томоққа шу пайт,
Ҳатто тупугимни зўрға ютардим.



Тўқсон икки яшар отам шу топда
Илтижоли боқиб, жавоб кутарди.

Шунда бир ботиний куч уйғондию,
Вулқондай юзага чопди дил сўзи:
– Тушунмадим, ота, узр нимаси,
Нимадан хижолат чекасиз ўзи?

Кимнидир қақшатиб, пулини олиб,
Маишатда даврон сурдингизми ё?
Таъма, ҳаром билан бойлик орттириб,
Данғиллама уйлар қурдингизми ё?

Шукур, кам бўлмади ризқу рўзимиз,
Оллоҳдан астойдил тилаган боис.
Безавол улғайди ўғил-қизимиз,
Пок қўллар бошимиз силаган боис.

Узр сўрашингиз ножоиз, ота,
Ким киму мен сизни яхши биламан.
Ҳалол нон еб катта бўлганим учун,
Олтин қўлларингиз тавоф қиламан!

1999.

МУСАЛСАЛ

Ул гўзал юзга ярашмиш бир гўзал гулнори бор,
Бир гўзал гулнорга интиқ мингта куйган зори бор.

Мингта куйган зор ичинда тентирарман ломакон,
Қўрқамен ҳатто қарашга – киприги хунхори бор.

Киприги хунхорининг-да захмидан қолсам омон,
Дилни “жиз-жиз” куйдирувчи чашми оташбори бор.

Чашми оташборининг минг бир азоби етмаса,
Жисми урёним тилувчи чархи кажрафтори бор.

Чархи кажрафторга “дод!” деб чин юракдан йиғласам,
Оху нолам англагувчи “Ишқ” аталмиш дори бор.

Дори излаб дардима борсам санамнинг қошиға,
“Бер Мунавварға даво” — деб, берса, бергич бори бор.

ТАРЖИМАЛАР

*Мирзо Турсунзода,
Тоҷикистон халқ шоири*

ТО ТИРИКСАН

То тириксан, дӯст, сондин ажрама,
Дӯсти содиқ, меҳрибондин ажрама.

Бу жаҳонда дӯсти йўқнинг қадри йўқ,
Дӯст деган пайванди жондин ажрама.

Дӯст ила чин дӯст фарқин англагин,
Дӯстни ажратгин ёмондин, ажрама.

Халқ эрур илҳомимизнинг чашмаси,
Сен бу машҳури жаҳондин ажрама.

Гул агар кулса, бу — боғнинг зийнати,
Гул каби хандон даҳондин ажрама.

Дўст келар бўлса, қучоғинг катта оч,
Бу русум тожикка қондин — ажрама!

Аҳли олам дўст бўлсин бирлашиб,
Дўстни бил, аҳли жаҳондин ажрама.

Дўсти содиқ, меҳрибондин ажрама!

Лойиқ ШЕРАЛИ
(Тоҷикистон)

* * *

Майда, ирkit дилчалардан малҳами дил чиқмаган,
Кибр элин ҳар не фузун кўрсанг-да фозил чиқмаган.
Эй ҳаёт!

Гар бўлсанг устоз, сўйла бизга рўйи-рост:
Не учун мактаб биру лек бори оқил чиқмаган?

Муддао бошида ошиқ телба дунёдан кечар.
Қалби бедор шоир эрса жони шайдодан кечар.
Эй ҳаёт!

Гар йўлчи бўлсанг, айт, нечун иштони ҳўл
Нам текизмай пойига тезкор дарёдан кечар?

Ғалча, номарду қасамхўр поклик даъво қилгуси.
Минг юракка ниш уриб, шон-шухрат отин мингуси.
Эй ҳаёт!

Гар қози бўлсанг, айт-чи, бир аблаҳ агар
Тушса томдан, не учун бизнинг буйинлар сингуси?!

* * *

Сени қайта йўқламадим, хато менинг хатом эрур,
Дунёдаги бор маломат, сазо менинг сазом эрур.

Бахтим ёлғиз ўзинг эдинг, қўлдан чиқардим ногаҳон,
Бахтипта-да зомин бўлдим, жафо менинг жафом эрур.

Қўтаролмай оғир юкин дилга кўмдим муҳаббатинг,
Бир умр дил қонин ичмоқ – жазо, менинг жазом эрур!

Сендан жудо бўлган куйи муродимга етолмасман,
Ўзимга ҳам етолмасман, бало менинг балом эрур.

Ақлу юрак ва кўз учов келишмаса не тонг энди,
Бир-бирини қилса адо, адо менинг адом эрур.

Ишқ ўлими узра бутун тутиб мотам йиғлармен,
Қазо менинг қазом эрур, азо менинг азом эрур.

Расул ҒАМЗАТОВ
(Догистон)

НАБИРАМГА

– Ота-онанг вақтинг бўлсин дея чоқ
Бошингда парвона турса ҳам доим,
Чор атрофни қилиб қиёмат-қойим,
Сен нега йиғлайсан, мурғак чақалоқ?

Мана, мен аслида йиғлашим керак,
Мана, мен ҳар қанча дод солсам арзир.
Уларни тупроққа қўйдим бирма-бир,
Кошки насиб этса яна бир кўрмак.

Тегрангдаги ҳамма дўстларингку, боқ.
Билмайсан дўст юкин, хиёнат доғин.
Шундай бўлгач, нега ёшли қароғинг?
Сен нега йиғлайсан, мурғак чақалоқ?



Мана, мен йиғлашим керақдир фақат,
Ногоҳ портлагудек қалбим фиғони.
Кундан-кун ортадир душманим сони,
Дўстлар бўлса нуқул қилар хиёнат.

Сенга тамом ётдир уруш ва фироқ
Ўт недир, қирғин не — билмайсан ҳали.
Бирон асосинг йўқ кўз ёш тўккали,
Сен нега йиғлайсан, мурғак чақалоқ?

Мана, мен тўкмоғим керак ёшимни.
Мана, мен арзийди тутсам азамни,
Уруш гирдобига ютди акамни
Ва миллион-миллион ватандошимни.

– Ҳожат борми, бобо, сенинг ёшингга?
Ўз ишинг, шоирлик завқинг бўлса бор.
Сен тилга олганинг бари кирдикор
Ҳали тушмоғи бор менинг бошимга.

Шунинг-чун йиғлашдан тўхтамаганим!
Шунинг-чун куну тун ухламаганим!

МАЖЛИСЛАР

Мажлислар! Дабдаба-асъаса!
Сўзлар, сўзлар – ғажилган, юпун.
Гўё бутун юртни босиб васваса,
Турли мажлисларга шошилар бугун.
Самолёт кўк ёрар, поездлар учар,
Хизмат одамлари мажлисга шошар.
Сўз билан битади не-не юмушлар-
Хашаклар ўрилар, уйлар қурилар.

Бир ҳафтаки, қурда ўтирар жарроҳ,
Ишда уни оғир бемор кутар зор.
Уста ҳам шу ерда мўлтирар гумроҳ,
Ёмғирда қолган ғишт унга интизор.
Бир ҳафта чўпонлар мажлис қуради.
Подани бўрига айлаб мукофот.
Газеталар шеърни нари суради,
Фақат мажлислардан босиб ҳисобот.
Оҳ, фалокат босди – қишлоқда ёнғин!
Аччиқ тутун осмон-фалакка ўрлар.
Брандмайор бўлса, мажлисда тутқун
Кўкрагига муштлаб, гапдан сув қуяр.
Муҳим идорада каллаи саҳар,
Мижозлар тизилиб, қабул кутади.
Бироқ директори кетгандир шаҳар,
Ўринбосар бўлса, доклад битади.
Эҳ, ҳамюрт деҳқоним, кутмоғинг бекор,
Ўйингга қайт, сени экинзор чорлар.
Бунда сен эътибор кутган амалдор
Эътибор ҳақида мажлис тайёрлар.
Мажлислар! О, оғиз йиртган ҳисобдон,
Қанчалар қўлингни қилмагин бигиз,
Мингта мажлисингдан бир бободехқон
Кафтидаги қадоқ мен учун азиз.
Мени жангга йўланг, бошимни тикай,
Дарахт кесай, кезай далада, тоғда.
Куйла денг, шундайин бир алёр айтай,
Юксак минбарларни қолдирсин доғда.
Кошки, ишлаб, яшаб, зўр шеърлар ёзсам,
Элга хизмат қилсам югуриб-елиб.
Бироқ чала қолди шу бир шеърим ҳам,
Ҳозир бир мажлисга айтишди келиб!

Сергей ЕСЕНИН
(Россия)

* * *

Таниш эрур менга бу кўча,
Танишдир бу пастқамгина уй.
Деразадан боқаман ўйчан:
Ўт ғарами кўкка чўзмиш бўй.

Болалигим ёдга тушади,
Ёдга тушар зангор фаслар.
Оғир офат йиллари эди,
Бўронли ва телбавор йиллар...

Қидирмадим шуҳрат, тинч нафас,
Шуҳрат кибри таниш ва ўзга.
Ҳозир бўлса, кўз юмдимми, бас,
Ота макон кўринар кўзга.

Кўм-кўк боғда бошлайди бу он
Август ойи сокин нафасин.
Шаддод қушлар айлайди макон
Липаларнинг яшил панжасин.

Мен севардим шу ёғоч уйни-
Харилари ажин қатламли.
Печ чаларди ажиб бир куйни,
Тунги ёмғир ўйнарди ғамли.

Гўё марҳум тирикни суяб,
Ўкирарди печ тун қўйнида.
Не кўрдийкин бу ғиштин туя,
Не фоже бор ёмғир ўйнида?

Бошқа тушнинг суст босиб саъми
Қайга элтди уни шу онда?
Афғоннинг зар қумларигами?
Ё Бухоро номли чаманга?

Эҳ, биламан мен бу юртларни,
Пой-пиёда кезганман якка.
Фақат энди унутиб барин,
Қайтсам девдим ўлан тўшакка.

Аммо ўчмиш шиддатлар шами,
Кўк тутундай кўкка учмиш куй...
Тинч қол энди пичан ғарами,
Тинчлик сенга, мўъжаз томли уй!

1923.

БАҲОР ХОЛБЕКОВА



Мирзаобод туманида туғилган (1954 йил 21 октябрь). Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини битирган. “Гулистон”, “Сирдарё ҳақиқати”, “Жиззах ҳақиқати” газеталарида, Сирдарё вилояти телерадиокомпаниясида турли вазифаларда фаолият

юритган. Қатор йиллар мобайнида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимини бошқарган.

Баҳор Холбекованинг турли йилларда “Сирли оҳанглар” (1982), “Ғанимат дунё” (2002), “Ўзинг ўзимга керак” (2014) шеърий тўпламлари, “Чаман ичра бир гул” (1996), “Сирдарёнинг аёли” (2011), “Бир даста гул” (ҳаммуалифликда) (2014), “Пири комил кексалар” (2015) очерклар тўпламлари чоп этилган.

ИСМИНИ ЁЗ

Бордир танҳо бир моҳирўй,
Ишқида куй, жонингни ёқ.
Шу гўзал бошига тож қўй,
Шу дилбар кўксига гул тақ.

Елкангни тут, кўкка кўтар,
Уни кўриб ой ўртансин.
Ишқда ким кўксига урар,
Севгини сендан ўргансин.

Содик тур, ҳамиша тик тур,
Шаъни учун, ори учун.
У ҳам мангу этсин ғурур,
Сендай ошиқ бори учун.

Шай тургин хизматларига,
Чирой очсин, этсин ноз-ноз.
Сен эса ишқ дафтарига
“Ватан” дея исмини ёз.

СИРДАРЁ

Сирдарё деган жойда кўнглим дарёдай жўшар,
Шу биргина сўз ўзи ғурурга ғурур қўшар.
Қадим Мирзачўлдир бу — бепоёндир даласи,
Мен шу дарё мавжиман, мен шу дала боласи.
Сирдарё ўтдай юртдир, жонни куйдир, тоблайди,
Мартабанг бўлар улуғ, йўлларинг гул қоплайди.
Кўксинг узра юрт учун зарра ишқинг бўлса гар,
Элингга елка тутгин, унинг юкини кўтар.
Эл улуснинг дардини токи дардим демассан,
Сирдарёлик эмассан сен, сирдарёлик эмассан!
Сирдарё ерларининг бағри неъматга тўлиқ,
Қаҳрамон бўлди кўплар, нечалар бўлди улуғ.
Неча миллат бир бўлиб, яқдил бўлиб, ҳур бўлиб,
Чўлда бўстон яратди эл аро машҳур бўлиб.
Бу чаман юз очгунча оромидан тонганлар,
Қишида қорлар кечиб, ёзларида ёнганлар.



Сирдарё қадим эди, янгиланди яшнади,
Янги ҳаёт йўлига дадил қадам ташлади.
Сирдарёлик барчаси битта тирноқ, битта эт,
Энди сен эй навқирон, буларнинг қадрига ет.
Оққан дарё ҳамиша оқаверади тўлиб,
Бу дарёга қўшилгин тиниқ бир жилға бўлиб.
Ўзбекистон бағрида бахтнинг мангу ёри бўл,
Сирдарё гулдай юртдир, сен унинг Баҳори бўл.

Сирдарё деган жойда кўнглим дарёдай жўшар...

УЧРАШАМИЗ

Поклик, айро тушмасмиз ҳеч ҳам,
Кел, тонг чоғида учрашамиз.
Қуёш бўлгин, мен эса шабнам,
Гулнинг бутоғида учрашамиз.

Сен ой бўлгин, мен эса юлдуз,
Кўкнинг тоқида учрашамиз.
Самарқанду Бухоро, Термиз,
Шош тупроғида учрашамиз.

Бобо, момоларнинг дуоси,
Қўл титроғида учрашамиз.
Маъсума қизларнинг ҳаёси,
Ол яноғида учрашамиз.

Дехқоннинг пешона терида,
Қўл қадоғида учрашамиз.
Дийдорлашиб шоир шеърида,
Ишқнинг доғида учрашамиз.
Болаликка бир назар ташлаб,

Унинг боғида учрашамиз.
Кўнгилларда мангуга яшаб,
Оқ, оппоғида учрашамиз.

Ҳаёт мағзи асли сен экан,
Турдай тоғида учрашамиз.
Баҳорнинг Ўзбекистон деган
Саждагоҳида учрашамиз.

Поклик, айро тушмасмиз ҳеч ҳам...

БАҲОР

Сенсиз ҳаёт не демак,
Кўнгиллар ҳувиллайди.
Келсанг кулар бойчечак,
Келсанг бодом гуллайди.

Болалар осмонларга,
Қўяр варрак-қушларин.
Келсанг ҳамма дарахтлар
Айтиб берар тушларин.

Осмон ҳам камалақдан
Пешонабоғ танғийди.
Тандирларнинг оғзидан
Ялпиз ҳиди анқийди.

Мажнунтолнинг кокили,
Сувга қараб соллонар.
Чиқар жиғалар тили,
Бутун борлиқ жонланар.

Алдайди офтоб кулиб,
 Шошилмасдан йўлга туш.
 Келсанг иззатин билиб
 Этагини йиғар қиш.

Сенсиз ҳаёт не демак,
 Кўнгиллар ҳувиллайди.
 Борлиқ уйғонар бешак,
 Келсанг олам гуллайди.

МАЖНУНТОЛ

Яна сенга ичикдим, яна келдим қирғоққа,
 Бунчалар яқин олдим, кимимсан, эй мажнунтол.
 Индама, ўзим айтай, мен билан кўришмоққа,
 Эгилиб елка тутган инимсан, эй мажнунтол.

Бош эгганинг эҳтимол чинорларга ёқмаган,
 Шу боис кимлар учун жунунсан, эй мажнунтол.
 Улуғларин юзига ҳеч қачон тик боқмаган,
 Одобу сукут қилган жимимсан, эй мажнунтол.

Сенда сир бор муқаррар, сенда ҳикмат мужассам,
 Сув, гилга таъзим қилган ҳилмсан, эй мажнунтол.
 Камтаринлик, хуш хулқу, ҳаёю, фазлу карам,
 Баридан сабоқ берган илмсан, эй мажнунтол.

ЮРТИМГА БОҚ

Кел эй сайёҳ, юртимга боқ,
 Ажаб ҳайратларга чулған.
 Кўз билан кўргин, бўл гувоҳ
 Ки, бир юртдир бахти кулған.

Қаддини адл тиклаган,
Кўкси тоғ шону шарафдан.
Баракаларни юклаган,
Карвон келар тўрт тарафдан.

Кўркига бўлиб ҳангу манг,
Этарсан ишқнинг даъвосин.
Юзингга кирсин қизил ранг,
Симир ҳуррият ҳавосин.

Боқ, элим бир жону бир тан,
Суратга ол кўрганларинг.
Гулга буркашларинг ўрган
Маҳаллаю, қўрғонларин.

Покиза бир диёрни кез,
Дилинг лйрат, кўзинг қувнат.
Ўзни қушдайин енгил сез,
Олгин мадад, олгин қувват.

Кел эй сайёҳ, айлагил шаҳд,
Кел эй азиз, кел эй меҳмон.
Бу юртни кўрганинг бир бахт,
Бу юртни кўрмасанг армон
Кел эй сайёҳ..!

ЁНИНГДАГИЛАР

Эй азиз, ким эрур ёнингдагилар,
Гўё тилсим эрур ёнингдагилар.
Неки топсанг энди улардан топгунг
Дўсту ғаним эрур ёнингдагилар.

Нозик жойинг қайси, жон жойинг қаёқ,
 Ҳаммасини билар ёнингдагилар.
 Узоқдаги сенинг ҳолингдан узоқ,
 Нима қилса қилар ёнингдагилар.

Юрак тўлиб кетса оғриқ, озорга,
 Писиб ўқ отганлар ёнингдагилар.
 Сирларинг сирғалиб чиқса бозорга,
 Билгинки, сотганлар ёнингдагилар.

Йиғласанг юпанчинг, дардкашинг бўлиб,
 Кулганинга кулган, ёнингдагилар.
 Эй Баҳор, бир ўзинг гуллармидинг, йўқ,
 Сени Баҳор қилган ёнингдагилар.

Эй азиз, ким эрур ёнингдагилар,
 Сирли “сим-сим” эрур ёнингдагилар.

ҚАЙТАР ДУНЁ

Танам бошқа бўлдим ҳис этмабман дардини,
 Кўзларимга сурмадим оёқ пойин гардини,
 Онам арзанда этди менингдек номардини,
 Кўҳна дунё энг қадим қўшиғин айтаётир,
 Мен онамга не қилсам боламдан қайтаётир.

Роббимга ёлвораман меҳр сол, деб кўнглига,
 Туну кундуз қарарман интиқ бўлиб йўлига,
 Тотли нимаики бор илинар қиз, ўғлига,
 Кўҳна дунё энг қадим қўшиғин айтаётир,
 Мен онамга не қилсам боламдан қайтаётир.

Ҳар сафар дейди кулиб, умрингиз боқий онам,
Ғанимат эканимга парво қилмас, чекмас ғам,
Кўзларининг ўнгида эрияпман мисли шам,
Кўҳна дунё энг қадим қўшиғин айтаётир,
Мен онамга не қилсам боламдан қайтаётир.

Ботар сўзлар айтсалар ўзда топурман тоқат,
Оғрима, дейман дилга, оғримагин сен фақат,
Сен оғрисанг боламга етмасин бирор заҳмат,
Кўҳна дунё энг қадим қўшиғин айтаётир,
Мен онамга не қилсам боламдан қайтаётир.

Жонидан жон узмоққа ўзга ҳеч ким қодирмас,
Меҳр жавобини Ҳақ қиёматга қолдирмас,
Оналарнинг дуоси ўтга, сувга ботирмас,
Кўҳна дунё энг қадим қўшиғин айтаётир,
Мен онамга не қилсам боламдан қайтаётир.

Эй фарзанди аржуманд, ҳамиша бўлгил огоҳ,
Она ризолигин ол, дилин оғритма ногоҳ,
Нега, дея сўрама, Баҳорга бир сол нигоҳ,
Кўҳна дунё энг қадим қўшиғин айтаётир,
Мен онамга не қилсам боламдан қайтаётир.

ҲАСАН АБДУВОҲИДОВ

Боёвут туманида туғилган (1956 йил 20 сентябрь). 1979 йилда Сирдарё давлат педагогика институти (ҳозирги Гулистон давлат университети) рус тили ва адабиёти факультетини тугатган.



Ижодкорнинг “Суюкли замин”, “Эзгулик бекати”, “Ушалган орзу”, “Далаларга ошифта кўнгил”, “Қиблагоҳим” деб аталган шеърӣй ва насрий асарлардан иборат тўпламлари нашр этилган. 2020 йилда “Тақдир синовӣ” номли сайланмаси дунё юзини кўрган.

“Янги Сирдарё” газетаси таҳририятида масъул котиб вазифасида ишлайди.

ҲАЁТ ЙЎЛИМДА

Ижод қилмоқ қисматда борим экан, минг шукур,
Ўзмоқлик энг севимли корим экан, минг шукур.
Юрармидим безовта дилда мақсад бўлмаса,
Имкон излаб, толмасман ёзгач, кўнгил тўлмаса.

Ҳаловатни излайди тунда инсон аслида,
Менга устунмас ҳузур бедорликнинг васлидан.

Баъзилардек шоҳона яшолмадим, нолимам,
Қўлимдаги қаламим ташлолмадим, нолимам.

Ижодга чин ҳавасим ҳеч тузалмас дард экан,
Ички туғён ундаса, ёзмоқлигим шарт экан.

Ёлғиз қолган дамларим ширин азоб дармондир,
Ҳисларим оқ қоғозга тушмагани армондир.

Вафодорим – қаламим, чин дилдан қуллуқ сенга,
Илҳом келган пайтларда мададкор бўлдинг менга.

Қаламдек садоқатли мухлисларим, бор бўлинг,
Тилагим шу: бир умр қувонч, бахтга ёр бўлинг.

ШОИРЛИК

Шоир яшаш тарзин танламас асло
Ҳаловат бағридан бахт излаганлар.
Шеър дардин ҳис қила олармикан ё
Қоғозга бир назмий сўз тизмаганлар.

Ҳазрати Навоий кезган бўстонда
Кезмоқлик ўзи-ку қанчалар шараф.
Бобуршоҳ ғазали янграган онда
Мисралар лашкари келади саф-саф.

Ажралмай Машрабнинг байти наводан,
Оҳангга йўғрилиб, қўзғар эҳтирос.
Нодира, Увайсий, Зебуннисодан
Энг гузал битиклар бизларга мерос.

Бу йўлда ўлмоқ бор, лекин қайтиш йўқ
 Териси шилинган Насимий каби.
 Дилўртар озорлар, иғволар ва дўқ
 Бузса-да бир умр шоир асабин.

Шоирлик – бу қисмат, чидаган чидар
 Ноҳақдан ёғилган таъна тошига.
 Адоват “сийлови” удум эскидан,
 Харсанглар отилган Ҳамза бошига.

Битта шеър оламнинг юзин кўргунча
 Ором ҳам бегона ижод аҳлига.
 Илҳомнинг тулпори қайтиб қўнгунча
 Ҳузурбахш дамларнинг кечар баҳридан.

Шоир ўз юртида топажак қадр,
 Эл ичра эҳтиром – эришган тахти.
 Заҳматлар туфайли унга тухфадир
 Дунёдан ўтгач ҳам яшамоқ бахти.

СОҒИНЧЛАРИМ АРМУҒОН СЕНГА

Шукр қилай қисмат, толега,
 Юрагимга сигмас ифтихор.
 Қучоғингда яйрадим, Ватан,
 Дийдорингга этмагайсан зор.

Ватан, сен деб бепоён чўлда
 Тентиратган душманни Широқ.
 Рақиб Доро лашкарин бошлаб,
 Одимлаган интилиб йироқ.

Хокинг кўзга сурган Темурни
Қўллаганда меҳринг ҳар сафар.
Қўрқув билмас қўшинин тортиб,
Ёвни енгиб, бўлган музаффар.

Жанггоҳ сари қадам қўйганда
Шонли эди Кубронинг йўли.
Не қисматки, шаҳид кетса ҳам
Нурли бўлди унинг ўнг-сўли.

Хориждаги гўзал мамлакат
Фуқароси бўлган юртдошим.
Қартайганда надомат чекар,
Унсиз бўзлаб, селдир кўз ёши...

Ўзга юртда қаср қурган зот,
Тушларида тупроғинг кўрар.
Бир бор сенга сажда қилмоқни
Минг ёлвориб, худодан сўрар.

Узоқ кетиб, бағрингга қайтсам,
Соғинчларим армуғон сенга.
Ватан, сендан кечмоқдан кўра
Жондан кечмоқ осондир менга.

НАВОИЙНИ БИЛМАГАН БИЗЛАРДАН ЭМАС АСЛО

Тилимизни эъзозлаб, жозиба бахш этолган,
Ўлмас ашъорлар битиб, жаҳонга довруғ солган,
Нафосатли назмга бир умр содиқ қолган —
Навоийни билмаган бизлардан эмас асло.

Аслиятдан ўқимоқ бахтига-ку бизлар ёр,
Ўқинг, буюк “Хамса”си хўп сермаъни, мафтункор,
“Шоир миллатдошим” деб дилимизда ифтихор,
Навоийни билмаган бизлардан эмас асло.

Кўп асрки, кўнгиллар мисраларга асирдир,
Сўзлар билан занжирбанд этган шеърий қасрдир,
Бебаҳо дурдонага боқмаган кўз басирдир,
Навоийни билмаган бизлардан эмас асло.

Фоний бўлиб, форсийни гуллатган ҳам Алишер,
Гўзал Ҳирот бағрида гўё ҳамон ўқир шеър,
“Авлодларни қўллаб мен, руҳан мадад бергум дер,
Навоийни билмаган бизлардан эмас асло.

Даҳодан қолган мерос мисли чексиз уммондир,
Томчиси вужудимиз учун энг зарур қондир,
Буни идрок этмаган қалби ожиз инсондир,
Навоийни билмаган бизлардан эмас асло.

ЖАННАТ ИСИ УФУРГАН ЮРТДА

Уйғотарлар ҳар тонг қуёшни,
Эритарлар меҳр-ла тошни,
Тобе бўлиб эгмаслар бошни,
Жаннат иси уфурган юртда.

Мустақиллик одимлар шаҳдам,
Билмаслар ҳеч не эканин ғам,
Боболару момолар бардам,
Жаннат иси уфурган юртда.

Ўғил-кизнинг юраги ўтли,
Эъзоз топмиш ҳар ёши улуг,
Қадриятни асрамоқ қутлуг,
Жаннат иси уфурган юртда.

Ҳалол меҳнат шараф мезони,
Роҳатдадир одамзот жони,
Юрагида йўқдир армони,
Жаннат иси уфурган юртда.

Яхшиларга қиларлар ҳавас,
Жон риштаси жонларга пайваст,
Ҳар ким бахтдан энтикар сармаст,
Жаннат иси уфурган юртда.

Тинчлик ҳукм суради мудом,
Уруш асло бермайди нидо,
Юраклардан таралар наво,
Жаннат иси уфурган юртда.

Алпомишлар иши мардона,
Барчинларни қўллар замона,
Ҳар бир инсон айтар шукрона,
Жаннат иси уфурган юртда.

Қадр, эркин берди истиқлол,
Қучоқ очиб турар истиқбол,
Инсон умри топмайди завол,
Жаннат иси уфурган юртда.

УЗОҚДАГИ ЯҚИНЛАРИМ

Оқибатга қилгум ҳавас,
Жонингизга жоним пайваст,
Дийдор бизни этсин сармаст,
Узоқдаги яқинларим.

Шукур, сиз бор, кўнглим тўқдир,
Нолимасман, нолиш йўқдир,
Соғинчларим дилда чўғдир,
Узоқдаги яқинларим.

Йўқлайсизлар, минг бор қуллуқ,
Қадр топган инсон улуғ,
Юрагимда қувонч тўлиқ,
Узоқдаги яқинларим.

Сизлар менинг меҳрибоним,
Борсам, завқли ўтар оним,
Қуршагайсиз атроф-ёним,
Узоқдаги яқинларим.

Умр гўё ёниқ бир шам,
Ғаниматмиз ҳаммамиз ҳам,
Мен қувонгум учрашган дам,
Узоқдаги яқинларим.

Ёдга тушар гурунг, суҳбат,
Ҳар ширин сўз берган қувват,
Бардавомлик – эзгу ният,
Узоқдаги яқинларим.

Бизлар қавм-у қариндошмиз,
Эт-у тирноқ, кўз-у қошмиз,
Пайти келса, давradoшмиз,
Узоқдаги яқинларим.

Ўткинчидир ушбу дунё,
Қуришмоқни энг аввало,
Худо ўзи кўрсин раво,
Узоқдаги яқинларим.

ИСТАК

Кечир, китобжоним, мени кечиргил,
Бугун ололмадим сени қўлимга.
Мен учун ардоқли, табаррук ўзинг,
Сўнмас маёқдирсан ҳаёт йўлимга.

Ўқишдан тўхтадим беморлигимда,
Қабул эт узримни, шу - каму кўстим.
Ёритдинг тафаккур, онгим, шуури,
Минг бора ташаккур, эй, содиқ дўстим.

Қадринг юксаларми навқирон авлод
Агар бўшамаса айфонларидан?..
Наҳотки имконлар очганда бағрин
Кўз юмиб, воз кечар нақд онларидан?

Тилагим, сезилсин ҳар кун эҳтиёж,
Ҳамма қўлга олсин яхши китобни.
Инсонлар, интилсин тез зиё томон,
Наҳотки тинглашмас янгроқ хитобни?!..

Китобдор савдода шошиблар қолсин,
Ногоҳ ҳайрон бўлсин гавжумлик дамга.
Дуконга харидор сигмасин, майли,
Китоб талош бўлсин ҳар бир одамга.

Китобим, илм деган қудрат олдида
Кучин ожиз сездим билаги зўрнинг.
Ҳар битта саҳифанг нурлар таратсин,
Ўзинг кўзин очгин маънавий кўрнинг!

ҚАДРНИНГ ҚИЙМАТИ

Дўстим дўстлашибди рақибим билан...
Эвоҳ, бу кўргулик зарбли хиёнат.
Наҳот садоқатнинг ўрнида макр,
Наҳот манфаатга қурбон диёнат?!..

Дўстингга дўст бўлиб, билмас экансан
Кўнглининг тубида недир нияти.
Дўстликка тупурмоқ эпмиди унга
Бор бўлса озгина ори, уяти.

Қалбимнинг тўрига кўмилди ишонч,
Энди униб чиқмас умид чечаги.
Энди соғинмасман субутсиз касни,
Энди у дўст эмас менга кечаги.

Юрагим ҳис этмас шодликни асло
Мен уни қайдадир кўрган чоғимда.
У бир бор тасаввур ҳам қила олмас
Тун-кун қоврилганим ўзим ёғимда.



Ҳаётим мазмуни йўқотди рангин
Маъсум аҳилликка путур етганда.
Меҳримдан баҳраманд бўлган вафосиз
Ранжитиб, қайғута дучор этганда.

Мендан йўлларини айро тутган зот
Айта олармикан чин дўстлик надир.
Таассуф, рақибим истаги учун
Топталди соф туйғу, топталди қадр.

МАЖНУНТОЛ

Гуноҳ қилиб, бош эгмаган у,
Ғам-ғуссадан қадди дол эмас.
Вазмингина ўсар ўрнида,
Сукут сақлаб, чиқармайин сас.

Тирикликнинг манбаи – сувга
Эҳтиром-ла таъзим қилади.
Хокисорлик, камтарлик билан
Яшамоқни афзал билади.

Нечун мажнун аталишини
Ўйлаб, хаёл сураб ҳамиша.
Кўкка боқиб, гердаганларга
Ибрат бўлиб турар ҳамиша.

МУХТОР НОСИР

Фарғонанинг Рафқон қишлоғида туғилган (1955). Тошкент давлат университети журналистика факультетини битиргач, “Сирдарё ҳақиқати” газетасида иш бошлаган. Кейинчалик “Зиё” нашриётида бош муҳаррир сифатида фаолият кўрсатган. Бу даврда унинг уч юздан зиёд шеър, масал, ҳикоя, ҳажвия, интермедия, публицистик мақола ва очерклари вилоят ҳамда республика матбуотида эълон қилинган.



1991 йилда Гафур Ғулом номидаги нашриётда “Тўйнома”, 1997 йилда “Юлдузлар қасоси” шеърӣ тўпламлари нашр қилинган. Шоир 1997 йили “Жўжанинг шартӣ” шеърӣ тўплами билан “Энг яхши китоблар-болаларга” республика кўрик-танлови ғолиби бўлган.

БОЙЧЕЧАК

Эмин-эркин ўсиб чиққан
Бойчечагим бойланди.
Бир кўрди-ю Мухтор Носир
Ошиғинга айланди.



Қаттиқ ердан машаққат-ла
Қалтираб чиқувчи бойчечак.
Юмшоқ ердан умид билан
Йилтираб чиқувчи бойчечак.

Сенинг қаҳринг қаттиқ ердан
Қаттиқ экан, билдим, ёр,
Қаттиқ ерни юмшатай деб
Минг тавалло қилдим, ёр.

Дунё тўлди ноламга,
Сенинг кўнглинг тўлмади.
Бойчечагим сўлиб қолди-
Бир очилиб кулмади...

Йиғлаб-йиғлаб бойчечакка
Бу кун аза очарман.
Қўй қошимга келма ёр,
Бу кун сендан қочарман.

Энди Мухтор Носирга
Қўлинг етмайди бешак.
Тутиб қолар ўртада
Сўлиб ётган бойчечак!

ЎЗИГА ХОС ХУЛОСА

Балиқларни овлашди келтириб завол,
Қурбақа омон қолиб суради хаёл:
“Балиқларни тутишди, мен қолдим, демак,
Одамлар каминадан қўрқишса керак...”

НАСИБ ЭТСИН СИЗГА

Ошиқнинг гулини олмади дилбар,
Аламдан итқитди ошиқ ҳам уни.
Гўзаллик шайдоси қанча йигитлар
Эзғилаб ўтишди қип-қизил гулни.

Йўл топмай димоққа қолдилар ҳайрон,
Тонг ели келтирган турфа хуш ислар.
Бу вақт қайлардадир кезарди сарсон
Йигитлар қалбидан қувилган ҳислар...

Йўқ, қизлар, ўксиманг топилмайди деб
Йигитлар қалбида у нозик ҳислар:
Қадим мамлакатдан омон-эсон кеп
Орамизда яшар қанча Қайслар!

Кумушни юлганда ажал чанг солиб
Отабекдан кўпроқ бўзлаганлар бор!
Бозордан атайлаб даста гул олиб
Кумушнинг қабрини излаганлар бор!

Уларга тиз чўксин қизларнинг бари,
Севги маъбудаси минг бир тиз чўксин:
Бундайлар қизғаниб Дездемонани
Отелло тиғига тутади кўксин!

Мен ҳам бош эгаман уларга бир зум:
Йигитлар, ҳамиша ҳақ топсин қарор-
Насиб этсин Сизга Кумушдек масъум,
Дездемона каби садоқатли ёр!

КУМУШНИНГ СҮНГГИ НОЛАСИ

Бандаларин ғайри ишига
Ҳайрон қолди ул олий ҳакам:
Мени ўзи яратиб қўйиб
Севиб қолди Абдулла акам.

Сезар эдим: мени у ҳатто
Бегимдан ҳам қизғанар эди.
Унинг ўзи беклардан топган
Тенгимдан ҳам қизғанар эди.

Аммо бизнинг севгимиз кўриб
Оқ фотиҳа берди отадек...
Бу кун эса баъзи бировлар
Ёлғон “оҳ”-ла номим сотади.

Бир шоирча йиғлаб ёзганди
Мени дилдан севиб қолганин.
Аммо кўрдим шеър пулига у
Жазманига совға олганин.

Бу риёдан оғу ичгандек
Бағрим яна бир ёниб куйди.
Ханжарини тополмай бегим
Қабр ичра тўлғониб қуйди...

Мен-аёлман, Сиз-чи номахрам,
Атайверманг ҳадеб номимни:
Қодирийни, мени қийнаманг,
Қийнаманг ул бегим-жонимни!

Бизни қийнаб тақайверманг кўп
Менинг номим ҳар хил “канкурс” га:
Ҳатто юзим кўрсатмаганман
На ўзбекка, на-да ўрисга!

Мен-онаман, бир она каби
Бўзлаб айтгум сўнгги ноламни:
Қолган бўлса ҳақиқий ўзбек
Суриштирсин ёлғиз боламни!

ШОИРНИ ТАНЛА

Алқайми, қарғайми ўжар тақдирни:
Ишқингга мубтало қилди фақирни.

Бир тола сочингни бўйнима солди-
Мустаҳкам яратти бунча занжирни!

Ҳар тола зулфингда бир йигит банди-
Қайси шоҳ кўрганди шунча асирни?!

Минг йигит жон чекар ҳукмингга интиқ:
Сен ахир танлайсан ҳазордан бирни!

Уларга боқурсан бир қўлингда гул,
Бир қўлингда эса олиб шамширни...

Бунчалар зебосан, Сенга табиат
Нокерак этибди зарра таҳрирни!

Қоғозга тушмайди ойдек жамолинг-
Аҳмаров чизолмас бундай тасвирни!



Шунинг-чун рассому бошқасини қўй,
Жонгинам, танлагин фақат шоирни!

Кўп эрур шоир ҳам адашма зинҳор,
Ажратгин улардан Мухтор Носирни!

ОШИҚ

Таклиф этмадилар саҳнага уни,
Бирон-бир муғанний чалмади куй ҳам.
У-чи куйлайверди ҳазин ва мунгли
Гарчанд тингламади бирорта одам.

У ёниб куйлади: саҳнаси-замин,
Театр томидир-бошида осмон.
Бўзлашиб чопишди олмасданоқ тин
Нотага сиғмади қўшиқлар ҳар ён.

Қўшиқлар пок эди, мутлоқ бетимсол,
Дилгир эсалар-да ёқимли бешак.
Дунё ухлар эди бу вақт бемалол,
Ухлаб ётар эди олқиш ва қарсак.

Қўшиқчи дардини кўкдаги ҳилол
Тун бўйи тинглади паришон, дилхун.
Таниш қўшиқлар-а! Эслади, алҳол:
Бир замонлар куйлаб эди-ку Мажнун!

Қайтишнинг ташвиши тушганда бошга
Йигитга ачиниб қовоғин уйди.
Таништирар экан уни Қуёшга
Секин хўрсинди-ю “Ошиқ!” деб қўйди...

БОРМИ НАВОИЙГА ТАЛАБГОР?

(Ўзбек тилининг гоят бой ва гузал эканлигини исботлаб берган ҳазрат Навоийнинг “Муҳокаматул-лугатайн” асари қайта чоп этилиши муносабати билан)

Боқий каломин тинглаган чоғим,
Ҳавасим келади менинг қушларга:
Яхшими, ёмонми ўз сайрашини,
Алишмас ҳеч қачон ёт товушларга!

Бизда-чи, ўзга тил “билимдони” дир,
Ўз тилин билмовчи чала муллалар:
Ўзбекча гапирсанг масхара қилар,
Ромага айланган Раҳматуллалар!

Бугун-ку тилини унутди улар,
Эртага унутар миллатин, зотин.
Лол қолманг бундайлар “Йўлдош” ўрнига,
“Спутник” қўйворса ўғлининг отин.

...Бас, етар, киноя вақтимас ҳозир:
Ким ўзбек лисонин эгур сазойи.
Қани, мард бўлса майдонга чиқсин-
Олишишга келди ҳазрат Навоий!

УЛЬТИМАТУМ

Оқ тухумдан очиб бир дарча
Бош чиқариб сўзлади Жўжа:
– “Мопед” келтирмасангиз бориб
Мен чиқмайман тухумни ёриб!

МУҲАММАД ИСМОИЛ



Ховос қўрғонида туғилган (1964 йил 13 март). 1981-1986 йилларда Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетида таҳсил олган.

Илк шеърий тўплами “Тазарру саодати” 1991 йил чоп этилган. Шундан сўнг “Тасаввур чизиқлари” (1998), “Кўнгил мулкига сафар” (2001), “Саҳройи гуллар” (2001), “Сиз ҳамон ўшасиз” (2003), “Сизни севмай бўладими” (2005), “Баҳорнинг энг сўнгги доласи” (2006), “Чиройлисан, тенги йўқ” (2007), “Кўксимни куйдирган аланга” (2008), “Осмон тўла орзулар” (2011), “Мени кучлироқ сев” (2012), “Осмонингдан узилма эй, дил!” (2014), “То сўнгги нафасгача” (2015), “Миллат юрагининг дурдоналари” (2016), “Гапнинг қисқаси яхши”, “Ойга осилган байроқ” (2018) сингари китоблари чоп этилган.

СИРДАРЁЛИК ҚИЗЛАР

Юртлар кездим, юрдим Парижда, Римда
Гоҳ Деҳли, гоҳ Дубай, гоҳо Қримда,
Дунёни куйладим дostonларимда,



Аммо бор оламдан гўзалроқ сизлар,
Сирдарёлик қизлар, сарвиқад қизлар!

Барча мақтов сизга, сизга шон-шараф,
Ҳайрат аршидаман, бўйингизга қараб,
Дунё бир тараф-у, сизлар бир тараф,
Ойда йўқ сиздаги оппоқ ой юзлар,
Сирдарёлик қизлар, сарвиноз қизлар!

Сизга қанот бермоққа қодир эмасман,
Тожмаҳал қурмоққа Бобур эмасман,
Аммо қуёш кўкда битта демасман,
Сизларнинг барчангиз Қуёшдирсизлар,
Сирдарёлик қизлар, сервиқор қизлар!

Сиз кулсангиз базм-у байрам ўшадир.
Сиз борган уй, Боги эрам гўшадир.
Сизни кўрса Тинч уммони жўшадир,
Сизни кўриб кўкда чақнар юлдузлар,
Сирдарёлик қизлар, севимли қизлар !

Сизни кўриб, шоирлар шеър битсалар,
Сизни таърифлашда мендан ўтсалар,
Шу заҳоти юрагимга уринг ханжар,
Тап тортмасин, аямасин ул шаҳло кўзлар,
Сирдарёлик қизлар, саришта қизлар!

СЕНСИЗ

Мен соғиндим сени, кўзи шаҳлони.
Ўзимни қўймоққа тополмасман жой.
Мендан тортиб олдинг бутун дунёни,
Энди на Ер бордир, на осмонда Ой.

Қачон тортиб олдинг, айт мендан қачон
Нафас олай десам нечун йўқ ҳаво?
Қани пойимдаги жумлаи жаҳон,
Қани теппамдаги мусаффо само?

Нечун кўчалар бўш, бўм-бўшдир шаҳар,
Чириллаб айланар бу чархи фалак.
Ургим келаётир кўксимга ханжар,
Бўғзимда бир йиғи инграр жонсарак.

Жой йўқ ўз ичимда ўзимга.
Бироқ, ҳозир ёриламан,
Портлайман ғамдан.
Овозимда мингта момоқалдироқ,
Минг зилзила кучи чиқар танамдан.

Ҳеч ким қололмайди борлиқни асраб,
Уммонлар тошади, қулайди тоғлар.
Оловли вулқондай отилар сачраб,
Менинг қалбимдаги дард-у фироқлар.

Мен сенинг ёнингга бораман ҳозир,
Қуюндай даргазаб, сочиб чанг, тўзон.
Сенга севги изҳор қилмоққа қодир,
Сенга бўлмоқ учун Ер ила осмон.

Мен ўраб оламан тўрт тарафингни,
Сен учун мен мингта одам бўламан.
Бажараман барча айтган гапингни,
Сендан бир он кетмас байрам бўламан.

Қайга боқсанг унда кўринаман мен,
Кимга сўзласанг мен бераман жавоб.

Тунда севиб мени ёпинасан сен,
Тонгда уйғотаман мисоли офтоб.

Мен бўламан сенинг олган нафасинг.
Сен учун бўламан сув, ҳаво, тупроқ.
Менга буюк бахтдир, бахтли яшашинг,
Буюк бахтдир, ҳатто сен учун ўлмоқ!

СОНЕТ

Жилмайганинг ишқми, киноя
Меҳрми ё нафратми, шафқат.
Ўзалдирсан сен бениҳоя,
Термулганча йиғлайман фақат.

Мўъжизадир товшу, нигоҳинг
Мўъжизадир юрганинг ерда.
Оламларга сигмас чиройинг,
Ёзсам дейман юз мингта шеърда.

Оҳ қанчалар хушрўйсан, бе кам
Сенинг ҳуснинг илоҳдан, кўқдан.
Сени йўқдан яратган Эгам,
Ўзи қанча чиройли экан?

Сени шундай мукаммал, аъло
Яратганга минг-минг тасанно!

СИР

Каттанинг ҳам кичик камчилиги бор,
Каттаман деб ҳар дам керилмоқ нечун.

Ҳозир энг севимли, энг гўзал бахт ёр,
Оёғингни қучиб турганим учун.

Олам аҳли нолиб, нотинч юрганда,
Керак минбарларнинг юксак гаплари.
Барини унутдим, сўзлаб турганда,
Дунёда энг гўзал қизнинг лаблари.

Менга на йўл узоқ, нада вақт қиммат
Чорласанг бораман, йўқ ўзга ишим.
Бор олам ҳуснидан гўзалроқ зийнат,
Сенинг жилмайишинг, кулиб туришинг.

Шаҳарларни кездим, дарёлар кечдим.
Тоғ-у денгизларга бокдим маҳлиё.
Аммо букун буюк бир сирни ечдим,
Бахтдир - қучоғингда бўлмоқлик адо!

Жар солди исёнкор чақириқларим,
Ўзгартмоқ истадим оламни зимдан.
Бекор кетди наърам, ҳайқириқларим,
Сенинг оғушингда таслимман, жимман!

Таҳликага тушиб тўлғонса само,
Юрак туғёнлардан юксалган ондир!
Севгинг - Худо берган эҳсонлар аро,
Менга энг суюк,
энг буюк эҳсондир!

МУҲАББАТНИНГ ВАТАНИ

Ҳар гал Ховосга борсам,
Увишади юрагим.

Мен кетганман. Сени ҳам,
Узатишди, малагим.

Сирдош, синфдош қизлар
Ўртада таширди хат.
Қанча яширсак бизлар,
Ошкор бўларди фақат.

Тинмасди қушлар саси,
Гуллар ҳам талпинарди,
Бутун мактаб боласи,
Биз ҳақда гапирарди.

Олам эди чароғон,
Бизлар эдик бахтиёр.
Мен эдим ёш қаҳрамон,
Сен эдинг севикли ёр!

Маст этарди тун-у кун
Турфа гуллар чамани.
Ховос эди биз учун,
Муҳаббатнинг Ватани!

Ҳар гал Ховосга борсам,
Қалбимга тушар титроқ.
Кимдир ҳар лаҳза, ҳар дам
Кутгандай бўлар муштоқ.

То таңда жон бор экан,
У дамларни қумсаймиз.
Биз Ватанни тарк этган,
Мусофирга ўхшаймиз.

НАСИБ ҚИЛСА...

Базм аро қўшиқ янграрди шўх-шўх,
Ҳамма рақс тушар, хушҳол, қорни тўқ.
Барчани ичида мени лол этиб,
Турар эдинг мисли ловуллаган чўғ.

Одамзот аслида арслон каби ер,
Яна таом берсанг, яна борми дер.
Тузсиз бўлиб қолди тилимда таом.
Ҳиссиз бўлиб қолди дилимдаги шеър.

Кимдир сўзлар эди тинмай валақлаб.
Бачкана куларди кимдир шарақлаб.
Давра нурсиз эди, хира тус эди
Фақат сен юрардинг кулиб, чарақлаб.

Умрим ўтиб борар муҳаббатга зор,
Мен дунёда хорман, дунё менда хор.
Кузги япроқ каби учмоққа шайман,
На кутгувчи ва на йўқлагувчи бор.

Эй гўзал, кел мени ҳаётга қайтар,
Кел майли яшайин бир зум бўлса ҳам.
Сен билан сеҳрга тўлади байтлар,
Сен билан одамдир аслида одам.

Кезсанг дур, жавоҳир тугади боғлар.
Қучсанг, айланади тиллога тоғлар.
Ичсанг ширин бўлар, уммондаги сув,
Кулсанг жилмаяди, тошлар, гиёҳлар.

Бутун инсоният тўласа ҳам бож.
Кўнглингни олмоққа топмагай илож.
Жами юлдузлардан қимматроқ эрур,
Сенинг бошингдаги ярқираган тож.

Хабар бермоқ учун ҳур-у, жаннатдан.
Худо, атай сени ерда яратган.
Одамзот сендайни кўрмаса агар,
Беҳишт борлигини билсин қаёқдан?!

Сен томон ташлайман биринчи қадам.
Мен сенга биринчи узатаман қўл...
Худо насиб қилса, юрагингга ҳам,
Буюк севги билан топажакман йўл.

Мен сени кўтариб юраман бошда,
Маликалар каби яшайсан шодон.
Насиб қилса уйинг бўлар Қуёшда,
Ой-у юлдузларга бўлар ёнма-ён.

СИРДАРЁЛИКЛАР

Мард қилмас кўнгил тўлмайдиган ишни
Мард қилар Худо қўллайдиган ишни.
Буюк меҳнат билан бўлмайдиган ишни
Бўлдириб қўяди, сирдарёликлар!

Куч-у ғайрат келар қари-ю ёшга
Уйган хирмонлари етар қуёшга
Бироз қия қилиб дўппини бошга
Қўндириб қияди, сирдарёликлар!

Ҳар бири биринчи, ҳар бири донгдор,
Ҳар бири ўзидан қилгай ифтихор.
Ҳар бирида қуёш янглиғ олов бор
Ёндириб суяди, сирдарёликлар!

Ватан бошидаги бу тож диёрни
Алқамаган борми, мақтамаган борми?!
Кулиб қарамоққа Парвардигорни
Кўндириб кулади, сирдарёликлар!

Ўзбекнинг Сирдарё деган эркасин
Ҳеч ким теккизмаган ерга елкасин.
Доим беш кетади, ҳиммат режасин
Дўндириб юради, сирдарёликлар!

Менга севимли у, севгилимдайин
Севгим ортиб борар, севганим сайин.
Сипқорсамда яна, севгининг майин
Тўлдириб қуяди, сирдарёликлар!

ЙЎЛДОШ КАРИМ

Жиззах вилояти Янгиобод туманининг Жўлангар қишлоғида туғилган (1968 йил). 1992 йилда Гулистон давлат университетининг тарих факультетини тугатган. Айни пайтда мазкур университетнинг “Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими” кафедрасининг катта ўқитувчиси вазифасида меҳнат қилади.



“Соғинчнинг тасвири” (2004), “Юрак тафти” (2017) шеърлар тўпламлари нашр қилинган.

2003 йилда “Шухрат” медали билан мукофоланган.

БАТАН ҲАҚИДА ШЕЪР ЁКИ АЛЛА

Бу куйни тинглаган
Япроқлар шитирини,
Юрагидан эштади.

Бу куйни тинглаган
Тулпорларнинг кишнашидан,
Тунлар чекинар.

Бу куйни тинглаган
Йигитлар кўксида
Тоғлар ўсади.

Бу куйни тинглаган
Бешиклар бешак
Мардларни ўстирар.

Бу куйни тинглаган
Тупроққа тиз чўкиб
Қучгиси келади уни.

Бу куйни тингланг!..

* * *

Ватан.
Чечаклар тилида куйланган қўшиқ,
Юракнинг абадий соғинчи.

Ватан
Онам мени ҳар куни кутган,
Ҳеч ким мени ундай кутмаган.

Ватан.
Энамдай содда, энамдай улғ,
Юрагимда улғайган бир ишқ.

Ватан.
Энг буюк қўшиқ,
Ҳали ҳеч ким куйлай олмаган.

* * *

Ҳижрон – улкан масофа.
Қўл ва оёқ етолмайдиган.
Фақат. Юрагинг тафтини сезади юрак.

Тун – мунғайган кампир.
Хотиралари билан яшайди
Куннинг.

Тун сени соғинганимни,
Сотиб қўяди,
Сукунатга.

* * *

Тоғлар.
Сиздан ҳаво олган кўнгил ҳаволар,
Сиздан ҳаво олган кўнгил наволар.

Тоғлар.
Сочлари оқарган донишманд чоллар,
Кўз-кўз қилганимиз қадим чинорлар.

Тоғлар.
Қуёш қучоғига сиғмаган қорлар,
Йигит кўксимизда уйғонган орлар.

Тоғлар.
Отам-онам каби узоқда улар,
Уларга суяниб яшаса бўлар.

* * *

Тун нурга, кун нурга айланса,
Кўзларингга сиғмаса дунё.
Юрагингда уйғонган майса,
Бир рўё,
Илоҳий ишқ.

Кун тўлғонса, тун тўлғонса
Оромини йўқотса фасл.
Юрагингда бир гул уйғонса,
Бир гул
Илоҳий ишқ.

Гул йиғласа, кўнгил йиғласа
Қўшилишиб йиғласа осмон.
Юрагингни минг бор тиғласа.
Бир армон,
Илоҳий ишқ...
Илоҳий ишқ...

* * *

Кетаман, ортимда кунлар тўзғиган,
Кенгликни сиғдира олмаган шаҳар.
Ҳар бир қадамидан манфаат излаган,
Ҳар бир қадамида ўқ отган каслар.

Баҳор ифорида яйрайди дилим,
Кўксимга ҳамоҳанг қалдироқлари.
Ҳар кимни ўзича англашин билдим,
Титраб тўзғиётган қизғалдоқларни.

Руҳимни кўтаргин, руҳимни уйғот,
Болалик ҳайрати, тўлдир қучоғим.
Бизларни қайларга бошлади ҳаёт,
Узоқлаб кетдимми сендан, қишлоғим?

* * *

Мен сенга топиндим, озодлик,
Мен сенга юкиндим, озодлик,



Кўнгилга келдингми, озодлик,
Кўнгилга келганинг муборак.

Лаҳзада илонлар пўст ташлар,
Лаҳзада уйғонар одамлар,
Кўнгилга келдингми, озодлик,
Кўнгилга келганинг муборак.

Инсонга кўп нарса керакмас,
Кўнгилга сен ўзинг бўлсанг бас.
Кўнгилга келдингми, озодлик,
Кўнгилга келганинг муборак.

Кўнгилнинг кўклами келдими,
Кўнгилда бир осмон улғайиш.
Кўнгилга келдингми, озодлик,
Кўнгилга келганинг муборак!

* * *

Ойнинг юзларидан сеҳрлар ёғар,
Юлдузлар ҳам тугар севинч бир тутам.
Кўнгилга тасалли на бир сўз сиғар,
Сени ўйласам.

Бу кеча тўлғониб чиқади осмон,
Бу кеча тутунга тўлади хонам.
Бу кеча тугамайди ҳеч қачон,
Сени кўрмасам.

Кўнглимни сойларга очаман,
Бўлмайди, бўлмайди очмасам.
Ахир мен юраксиз қоламан,
Сени севмасам.



* * *

Чопади ўт чиқиб туёқларидан,
Уйғониб кўксимда бир саман,
Лоқайд дунё яйловларида ,
Сенмидинг бир умр ўтлаган,
Кўзи очик бўлиб ухлаган.
Чопади ўт чиқиб туёқларидан.

Алам билан йўғрилган армон,
Куюк дилни куйдирар ёмон.
Ўзинг осмон, ишқинг осмон,
Сенмидинг кўксимда гуллаган
Юракка бош қўйиб йиғлаган.
Алам билан йўғрилган армон.

Болалигим тўкилган гўша,
Меҳри улуг, меҳри ўзгача.
Энди ўзим сиғмаган ўша,
Сенмидинг ўзига чорлаган
Кўзимга дунёни торлаган.
Болалигим тўкилган гўша.

* * *

Ота юртнинг тоғлари баланд,
Осмонига турналар қайтар.
Юлдузларни тунлари санаб,
Болалигим қўшиқлар айтар.
Ота юртим
Капалакнинг қанотларида,
Куртаклари кўз очган дарахт.
Юрагимнинг қабатларида
Ҳар кўрганда уйғонган ҳайрат.

Ота юртим, борингга шукр,
Гиёҳлари қалбимга қувват.
Агар сендан узоқлаб кетсам,
Мен йўқолсам, мудрасам, уйғот.

* * *

Кўп нарса керакмас инсонга асли,
Теграсида осмон айланиб турса.
Соғинчга айланса ҳар умр фасли,
Ҳар фасл кўнгилнинг бўйлари ўсса.

Кўп нарса керакмас инсонга асли,
Дўстлари бўлса бас суянадиган.
Тоғлари бўй чўзиб турса юртининг
Кўксида майсалар уйғонадиган.

Кўп нарса керакмас инсонга асли,
Умр деганлари шошқин, югурик.
Ҳар лаҳза юракда аланга бўлса,
Муҳаббати бўлса эслаб юргулик.

Кўп нарса керакмас инсонга асли,
Кўнгилни дунёдан уза олса бас.
Шудгорга бош қўйиб ётолса, бахтли,
Бахтли кўксидаги ўтни асролса.

* * *

Катта дунёларни излаб,
Онамдан узоқларга кетдим.
Аммо, ундан улуг, ундан катта
ДУНЁни топа олмадим.

ШУҲРАТ ҲАКИМ



Боёвут туманида туғилган (1972 йил 16 октябрь). 1996 йилда ГулДУ ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. Боёвут туманидаги 14-умумтаълим мактабида ёшларга она тили ва адабиёт сирларини ўргатиш баробарида, фаол бадий ҳамда публицистик ижод билан ҳам шуғулланиб келади. “Зиё” нашриётида унинг “Ажралиш куйи” (2009), “Муҳаббат армонлари” (2010), “Туйғулар суврати” (2012) ҳамда “Турон замин зиё” нашриётида “Умид япроқлари” (2017) номли шеърий китоблари чоп этилган.

ОНА ТИЛИМ

Сен — Нуҳнинг кемасида тўфондан омон чиққан,
Кошғарийсан — эл кезиб, битталаб луғат йиққан,
Бир сўзин имлосига не-не дунёлар сиққан —
Аждодларимдан мерос шонимсан, она тилим,
Дунёда илк кўз очган онимсан, она тилим!

Тошбитиклар сатҳида тош қотди вақт ва замон,
Ёвқур отлар дупури гўё кўксимда ҳамон!

Юрт қўриydi Тўнюқуқ қўлда тутганча камон —
Аждодларимдан мерос шонимсан, она тилим,
Томиримда жўш урган қонимсан, она тилим!

Сени йўқотмоқ бўлди ўт қўйиб Қутайба ҳам,
Ўзлигинг сақлаб қолдинг тоғда-ю тўқайда ҳам!
Дединг: “Ҳар не ёзиқни эл билан кўрай баҳам!”
Аждодларимдан мерос шонимсан, она тилим,
Оловларда қизарган нонимсан, она тилим!

Таърифингга ожиздир Беҳистун ёзувлари,
Ўтмишингга далолат Варахша қазувлари,
Сендадир ўзбек элим армону орзулари —
Аждодларимдан мерос шонимсан, она тилим,
Қирларда пишган бошоқ — донимсан, она тилим!

Қучоғинг бир чаманзор — дил яйратиб кезгудай,
Ҳар сўзинг, ҳар жумлангга гул атрини сезгудай!
Навоийнинг “Хамса”си сенга энг зўр кўзгудай!
Аждодларимдан мерос шонимсан, она тилим,
Бўғзимда титраб турган жонимсан, она тилим!

ОНА ТИЛИ ЎҚИТУВЧИЛАРИ

Сирдарёнинг сувидан ҳовучлаб ичган юрак,
Шогирд камоли учун уйқудан кечган юрак,
Не туркий луғатларнинг тилсимин очган юрак!
Сиз эрурсиз муҳаббат, эзгулик элчилари —
Ҳамиша омон бўлинг, ўзбегим тилчилари!

Юксак парвоз эттириб ўқувчини — каптарни,
Тинмай таҳлил этасиз ҳар бир сўзу гапларни.
Узун тунлар ухламай текширасиз дафтарни...

Сиз эрурсиз муҳаббат, эзгулик элчилари –
Ҳамиша омон бўлинг, ўзбегим тилчилари!

Дарсингизда ёш авлод сўз санъатин англайди,
Гўзал нутқ услубидан маърузалар тинглайди,
Сизга меҳрини қўйиб, Навоийга тенглайди!
Сиз эрурсиз муҳаббат, эзгулик элчилари –
Ҳамиша омон бўлинг, ўзбегим тилчилари!

Ўқувчига айтасиз: “Бу гап тури – кўчирма.
Равон сўзла! Текис ёз! Хато қилма! Учирма!”
Қанча ўғил-қизларни қилмоқдасиз учирма!
Сиз эрурсиз муҳаббат, эзгулик элчилари –
Ҳамиша омон бўлинг, ўзбегим тилчилари!

Қалбингиз тавсифига ташбеҳ излайман гоҳо,
Халқимнинг ўзи бергай сизга муносиб баҳо.
Танглайингиз кўтарган Замахшарийдек даҳо!
Сиз эрурсиз муҳаббат, эзгулик элчилари –
Ҳамиша омон бўлинг, ўзбегим тилчилари!

ТҮНЮҚУҚ СЎЗИ

Билга Тўнюқуқ – мен, насабим туркий -
Эркнинг кўзларида чақнаган олов;
Тангридан ўзгага эгмаган бўйин,
Ўрхун ёқасида юксалган ялов!

Бошимда – дубулға, кўксимда – совут,
Қиличнинг тиғида кечди умр ҳам.
Самовий тулпорим туёқларида
Қум каби янчилди тошу темир ҳам!

Ёғийни юртимга йўлатмайин деб,
 Кундуз ўтирмадим, тун ухламадим!
 Отам ўққа учса чекмадим ёху,
 Онам кўз юмганда жим йиғламадим!

Бироқ тил қадрини билмаса миллат,
 Авлодим унутса туркий суронни;
 Эрмакка айланса бу қадим луғат -
 Кўз ёшим кўмади бутун Туронни!!!

ТИЛИНГНИ АСРА

Ёфаснинг идрокини илк бор ёритган чироқ,
 Бахшиларнинг бўғзида куйга йўғрилган туроқ,
 Теранликда Бойкўлнинг тубидан ҳам чуқурроқ –
 Денгиздай синоатли тилингни асра, элим!

Тиёншон ҳам аслида оқ пахтангдан уйилган,
 Сирдарёнинг сувлари нақ жаннатга қуйилган!
 Қуёш гўё хайкалдир – юрагингга қўйилган!
 Қуёшдай ҳароратли тилингни асра, элим!

Пешонангда ажинмас – Энасойнинг тўлқини,
 Тошга ўйиб ёзилган жасоратнинг талқини.
 Кўкрагингга жо этиб Алп Эр Тўнга хулқини -
 Тўлқиндай давоматли тилингни асра, элим!

Фарзандинг – минг юлдузни бир жадвалга сиғдирган,
 Қоронғи ҳужраларда башарга гап уқтирган.
 Шомда қуёшни тежаб, тонгда яна ёқтирган!
 Тонг каби нафосатли тилингни асра, элим!

Искандар найзасидан дубулғангда дарзинг бор,
Омонсиз исёнларда эрка ташна тарзинг бор,
Ўзбекни миллат қилган тил олдида қарзинг бор –
Ўзингдай жасоратли тилингни асра, элим!

ГУНГ ҚИЗ ШУБХАНИНГ АЙТОЛМАГАН СЎЗЛАРИ

(Р.Тагорнинг “Шубха” ҳикоясини ўқиб)

Юрагимнинг тўрида олий бахт Сизсиз, бегим,
Аммо буни пайқамай ҳамон бахтсизсиз, бегим.
Муҳаббат қиссасида икки гуноҳкор бўлса,
Битта сарсон менману, битта бахтсиз - Сиз, бегим!

Ой кўксини булутлар поралаган бу оқшом,
Қиз қалбига гумонлар оралаган бу оқшом.
Балки азал китобин бир-бир варақлаб Тангрим,
Тақдиримнинг шарҳини қоралаган бу оқшом!

Булутлардан юзига парда тортган Зухраман,
Қалбингиз ойнасига соя солган шубҳаман.
Тангридан забон сўраб ҳар тун қилдим ибодат,
Мен ҳам бир тилсиз санам - бағри куюк Шубхаман!

Тим қора кўзларимдир аслида менинг сўзим,
Ёш ювган юзларимдир аслида менинг сўзим!
Бедиллар озоридан паноҳ истаб югурган
Соҳилда изларимдир аслида менинг сўзим!

Осудаликда ўтган ҳар кунга шукур қилинг,
Ҳар қанча синови бор – гардунга шукур қилинг.
Қалбимни ҳис этолмай мендан воз кечсангиз ҳам,
Тангрим сизга тил берган – бир шунга шукур қилинг!

ФОРОБИЙ

Сирдарё ёқасин айладим манзил:
Танишдир ҳар тепа, тошқин – сели ҳам.
Бу элнинг ғурури ғуё Тангри тоғ,
Дашти Қипчоқ қадар кенгдир феъли ҳам!

Ўрганганим ростдир етмишта тилни –
Инсон тафаккури ҳар нега қодир!
Бироқ ўз тилимда тингласам ўлан,
Кўксимда соғинчлар тикади чодир!

Мени Арастуға шогирд дедилар –
Чиндан закий бўлган у буюк устоз.
Осмон қопқалари очилган бир-бир,
Ҳар битта жумбоқни ечганда мумтоз!

Балки илҳом билан кечган ҳаёти,
Ёнида бир ғузал гулчеҳра ўтган –
Билсангиз, бахтсиздир ҳатто Арасту,
Чунки туркий тилдан бебаҳра ўтган!

ЎЙЛАБ ГАПИР

Кимгадир сўз айтганинг чоғ – сен мудом ўйлаб гапир.
Қолмасин дилларда бир доғ – сен мудом ўйлаб гапир.

Тонгда созин чалса булбул, барча бўлгай маҳлиё,
Кимга ёққай ҳирқироқ зоғ – сен мудом ўйлаб гапир.

Яхши сўз ҳар кимга илҳом бахш этар бир ғунчадай,
Чунки тил бир яшнаган боғ – сен мудом ўйлаб гапир.

Сенга илк бор жон чекиб сўз ёдлатур жон волиданг,
Тоабад юрсин десанг соғ – сен мудом ўйлаб гапир.

Чун “Каломуллоҳ” дебон ҳар дам шарафлангай Мусо,
Шоҳид эрмиш Тур деган тоғ – сен мудом ўйлаб гапир.

Яхши сўз кутган юраклар қақраган бир дашт эрур,
Майли, хуш ёмғир бўлиб ёғ – сен мудом ўйлаб гапир.

Қайда бўлсанг ҳам, бу Шухрат ноласин ёдингда тут:
Кимгадир сўз айтганинг чоғ – сен мудом ўйлаб гапир!

ОНА ТИЛИМ – ГАВҲАРИМ

Она тилим – бошимда тожим,
Сенда офтоб шуъла сочади.
Умримдаги тоза фаслар
Сен туфайли бағрин очади.

Боболарим асрлар бўйи
Гавҳар каби асради сени.
Сен бўлмасанг ёруғ оламда,
Ким танирди ўзбекни – мени?!

Бу дунёда илк бор кўз очиб,
“Она” деган сўзни ўргандим.
Шу битта сўз жарангларида
Бор оламни тугал кўргандим.

Сўзлар бордир – салмоғи тайин,
Вазни гўё момақалдироқ.
Сўзлар бордир – ипақдай майин,
Гўё тунни ёритган чироқ.

Ҳар битта сўз – миллатнинг ризқи,
Ҳар битта сўз – инсондай тирик.
Туркий тилнинг жонли нафаси
Элни бахтга айлайди шерик!

ЎРГАТАЙ

Дадам менга қафасда
Тутиқуш олиб келди.
Олам-олам қувончни
Қалбимга солиб келди.

Ял-ял товланар тожи,
Қанотлари ранг-баранг.
Биз нима деб гапирсак,
Ёдлаб олармиш, қаранг!

Уйимизда яшайди
Қувонтириб кўзларни.
Энди унга ўргатай
Фақат яхши сўзларни!

ЖАННАТИМ

Фарғонадан Устюрт қадар янграган,
Миллат этиб ҳур элимни танлаган,
Халқ дардини бир инсондай англаган –
Она тилим, сенсан менинг жаннатим!

Қувват олдинг қарлуқ, қипчоқ, ўғиздан,
Достон бўлиб таралдинг сўнг бўғиздан,
Ўтиб келдинг оғизларга оғиздан –
Она тилим, сенсан менинг жаннатим!

Алп Эр Тунга қиличида ёзиқсан,
Алп тулпорин асраган бир қозиқсан,
Элни эрка руҳлантирган ҳозиқсан –
Она тилим, сенсан менинг жаннатим!

Тангрим ўзи кечирсин мен қайсарни:
Нима қилай ҳуру ғилмон, кавсарни?!
Ато этмиш менга сендек гавҳарни –
Она тилим, сенсан менинг жаннатим!

Кам эмассан на форсий, на арабдан –
Нидо келди олис Кошғар тарафдан!
Мақтанмайсан нечун шундай шарафдан?
Она тилим, сенсан менинг жаннатим!

Тили йўқ эл – ўзгаларга майнадир;
Миллат учун тил гўё бир ойнадир,
Тил бўлмаса, давлат надир, бой надир?!
Она тилим, сенсан менинг жаннатим!

Ҳиротлардан етиб келган ёрлиғим,
Навоийнинг навосига зорлиғим,
Жон томирим, қон томирим, борлиғим –
Она тилим, сенсан менинг жаннатим!

АЛИШЕР НУР

Жиззах вилоятининг Дўстлик туманида туғилган (1974). Унинг болалик ва ўсмирлик йиллари Сирдарё вилоятининг Меҳнатобод (ҳозирги Ховос) туманида ўтган. Машҳур бахши Эргаш Жуманбулбулнинг эвараси. Ҳозирда Гулистон шаҳрида яшаб, ижод қилмоқда.



“Сўз сеҳри”, “Ишқ саҳроси”, “Соғинч тилси-ми”, “Сардоба садоси”, “Бахшиёна оҳанглар” номли китоблари нашр этилган. Шунингдек, “Зангори фасл” альманахига, “Сайхун саболари” антологиясига ҳам ижод намуналари киритилган.

ЎЗБЕКИСТОН

(қасида)

I.

Ўзбекистон о, она юртим,
Яловингда ўн икки юлдуз.
Ва ярим ой ёғду суратин,
Кўз-кўз қилар кеча-ю, кундуз.

Ҳилпираган яловга боқар,
Ёшу қари бепоён ҳудуд.
Ҳар қаричин сўзламасам гар,
Ўз-ўзидан тонади вужуд.

II.

Гул сайлида қадим Наманган,
Келинчакдек безанмиш чунон.
Кўпкарида оқ ёлли саман,
Сурхон элга келтирмиш унвон.

Самарқанднинг кўрки Регистон,
Садо бермиш олис, яқиндан.
Қарши чўлин этгали бўстон,
Элчи келмиш, чақмоқ-чақиндан.

Хивадаги Ичан қалъани,
Мўъжиза дер хорижий сайёҳ.
Қизилқумда қўшиқ, яллани,
Ижро этар янтоғу гиёҳ.

Бухоронинг минорларига,
Оқ лайлакнинг ин қургани рост.
Фарғонанинг чинорларига,
Мангуликнинг чизиқлари мос.

Андижоннинг ширин шеваси,
Етти иқлим аро ягона.
Паркент боғин сарҳил меваси,
Бол, шарбат-ла қалин дугона.

Зоминдаги яшил арчанинг,
Гўзаллигин тан олмиш олам.

Юрагимдан тушган парчани,
Сирдарё – деб, атади қалам.

III.

Сулув қиздай тақиб толбаргак,
Шўх ирмоқлар улашади бахт.
Юрт корига бўлиш-чун тиргак,
Собит турар жонажон пойтахт.

Пойтахт Тошкент шарқ дарвозаси,
Илму ижод яшнайти бунда.
Ёруғликнинг чин овозаси,
“Қош қораймас” ҳатто-ки, тунда.

IV.

Манзил яқин йироқдан,
Сўзладим кўнгли тўлмас.
Ахир гулни япроқдан,
Айрича куйлаб бўлмас.

Минг йилдир балки кўпроқ,
Улар аҳил ва иноқ.
Ўзбек ва Қорақалпоқ,
Бири гул, бири япроқ.
Чанқовузнинг овози,
Чиқса Орол томондан.
Худди шундай куй сози,
Янграр қадим Сурхондан.

Қорақалпоқ қондошлар,
Томиримиз ўқ илдиз.
Ҳорманглар, ватандошлар,
Яловимиз ой, юлдуз.

СИРДАРЁ

Қиш сўзлайди оппоқ, зумрад қорлигини,
Баҳор сўзлар ишқ, висолга ёрлигини.
Ғурур сўзлар дўсти номус, орлигини,
Таъриф этсам Сирдарёнинг борлигини,
Қуёш очар тун беркитган ёрлигини.

Саҳармардон чўпон-чўлиқ уйғонади,
Келинчакнинг сумбул сочи тўлғонади.
Алвон гуллар қийғос-қийғос чўғланади,
Қирғоғидан тошиб дарё солланади,
Зилол сувдан она замин болланади.

Қадоқ қўлли бободехқон ишга шошар,
Билагида куч, ғайрати тўлиб тошар,
Кузда уйган хирмонлари тоғдан ошар,
Меҳнатидан баҳра олиб миллат яшар,
Бундай элга куй ярашар, тўй ярашар.

Ҳофиз бўлиб тор чертади Сир шамоли,
Куй сеҳрида жилоланар қиз жамоли.
Эзгуликка ошуфтадир юрт камоли,
“Она”, “Ватан”, Алишернинг дил каломи,
Бахт, шодликка таронадир шеър саломи.

БАХШИЁНА

Тоғларда булоқнинг кўзи бор,
Майсанинг мулойим юзи бор.
Бобомнинг бир айтган сўзи бор,
Йигитнинг илиги тўқ бўлсин,
Кўкайи кўкламдай кўк бўлсин.



Гумбурлар тоғларнинг дараси,
Чавандоз йигитнинг сараси,
Жаранглар Алпомиш наъраси,
Келса ҳам Қоражон жўраси,
Сир бермас ўзбекнинг тўраси,
Йигитнинг илиги тўқ бўлсин,
Кўкайи кўкламдай кўк бўлсин.

Мингани Ғиротдир, Ғиркўқдир,
Ўттизда, қирқида йигитдир,
Олтмишдан ошганда бургутдир,
Саксонда айтгани ўғитдир,
Қўл тутса, чангалда булутдир,
Йигитнинг илиги тўқ бўлсин,
Кўкайи кўкламдай кўк бўлсин.

Сулув қиз сочпопук тақади,
Юракка оловлар ёқади,
Тўлин ой суқланиб боқади,
Томирда ишқ-дарё оқади,
Дарвоза зулфини қоқади.
Йигитнинг илиги тўқ бўлсин,
Кўкайи кўкламдай кўк бўлсин.

Илҳоми келади булбулнинг,
Ифори таралса бир гулнинг,
Адоси бўлсин-ей сумбулнинг,
Баҳори яшнасин кўнгилнинг,
Туёғи чақнасин дулдулнинг,
Йигитнинг илиги тўқ бўлсин,
Кўкайи кўкламдай кўк бўлсин.

КУПКАРИ

Шамол чалар куйини,
Қўмсаб дарё буйини.
Сайҳонда давом этар
Чавандозлар ўйини.

Ўйин номи кўпқари,
Сон-саноқсиз навқари.
Ор талашар майдонда
Йигитларнинг давқари.

Кўпқариё, кўпқари,
Ўйинларнинг данғали.
Тулпорини қучади
Чавандознинг чанғали.

Улоқни ол, олға бос,
От ёлига тумор ос.
Кўпқарининг шиддати
Ўзбекка отамерос.

Мардлар турар майдонда,
Қушлар яшар айвонда.
Кўпқарини кўрмаган
Қолиб кетар армонда.

ТУЙ БЎЛСИН

Туй бўлсин-о, туй бўлсин,
Қадим ўзбек элида.
Ҳофизлар қўшиқ айтсин,
Бахшиларнинг тилида.



Ҳалол бўлсин баковул,
Кураш тушсин полвонлар.
Кўпкарининг зарбидан,
Титраб кетсин майдонлар.

Тугунчаси қўлида,
Келсин амма, холалар.
Амакилар ёнида,
Давра қурсин тоғалар.

Қора қўчқор шибоға,
Меҳмонларнинг пойига.
Қази солинган палов,
Бўлсин зиғир мойига.

Кулчатойди қозондан,
Сузиб келсин янгалар.
Келинчакнинг бошидан,
Сочилсин-о тангалар.

Дуо қилсин боболар,
Отга айлансин тойлар.
Бешикларда улғайсин,
Алпомиш, Барчинойлар.

ЖИЯН КЕЛДИ

Кулчатойди тобоқларга сузиб келинг,
Сабзи, шолғом, қуйруғини тизиб келинг,
Жиян келди, жетти бўри увласин-о
Пишган этнинг жилигини узиб келинг.

Иссиқ нону патирларди олиб келинг,
Ғилминдини соримойға солиб келинг,
Жиян келди, жетти бўри увласин-о
Бахши бово дўмбирани чалиб келинг.

Том бошида қўштандирди кўриб келинг,
Тулпор учун бир бов беда ўриб келинг,
Жиян келди, жетти бўри увласин-о
Ойпарини ҳовли томон буриб келинг.

2011.

АЙТАР СЎЗИМ БОР

Муҳаббат боғларини
Яёв кезган ошиқман,
Булбуллар забонида
Янграган куй қўшиқман.

Ўсмирлик чоғларимда
Дўст тутиниб қаламга,
Қоядек мағрур туриб
Боққанман кенг оламга.

Жилға-ю, ирмоқларни
Қоғозга туширганман,
Лолақизғалдоқларнинг
Таърифин оширганман.

Шеър ўқиган овозим
Етсин – дея Дўрмонга,

Арслондай ўкирганман
Кўҳна Оқтов томонда.

Дўмбира садосида
Самоларга учганман,
Булутлар тўдасини
Бургут бўлиб қучганман.

Майсаларнинг шивири
Илҳом берган қалбимга,
Ҳали айтар сўзим кўп
Менинг она халқимга.

ТУРҒУН ЖАМОЛОВ



Жиззах вилояти Зомин туманидаги Ёмқишлоғида туғилган (1933). 1951-1956 йиллари ҳозирги Ўзбекистон Миллий университетининг филология факультети журналистика бўлимида ўқиган.

Меҳнат фаолиятини “Муштум” журналида бошлаган. 1979-1994 йилларда

Сирдарё вилояти телерадиокомпанияси раиси сифатида фаолият олиб борди. “Қўриқ эпопеяси” (1972) номли публицистик мақолалар тўплами, “Тақдир табассуми” (1975), “Чашма” (1982), “Мирзачўл: кеча, бугун ва эртага” номли очерклар тўплами (1987), “Ялпиз ҳиди” (2010), “Ғалати ариза” (2011), “Яхшилик боғи” (2012), “Дийдор” (2013) каби китоблари чоп этилган.

1994 йилда вафот этган.

ЎҒИЛ

(ҳикоя)

Пилта-пилта бўлиб лайлак қор ёғарди. Кўчалар, томлар, дарахт шоxlари қор билан оқарган. Уч қаватли туғруқхона биноси томон сирпаниб, тойиб,



ҳаллослаганча бир йигит келарди. Унинг қўлида гул. Йигит ҳаяжондан ўз қобиғига ўзи сиғмаётгандай эди.

У катта дарвозанинг кичик эшигини беихтиёр очди. Қор ичкарига урди.

– Ҳой, ўғлим, кир, тезроқ эшикни ёп.

– Ўн-ўн икки ёшли ўғил боланинг қўлидан тугунча олаётган сочи мошгуруч, думалокдан келган кампир болага қараб, койинди:

– Нон кўтариб юрибсанми? Вой болам-ей! Туғруқ-хонада нон йўқ, деб ўйлайсанларми-а? Бу исрофгарчилик қачон йўқолар экан? Қаттиқчиликни кўрмагансанлар-да, ноннинг қадрига етмайсанлар. Мана шу аканга ўхшаб гул-пул олиб келсаларинг бўлмай-дими? Хўп, майли, фамилиясини айт.

– Ҳожиёва Гулнора, – деди бола шошиб-пишиб,

– Ҳо, ҳалиги Ҳожи қассобнинг келиними? Жуда яхши, ўзи ҳам кўчқордай ўғил туғибди. Ҳозир эри келиб, кетувди. Сен кими бўласан?

– Укаси.

– Боравер, мен бериб қўяман.

Бола чиқиб кетгач, кампир хонага кирган йигитнинг қўлидаги гулларга қаради. Яқинига келиб, ҳидлаб кўрди.

– Қўли дард кўрмасин илойим, қаҳратон қишда шундай гул ўстирган одамнинг. Хўш, бу гулни қайси бир бахтиёр онага берай?

– Гули Жалиловага, кеча кўзи ёриган, ўғил кўрган.

– Сен кими бўласан, болам?

Йигит уялинқираб жилмайди.

– Тушунарли. Ўғил қутлуғ бўлсин, ўғлим. Хўп, сен боравер, гулингни менга бер, ўзим бериб қўяман, номингдан табриклаб.

– Бир дақиқага кириб чиқсам?..



– Йўқ, болам, рухсат йўқ, биласанми, ҳамма оталар кираверса, бу туғруқхона туғруқхона эмас, бозор бўлиб кетади-ку, айланай. Боравер, кўнглинг тўқ бўлсин. Ўзим бериб қўяман. О, гулмисан, гул экан, вой-вой, ҳидига тўймайсан одам...

– Бир дақиқага...

– Бунақа ўжар бўлма, бор, ишингдан қолма. Эшикни ёпаман, қани-қани, ташқарига чиқ.

Йигит биров пальтосининг этагидан тортгандай мажбуран ташқарига чиқди. Ташқарида панжарали девор олдида бино деразаларига қараганча қўл силтаб, имо-ишора билан гаплашаётган эркак, хотинларга кўзи тушди. У ҳам беихтиёр улар тўдасига қўшилиб кетди. Уч қаватли бинонинг қатор деразаларига гўё олтин қидираётгандай нигоҳлар қадалган. Қани энди Гули бир кўринса. Туғруқхона атрофини, кўзларини деразалардан узмай, икки марта айланиб чиқди. Гули кўринмаган сайин юрагига гулгула туша бошлади. Ҳамма оналар деразалардан қарасалару, Гули кўринмаса ёки тўшақдан тура олмайдиган бўлиб қолганми-кан? Ўзи касалманд эди, иккиқат бўлганда дўхтирлар бош чайқаб қўйганди-я, наҳотки?..

Орадан бир соатча вақт ўтди. Юрагига гулгула тушгач, Гулини ва ўғлини кўрмасдан бу ердан кетмасликка жазм қилди. Бу кайфиятда уйқуда ҳаловат бўладими, тананг оловдек ёниши, муздек совиши ҳеч гапмас. Гули нима хаёлларга бормайди: “Одил ака, бир нав бизни кўришга вақт тополмадингизми, билардингиз-ку?” демайдими?

“Ҳой, Одил, жонинг борми ўзи? Эс-ҳушингни сал йиғиб олсанг-чи, наҳотки тилингдан бол томмаса? Наҳотки шу қоровул кампирнинг кўнглига йўл тополмасанг?”

Одил ҳапқирган юрагига беихтиёр қулоқ бериб, туғруқхона дарвозаси томон шашт билан юрди. Дарвоза олдига келгач, таранг тортилган асаби бўшашди. Пастки лабини тишлаб бир нафас ўй суриб қолди. Кейин қандайдир куч топиб, эшикни секин очди.

– Вой болам-ей, яна келдингми? Ёки кетганинг йўқмиди, эшик олдида турганмидинг совуққа қотиб. Иш-пишинг ўзи йўқми дейман, бекорчимисан?

Ийманган, қизариб-бўзарган Одил навбатчи кампирга ялиниб-ёлворишга тушди:

– Нима десангиз, деяверинг, холажонгинам, ҳақорат қиласизми, урасизми, кўкрагимдан итариб ташлайсизми, “ғинг” десам, номардман. Фақат бир илтимос...

– Бошимдан зар сочсанг ҳам қўймайман, вассалом. Буйруқ шунақа.

Йигит ён чўнтагига секин қўл олиб борди.

– Пул олмоқчимисан, порами? – кампир ўтирган жойида пиёлани тап этиб столга қўйди, – Кетмайди! Бу ишинг жиноят, қамоқ!

– Пул эмас, холажон, шоколад.

– Барибир, иннанкейин шоколад есам, бор тўртта-бешта тишим ҳам зирқираб оғрийди.

– Невараларга...

– Невараларнинг онаси бор, отаси бор, минг қатла шукр. Кўпам мени, ўзингни қийнаверма, болам! Бор, жўна, эртага келасан.

– Бир дақиқага, холажон. Кираман-у чиқаман.

– Бир дақиқа тугул ярим дақиқага ҳам қўймайман. Буйруқ шунақа.

– “Буйруқ-буйруқ”. Мен учун бир марта шу буйруқни бузсангиз, нима қипти, холажон?

– Мумкин эмас, болам! Буйруқ – бу фармон!



- Бир дақиқага кўраман-у чиқаман.
- Йўқ, вассалом!
- Жуда ҳам қайсар экансиз, холажон.
- Бу ер меҳмонхона эмас, туғруқхона. Бор, деразанинг тагига бор, кўрасан.

– Бўпти, билиб келинг, нечанчи қаватда, қайси дераза, шуни ҳам аниқланг, жон холажон.

– Хўп-хўп, болам. Бу ерда турма, мен гап эшитмай, ташқарига чиқиб тур. Ёки совуқ қотдингми?

– Ие, қизиқмисиз, холажон? Ҳозир менинг совуқ қотадиган вақтимми?

– Ҳа, яхши, беш-ўн дақиқа кутиб тур ташқарида. Ҳаммасини айтиб бераман.

Йигит ноилож ташқарига чикди. Қор ҳамон тўхтагани йўқ.

Йигит бетон девор оралаб юра бошлади. Бошини юқори кўтариб, уч қаватли бино деразаларига қайта нигоҳ ташлади. Ҳеч нарса илғай олмади. Оқ тангалардек ҳамма ёқни қоплаган қор учқунлари деразани аниқ кўришга халақит берарди.

“Қургур бу қор жиндек тинақолсайди. Бундоқ яйраб, деразага қарашга қўймайди-я! Майли, ёғавер, қор, ер сенга тўйса, эл тўйгани”. У киприкларини пир-пиратиб осмонга қаради. Бирдан юзларида қувонч учқунлари балқиди, тўлқинланиб бақириб юборди:

– Мен отаман! Эшитяпсанми, эй дунё! Менинг ўғлим бор, мен отаман!

Эшит, эй дунё! Сенинг бағрингга, яна бир одам келиб қўшилди. Бу одам йигирма биринчи аср бешигини тебратади. Унинг ҳаётбахш қони оқими зилол ирмоқлардай жилва қилиб, йигирма иккинчи, йигирма учинчи... асрга боради. Демак, унинг ҳаёти сира тўхтамайди. Ҳа, тўхтамайди!

Одилнинг кўз унгида бир чақалоқ пайдо бўлди. Унинг назарида қош-кўзи бамисоли уники. “Жилмайиши ҳам, табассуми ҳам уники. Қаранг, киприклари қуюқ, лаби ёқут!”... Одилнинг бу хитобидан чақалоқнинг “инга-инга”си қулоғига чалинди.

Отанинг ўзи ҳам беихтиёр “инга” деб юборди. Кейин ўзининг бу ҳолатига жилмайиб қўйди. Орқа томондан овоз келди.

– Ўғилми ёки қиз?

Ота орқасига ўгирилди. Рўпарасида эғнида қора эски камзул, бошидаги қулоқчиннинг иплари узилган сариқ телпакли, элик ёшдаги бир одам тишининг оқини кўрсатиб илжайиб турарди.

– Ўғил!

– Катта бўлса, ким бўларкин?

– Ким бўлса бўлсин, менга барибир. Фақат у одам бўлса бас.

– Тўғри айтасиз. Одам туғилишга туғилар экан-у одам бўлиши қийин экан. Мана, мени олинг, эҳ, нимасини айтасиз. Эҳтимол мен дунёга келганимда отам бир жаҳон қувонч лаззатини тотгандир. Аслида эса мен ким бўлдим? Учига чиққан ўғри. Текин пул топишга муккамдан кетдим. Қамокдан чиқиб келаяпман. Ҳозир мен озодман, қонуний озод. Аммо ўзим учун бир умр қамокдаман. Одамларнинг кўзларига қай юз билан қарайман? Беш йил ётиб чиқдим. Уйга келсам, хотиним бошқага турмушга чиқиб кетибди. Онам ҳам, отам ҳам, дунёдан ўтибдилар. Бир ўғлим бор эди, уни интернатга бериб юборибдилар. Интернати излаб-излаб, туғруқхонага келиб қолибман. Мен шу туғруқхона даргоҳида сиздай қувонч гаштини сурмаганимдан минг-минг пушаймонман. Сизга ҳавасим келади, ука.



Нотаниш киши чўнтагидан рўмолчасини олиб, кўз ёшларини артди. Оғир хўрсиниб, йўлида давом этди. Йигит унинг орқасидан тикилиб қолди. Шу пайт унинг қулоғига дераза ойнасининг “тиқ-тиқ”и эшитилди. Кетидан дарвоза қоровули – аёл бақирди.

– Ҳой, йигит, учинчи қаватга, деразага қара, ўглинг сени чақиряпти!

Йигит бошини кўтариб, ойнага қаради. Унинг кўзлари дераза орқасида чақалоғини кўтариб, жилмайиб турган Гулига тушди.

– Салом онаси, салом ўғлим!

О, одамлар, эшитаяпсизларми? Ота келажак авлод билан учрашмоқда. Эй шамол, озгина қаҳрингни тий, қор, бир нафас тиниб тур. Дарахтлар, бир он шовул-ламанг. Эй қуёш, бир дақиқа юзингни оч, оламга келган янги одамингга бир жилва билан боқ.

Эй, машҳур қўшиқчи, қани бир бор санъатингни кўрсат, инсон учун бутун умр азиз ва қадрдон бўлган “Алла” қўшиғингни бутун жаҳон эшитсин. Бу “Алла” дарёлар, тоғлар, денгизлар оша узоқ-узоқларга етиб борсин, бутун сайёрамиз узра янграсин.

Ота ниҳоят деразадан ўғлини кўрди.

Она “Мана ўғлингиз, менга ўхшамайди сира”, дея ишора қиларди.

Ота эса баралла овоз билан қичқирди:

– Нега энди сенга ўхшасин? Ўғил отасига ўхшайди-да. У менинг ўғлим!

О, ота, қалбингдаги бу қувонч бир умр сенга ҳамроҳ бўлсин.

САМИНЖОН СУЛТОНОВ

Фарғона вилояти Бағдод туманида туғилган (1932).

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида таҳсил олган. Узоқ йиллар давомида “Сирдарё ҳақиқати” ва “Адолат кўзгуси” газеталари таҳририятида фаолият олиб борган. 1982 йилда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига қабул қилинган. Унинг “Ленин йўриғи билан”, “Яна келдим, сени сўроқлаб”, “Фитна”, “Каъбангни вайрон айлама” номли китоблари чоп этилган.



2013 йилда вафот этган.

БОЛАГИНА

Бугун яна бир бола далага чиқди. Сочлари ўсиб қулоқларига тушган озғин, рангпар бу болани Адолат опа яхши танийди. Отаси шу қишлоқнинг биринчи тракторчиси эди. Ўтган йили урушга кетди. Талай маҳалдан бери на хат бор, на хабар. Хотини Саломатхон тўрт бола билан қолди. Каттаси шу Аҳмад энди ун бирга кирди. Қандай йигит эди отаси. Рўзгорлари ҳам гулдай эди. Бу уруш одамларнинг шодлигини



ҳам, давлатини ҳам олиб кетди. Мана бу бола бечора тушликка бериладиган бир чўмич ўмоқ деб далага чиқибди. Онаси шўрлик ҳеч бўлмаса ўзининг қорни тўяр деб юборган-да.

Шуларни ўйлаб Адолат опанинг юраги ачишиб кетди. Боланинг елкасида ўзидан катта кетмон, эски бўз белбоғига сопол коса боғлаб олибди. Одамлар тушликни еб, ишга туришаётган эди. Адолат опанима қилишини билмай қолди. Атала ҳам тугаган. Бола шўрликнинг кўзлари жавдирайди.

Адолат опанинг кўзи Анзиратга тушди. У хотинларни оғзига қаратиб овозининг бориचा шанғиллаб борарди. Боя у ўмоқ билан бугдой нон еб ўтирган эди. Зора бир-икки бурдаси қолган бўлса, Адолат опа шу ўй билан Анзиратни тўхтатди:

– Анави бола шўрлик оч, – деди у Аҳмадни кўрса-тиб, – нонинг бормиди? Шунга бергин. Қара мўлтиллаб туришини. Муштдай бола далага чиқибди.

Анзират голибона тиржайди. Кейин Адолат опани мазах қилишга ўтди:

– Шум етимга мунча ичинг ачийди?

– Ачинмай бўладими. Ёш, бемажол. Кел, берақол.

– Кўзингни ўйиб берсанг, сениям тўйғизаман, ейишингния! – деди Анзират баттар мазах қилиб. Адолат опа бу гапни аввал ҳазил деб ўйлади. Йўқ, чин экан унинг гаплари. Қўлларини белига қўйиб, қошларини чимириб, Адолат опадан жавоб кутиб турибди. Қани нима дер экан бу шартга анави етимпарвар хотин, бировга шопе бўлганча ўзининг қорнингни тўйғазсанг-чи, – Анзиратнинг гердайиб туриши шуларни эслатарди.

Адолат опанинг кўнгли чўқди. Бировлар урушда Ватан учун қон тўкиб, бировлар фронт орқасида жон

олиб, жон бериб ишляпти. Бу аёлнинг бўлса қорни тўқ, ғами йўқ. У бошқаларнинг дардини тушунмайди. Ўзгаларни ялинтиришдан, ўзи олдида тиз чўктиришдан ҳузур қилади. Мана ҳозир ҳам рақибининг аҳволдан кулаяпти. Афтидан, ҳў ўша ишларнинг қасосини олмоқчи.

Робия деган қиз қишлоқнинг олди қизларидан эди. Анзират уни келин қилмоқчи бўлиб юраркан. Лекин қиз унинг ўғлини хоҳламай Адолат опага келин бўлди. Шу шу Анзиратдан бунинг алами чиқмайди. Муроджон урушга кетганда “Ажаб бўлди. Мана энди эрсиз ўтираверади. Ким билади, хоҳлаб теккан суюклиси қайтиб келадими, йўқми?” деб дуч келган кишига валақлаган эди. Мана бугун Адолат опани тиз чўктирмоқчи, аччиқ-аччиқ гап айтиб унга наштар суқиб олмоқчи.

Уруш Анзиратлар оиласига давлат олиб келди. Иккала ўғли ҳам ёнида. Эри тегирмончи. Уйига қоп-қоп ун келади. Қозонида мой қайнайди.

Кўза синдирган азиз, сув кўтарган хор-у зор бўлиб турибди. Майли, давр келибди, суриб ол! – деди зарда билан Адолат опа.

– Ҳм, қимматроқ эканми? – сўради Анзират ғолибона тиржайиб. Адолат опа тутоқиб кетди:

– Нонинг бошингдан ордона қолсин. Шу гўдакка раҳминг келмадия. Тош экансан. Тош бўлганда ҳам юз урганда бир учқун чиқмайдиган совуқ тош экансан. Кўзимни ўйиб берар эмишман-а. Агар керак бўлса, бу кўзларимни сен нокасга эмас, мана бундақа беғуноҳ гўдакларга ўйиб бераман. Мен бу кўзларимни тинч кунларни кўришга сақлаяпман. Урушга кетган тўрт паҳлавонимни кўришга сақлаяпман.

– Эҳтимол, кўролмассан? – деди беҳаёлик билан

Анзират.

Адолат опанинг юраги шув этиб кетди. Кўз олди қоронғулашиб, қулоқлари битиб қолди. Совуқ гап унинг қалбига найза бўлиб санчилган эди. Томоғини бир нарса бўғиб, кўзларидан дув-дув ёш келди. Бироқ у дарров ҳушини йиғиб олди. Бу аёл бошқаларга қараганда анча дадил, қадди букилмас, мағрур эди. Йиғлашни, нолишни ёмон кўрар эди. Бироқ бу сафар ўзини тўхтатиб туролмади. Кўз ёшларини атрофидаги одамларга кўрсатмаслик учун рўмолини қошлари устига тушириб олди.

– Ҳавас қилсанг етарсан, ҳасад қилсанг кетарсан. Шундай гапни гапирган тилларинг кесилсин! – деди-да, кетмонини елкасига ташлаб иш томонга кетди. Бир неча аёлнинг унга раҳми келиб, Анзиратга нафрат билан қараб турарди. Аммо у ҳеч кимни писанд қилмас, рақибидан ўч олганидан хурсанд эди. Шу қувонч эвазига у эриб кетди. Кўзларини жовдиратиб, ҳайрон бўлиб турган Аҳмадни чақирди-да, унга бир бурда нон узатди:

– Ма, шумтака, захри-қумортқингга бос!

Бироқ Анзиратнинг қўллари узатилганича қолди. Аҳмад миннат билан берилган нонни олмади. Буни кузатиб турган хотинлар ҳайрон қолдилар. Мунча зукко бўлмаса, бу болагина. Муштдай боши билан ўзининг қадр-қимматини бир бурда нонга алмаштирмади-я. Отасига ўхшабди. Ишқилиб, Салоҳиддин эсон-омон келсин-да болаларининг бошига. Хотинлар ана шу гаплар билан ишга тарқалишди.

Адолат опа алаmidан хўрсиниб, кўз ёшларини тиёлмай борарди. Бир парча нон, бир чўмич ўмоқ учун кўзларини жавдиратиб, одамлардан нажот кутиб турган Аҳмад кўз олдидан нари кетмади. Қишлоқда бу-

нақа болалар озми? Қани энди уларнинг ҳаммасини боқиш учун Адолат опада мол-дунё бўлса. Йўқ. Унда чинакам она юраги, она шафқати, она муҳаббати бор холос.

Аллакимнинг жонсизгина томоқ қириши Адолат опанинг ҳаёлини бўлди. Орқасига ўтирилиб қараса Аҳмад унга эргашиб келяпти:

– Онанг ўргилсин! – деб юборди Адолат опа юрагининг аллақаеридир зирқираб. – Сен у беҳаёнинг гапларидан хафа бўлма, ўзи шунақа. Лекин қорнинг оч қолди-да, қандай қиламиз энди?

Бола индамади. Аёлнинг ёнига тушиб, метиндай қаттиқ бедапояга кетмон урди. Адолат опа унинг ишига кўз қирини ташлади. Аҳмад бутун кучини ишлатади. Аммо кетмон ерга ботмайди, осмонга сапчиб, унинг бутун гавдасини силкитади.

– Сен кетмонни қўй, мана бу томирларни теравер, – деди Адолат опа чопилган ерларни кўрсатиб, – мен икковимиз учун чопайин.

Шу пайт отлиқ киши кўринди. Оминахон бригадирни таниди шекилли, унга пешвоз чиқиб, ҳол-аҳвол сўради. Келган киши новча, қорачадан келган қотма эди. Устида қалин оқ сурп халат, бошида оқ кигиз қалпоқ. У одамлар билан қуюқ сўрашди. Адолат опалар ёнига келиб, Аҳмаднинг пешонасини силади:

– Сенларнинг кўча чангитиб юрадиган пайтинг, – деди номаълум одам, – қийин кунларга туғилган экансизлар. – Кейин нима учундир гапни бошқа ёққа бурди. – Мактабга ?

Бола ҳа дегандай бош ирғади:

– Биз қувноқ болалармиз.

“Очилган лолалармиз” деган қўшиқни биласанми?



– Овози жуда ширали, туппа-тузук ашула айтади, – деди Оминахон боладан олдин жавоб бериб.

– Ие, шунақами? – қизиқиб қолди меҳмон, – қани бир эшитайликчи? Қани, ўғлим қайси ашулани айта-сан?

Бола уялинқираб дам меҳмонга, дам Адолат опа билан Оминахонга қараб тураверди.

– Уялма, айтавер, – деди бригадир. – Бу киши бизнинг янги раисимиз бўладилар.

Бола ялт этиб раисга қаради. Шу ондаёқ ўзида ито-аткорлик, буйруқни бажариш заруратини сизди. Бирок унинг билган ашуласи кўп эди. Шунинг учун қайсисини айтишни билмай ўйланиб қолди. Раис шитоб билан ер чопиб, аҳён-аҳёнда “қани бошла, қулоғим сенда” деб қўярди. Ниҳоят, бола ингичка, майин овоз билан ашула бошлади:

Бир ишва билан жонон,
Девона қилиб кетдинг.
Ақлимни солиб ҳар ён,
Мастона қилиб кетдинг.

Кейин бошқасига ўтди. Бола ашулани анча баланд бошлади. Раис аллақачон ишдан тўхтаб, унга тикилиб қолганди. Ашуланинг авжи яқинлашганда унинг хавотири ортди. Боланинг овози етмай ўсал бўлиб қолади, деб ўйлаганди. Лекин овози ўткир экан. Авжи ҳам яхши чиқди. Ашулани тамомлаб, янгисига ўтди. Раис қойил қолган эди. Кейинги ашуланинг мазмуни уни ўйлантириб қўйди. Шунинг учун бу шеърни ким ёзганини суриштирди:

– Аям ёзган эдилар, – деди бола бир оз тортиниб. Кейин раис яна нима дер экан дегандек унга қаради.

– Даданг фронтдами?

– Бола ерга қаради ва бош ирғаб тасдиқ ифодасини билдирди. Раис чўнтагини кавлади. Битта йирик қоғоз пул чиқариб, болага узатди. – Ма ўғлим, бу ашуланг учун саргардон. Аянгга айтгин, ёрдам керак бўлса, менга учрашсин.

Аҳмад пулни олди. Бироқ у кўзларига ишонмас эди. Анча тараддуддан кейин уни белбоғининг учи-га маҳкамлаб боғлаб олди. Энди қорни очлиги ҳам унутилган. Фикр-у ёди тезроқ уйга бориб, ўз қувончини аяси Саломатхон билан бўлишмоқчи эди. Бола анча пишиқ бўлса ҳам, талай вақтдан бери бунақа пул кўрмаганидан энди бунга анча нарса сотиб оламиз деб ўйлар, қўлидаги эллик сўмликка фақат ярим кило зоғора ун келишини тушунмас эди. Аммо раис дарров режа тузиб қўйди. Ана шуни амалга оширмоқ учун бугун эллик сўмни қурбон ҳам қилди. Бола фақир буни қаёқдан билсин.

ҲАЛИМА МАЛИКОВА



Қапқадарё вилояти Деҳқонобод туманида таваллуд топган (1944). Самарқанд хотин-қизлар билим юртини, Самарқанд давлат университетининг филология факультетини тамомлаган. Узоқ йиллар Сирдарё туманидаги мактабларда она тили ва адабиёт фанидан дарс берган, Сирдарё Қишлоқ фуқаролар йиғинига раислик қилган.

18 ёшидан бадиий ижод билан шуғулланади. “Эзгу умид” (1986), “Наврўз” (1993), “Отам ёди” (1999), “Фориш қиссаси” (2004), “Лўли қизнинг бахти”, “Илк қалб қиссаси” (2007), “Сизни излайман” (2009), “Хазон бўлган келинчак”, “Наслларга ёғилган ёғду” (2012) китобларининг муаллифи.

ТАБИАТ СИРИ

(Воқеий ҳикоя)

Гўрдара Сафарота қишлоғининг ён томонида жойлашган. Унинг икки ёни тик тоғдан иборат бўлиб, бетакрор манзарасини, табиатини тасвирлаш учун ниҳоятда моҳир сўз устаси бўлиш керак, бошқа киши уни худди ўзидай тасвирлай олмайди. Ёзда, айти

саратон пайтида бошқа ерларда ўт-ўлан қовжираб, сарғайганда ҳам бу ерда арча, дўлана, турли буталар остидаги майсалар ям-яшил гиламдек бўлиб туради. Тошлар орасидан ҳар ер, ҳар ердан сизиб оқаётган булоқ сувлари иссиқда ҳам қўлингни музлатади. Бу ерда тўнғиз, олқор, бўри, тулки ва бошқа ҳайвонларни учратасиз.

Гўрдаралик Мамарайим ака бу ерларни яхши билди. Бошқача айтганда табиат билан уйғун яшайди. Ҳар гиёҳи, ҳайвоноти, набототи болалигидан таниш. Мамарайим ака қизиқ бир воқеани айтиб берди.

– Оталаримиз от боқишган, мен ҳам ўғлим ҳам шу йўлдан кетдик, – деб сўз бошлади у, – От боқишнинг ҳам ўзича гашти бор. Унинг қимизини айтмайсизми? Минг турли шифобахш ўт-ўланларни еб юрган бияларнинг қимизи минг дардга даво. Бир куни кечаси ухлаб ётган пайтимизда отларнинг дупури, безовта кишнашидан уйғониб кетдик. Ўғлим билан бирга милтиқни олиб, уюр томонга югурдик. Бир неча кундан бери итимиз касал бўлиб, укам ваъда қилган итни ҳали олиб келмаганди. Борсак, икки тойнинг қорни ёрилиб ётарди. Шу куни эрталаб ота-бола елкага милтиқни олиб йўлга тушдик. Гўрдарага етиб, ўғлимга нариги бетга ўтишини ва қийқириб, милтиқ отиб шу ердаги бўриларни қўзғотишини буюрдим. Ўзим эса тор йўлак четидаги тошнинг панасида ўқланган милтиқни шайлаб кутиб турдим. Агар мен турган томондан овоз қилсак ёки милтиқ отсак, ўғлим турган томонга юрган бўриларнинг у томондан турли ёқларга қочиб кетишига имкон бор. Агар у ёқдан овоз қилиб ҳайдаса, бу ёқда фақат шу йўлга, яъни бир томони тик чуқурлик, иккинчи томони эса ботқоқлик бўлган томонга юради. Бир пайт ўғлимнинг овозини, кейинроқ



милтиқнинг отилганини эшитдим. Бироздан кейин мен томонга келаётган учта бўрига кўзим тушди. Мен бирданига учтасига дуч келаман деб ўйламаган эдим. Биттаси чўнқайиб ўтирди, биттаси эса тап тортмай менга қараб кела бошлади. Шошиб тепкини босиб юбордим. Битта ўқ бошидан тегди шекилли, ағдарилиб тушди. Иккинчиси эса қочиб қутилди. Чўнқайиб ўтирган бўри ўқ овозидан кейин қочмоқчи бўлди, лекин орқа томондан теккан ўқдан ярадор бўлиб, гингшиганича кўздан ғойиб бўлди. Бу орада ўғлим ҳам келиб қолди. Ўғлим яқинроқ жойдан хуркитганлиги сабабли фақат бу йўлдан ҳозирги учтагина бўри ўтди. Ўғлим келиб ўлган бўрини ағдариб кўрди-да:

– Ота, бу бўри илгари ярадор бўлган экан, – деди. Ҳақиқатдан ҳам бўрининг олдинги оёғида илгари отилган ўқдан яралангани ва тузалгани шундоққина кўриниб турарди.

– Шунинг учун ҳам сизга қўрқмасдан ҳужум қилган, чунки унинг юрагида ўч сўнмаган. Бироздан кейин ёнимиздаги тошнинг нариги томонида осмонда тасқара қушнинг айланганини кўрдик. Биз тасқара қуш айланган жойга етиб келганимизда бу ерда ҳам икки бўрини кўрдик. Бўрилар бизни сезиб қочиш ўрнига тишларини ғижирлатиб бизларга қараб-қараб қўяр, лекин ўлжасини ташлаб кетмасди. Ота-бола милтиқ тепкисини олдинма-кейин босиб юбордик. Биттаси қочиб қутилди. Иккинчиси эса бир метрлар чамаси кўтарилиб тушди-да питирлаб-питирлаб жон берди. Кейин билсак иккимизнинг ўқимиз ҳам бир бўрига теккан бўлиб, бир неча ерини ўпириб кетган экан. Бўриларнинг ўлжасини кўздан кечирганимизда, тилка-пора қилинган кўзи бўлиб, фақат териси ва суяклари қолганди. Ота-бола бўрилардан ўчимизни



олиб, шундай пастга томон йўлга тушган ҳам эдик, ўғлим менинг тирсагимдан ушлаб тўхтатди.

– Ота, қаранг, ярадор бўри, – деб ботқоқликни кўрсатди.

Саксон-тўқсон қадамлар чамаси нарида, ботқоқ ичида биз отган урғочи ярадор бўри орқа оёғини белигача балчиққа ботирганича кўзларидан ваҳшийларча ўт чақнатиб инграниб турарди. Биз ҳайрон бўлиб қараб турдик. Бўри нега қочиб кетмаяпти? Нега ярим танасини балчиққа ботириб олган. Бўри балчиққа ботиб қолган десак, йўқ, унинг икки оёғи ерда турарди. Ярадор бўри ҳеч қачон, ҳеч кимни ва ҳеч нимани аямайди. Шунинг учун биз уни отиб ташладик. Қизиқиб бўрини тортиб олиб кўрдик. Ўқ теккан жойи балчиққа кўмилган бўлиб, балчиқ негадир илиқ эди.

Қисқаси, бўри сабаб бўлиб балчиқнинг шифобахшлигини билиб қолдик.

Сафаротага ҳар борганимда Мамарайим аканинг ҳикояси ёдимга тушаверади. Сабаби, бу ердаги Бирлашган сиҳатгоҳида ўша шифобахш балчиқдан фойдаланилади. Бир неча ўнлаб хасталикларга даво бўлувчи балчиқни эса одамлардан ҳам аввал бўрилар билган эди.



ЭЛМУРОД МАВЛОНОВ



Узоқ йиллар “Сирдарё ҳақиқати” газетаси таҳририятида фаолият кўрсатди. Ижодкорнинг қаламига мансуб “Чинор салобати”, “Садоқат”, “Соғинч”, “Меҳр ёғдуси”, “Орзулар қанотида яшаган инсон”, “Муҳаббатдан яралган дунё” сингари қиссалари, ҳажвий ҳикоялари ҳамда “Ҳаёт сабоқлари”

туркумидаги публицистик мақола ва очерклари мухлислари томонидан юқори баҳоланган. “Кўнгил қуёши”, “Ҳаёт завқи”, “Турналар учиб келаваради” деб номланган китоблари нашр этилган.

Журналист-адиб республика миқёсида ўтказилган кўрик-танловларда иштирок этиб, кўп марта совриндор бўлди. “Шуҳрат” медали соҳиби.

НИДО

Онандан бош товлама, ошмасин дарди,
Шараф тожи эрур оёгин гарди.

Абураҳмон ЖОМИЙ.

– Раҳматли отанг тез-тез тушимга кирадиган бўлиб қолди, Жамшиджон. Охирати обод бўлгурнинг



арвоҳи чирқиллаб туради-да. Тушимдаям, “Қачон неваралик бўласан?” дея чапани гап қилгани қилган.

Катта шаҳардаги олийгоҳда ўқиётган ёлғизгина нуридийдаси ҳар дам олиш куни келганида онаизор шунақа гапларни тез-тез такрорлаб, ўғлининг оғзидан гап пойлайдиган бўлиб қолди.

– Эҳ, ойижон... Мени ўқитаман деб, қийналиб ҳам кетдингиз, ўзиям. Худо хоҳласа, невараларингизни эркалатадиган кун ҳам келиб қолар!

– Илоҳим, айтганинг келсин, болам. Отанг ҳаёт бўлганида аллақачон ҳаракатини қиларди. Мендайин кўнглингга қараб ўтирмасди. Тўғрими?

Ўғлининг бўйи бастига маҳлиё бўлган онаизор ич-ичидан Яратганга шукроналар айтаркан, хаёлини гоҳ ўтмишнинг аччиқ-чучук хотиралари, гоҳ шу куннинг ширин орзулари чулғайди: “Отаси раҳматли қирқ ёшдан ошганда кўрган яккаю-ёлғиз фарзандининг дийдорига тўймай бу дунёдан ўтиб кетди-да! Ҳаёт бўлганида келбати худди ўзига ўхшаш ўғлидан қанчалар фахрланиб, аллақачон қишлоқнинг энг сара қизига уйлантириб қўйган бўларди”.

Олийгоҳни тугатган Жамшид шаҳардаги бир хусусий фирмада иш бошлади. Амалиётни шу жойда ўтказган кезде унга нисбатан ишончи ортган фирма раҳбарининг ўзи ишга таклиф этганди. Маоши тузуккина. Онаизор камхаржликдан қутулгандек бўлди. Унга энди ўғлини тезроқ уйлантириш ташвиши тинчлик бермасди, сира. Бир куни тоқати тоқ бўлиб, ўғли билан суҳбатда эски мавзунини бошлади:

– Болам, ҳамқишлоқ қариндошларнинг бириникига совчиликка бораёйин. Йўқ демагин!

Меҳрли нигоҳ билан ўғлига илтижоли тикилган она қишлоқдаги бўйи етган қизларни бир-бир тилга



олди. Кейин интиқ ҳолда ўғли оғзидан гап пойлади.

Бу сафар онасининг гапидан беихтиёр қизариб, энтиккан Жамшид бир ҳисобдан анча енгил тортди. Чунки ўзини анчадан буён қийнаб, айтолмай юрган гапларини онажонига тўкиб солиш мавриди келганди:

– Майли, ойижон! Фақат қишлоқда эмас, шаҳарга совчиликка борасиз.

Аввалига бир сесканиб тушган она ўзини қўлга оларкан, ўғлига майин жилмайиб боқди:

– Вой, хайрли иш учун дунёнинг нариги бурчагига десанг ҳам бораман, болам. Айтавер!

– Шу... Бошлиғимизнинг ёлғиз қизи бор.

Она “ялт” этиб ўғлига тикилди, кейин бир зум ўйга чўмиб, жимиб қолди. Хаёлини зўрға жамлаб олгач, ўғлига сўз қотди:

– Отасини бой-бадавлат, ўнлаб дўкони бор дейсан? Бунинг устига ёлғиз фарзанди экан. Бизнинг шароит... Ахир, тенг тенги билан, деган гап бор-а!

– Отасининг ўзи шуни хоҳлаяпти. Қизи ҳам эсли-ҳушли. Сизга, албатта, ёқиб қолади, ойижон.

Онаизорнинг рўйхушлик бермасдан бошқа иложи қолмаганди. Начора, ёшлар кўнглига ҳам қараш керак.

Қудалари ростдан ҳам очиқкўнгил, ширинсухан кишилар экан. Келин ҳам бинойидек. Ишхонаси ва уйдаги юмушларни ҳеч нолимасдан адо этади.

Эзгу орзулари ижобат бўлаётганидан боши кўкка етган онаизор ўзини дунёда энг бахти чопган, омадли кишилардан санаб, қувонч оғушида яшарди. Қудалари келиб қолгудек бўлса, ўзини қўйгани жой тополмай қолади, кўпинча. Қўшниларига эса дил қулфини очиб, мақтанишдан чарчамайди.

– Ишқилиб, охиридан суюнтирсин, худойим! Шу кунларга етганимга шукр, – дея қўшниларини оғзига қаратарди она. – Қаранг, қудаларим бирам ширинсўз, меҳрибонки, асти қўяверасиз. Келиним ҳам ота-онасига тортган экан. Келганига салкам бир йил бўлаяптики, юзимга тик боқиб, очик гаплашишдан ийманади. Келинчак деганининг бир ҳисобдан шундай камгап бўлгани ҳам яхши-да, қўшнижон!

Бахтидан масрур мунис онаизорга бутун борлиқ шод-хуррамликка чулғанганди, гўё. Шу боис келини кўнглидаги қуюқ ғуборни, безовта ўғлининг юраги эса нотинч эканини сезмасди ҳам.

Кейинги пайтда тамомила хомушланиб, тилининг учидаги гапни айтолмай, аросатда юрган Жамшид ахийри қимтиниб, онасига ёрилди:

– Биласизми, ойижон! Ҳалигидай... Муҳим бир гап чиқиб қолди-да.

Жамшид айтмоқчи бўлаётган ўша “муҳим” гапини қандай бошлашни билмай каловланарди.

– Тортинмай гапиравер, болам! Қандай гап экан, сени шунчалар безовта қилган.

– Шу... Шаҳарга кўчсак, нима дейсиз?

Дабдурустдан айтилган бу гап онани довдиратиб қўйди. Қулоқларига ишонқирамай ўғлига тикиларкан, уни саволга тутди:

– Нега, болам? Ота юртингга сиғмай қолдингми?

– Йўғ-е. Биласизми, анаву... Ҳамидага бу ерда муносиб иш топилаяпти. Қатнаб ишлаш менга-ям...

– Ҳим-м-м... Шундай дегин?

Бирдан тундлашиб қолган она ўғлига бошқа гапирмади. Нима дейишга ҳам лол эди, онаизор. Ўғли бемаврид, ноўрин гап қилганигини ҳис этиб, бу ҳақда бошқа оғиз очишга журъат қилолмасди.

Шу тариқа кунлар ортидан кунлар ўтаверди. Она энди қўшниларига чиқиб мақтанишни ҳам бас қилди. Кўпинча хонасида ёлғиз мунғайиб ўтираркан, хаёли узоқ-узоқларга олиб қочарди:

“Ҳар қарич жойи кўзига тўтиёдек табаррук бўлган, юраги меҳрини ўзига чирмовикдек чирмаб олган бу қадрдон гўшасини ташлаб кетишга қурби етармикан? Қолаверса, раҳматли эридан ёдгорлик бу хонадон, дов-дарахт ва ашёлардан кўз юмиб кетаолармикан? Лекин болажонларини ҳам тушуниши, кўнгилларига қараши керак-да! Ростдан ҳам қишлоқда буларга иш йўқ. Ҳар куни шаҳарга ишга қатнаш эса осонмас.

Майли, туғилиб ўсган қадрдон жойини ташлаб кетиш қанчалар қийин бўлмасин, фарзандлари бахтини, келажагини ўйлаб, шаҳарга кўчишга рози. Фақат бунга ўзини руҳан тайёрлаш учун озгина фурсат керак. Болалари шунга сабр-тоқат қилолармикан?”

Ўшандан бошлаб келин-куёв ўртасидаги илиқ муносабатга соя тушгандек эди. Орада аввал ими-жимиди, кейинчалик ошкора ғиди-биди чиқадиган бўлиб қолди. Жамшид бора-бора уйга кеч қайтадиган, баъзан ширкайф бўлиб келадиган қилиқ чиқарди.

Шундай кунларининг бирида келиннинг тоқати тоқ бўлиб, заҳарханда қилди:

– Сичқон сиғмас инига, ғалвир боғлар думига. Ўтириши каталакдек уйча-ю, яна ичадиган одат чиқарибди, бу киши!

Жамшид индамай қўл силтаб ичкарига кирди-ю, диванга чўзилди. Сал ўзига келгач, хотини ҳозиргина айтган гапларни хаёлидан ўтказиб, беихтиёр ғижина бошлади. “Менга заҳрини сочишни ўрганаппти-я. Кўрсатиб қўяман сенга...” У ўрнидан зўрға турди. Чайқала-чайқала идиш-товоқ юваётган хотинининг

тепасига келиб удагайлади:

– Ҳей! Биз ҳали сичқон бўлиб қолдикми?

Ғам-алам утида қоврилиб турган Ҳамида ҳам бўш келмай портлади:

– Менга “ҳей” деманг! Ота-онам қўйган исмим бор. Ўқимишли эмиш яна...

– Каталакдек уйим ёқмай қолган бўлса, боравер, ўша ота-онанг саройига!

– Кетсам, кетавераман! Бари жуда-ям жонга тегди. Сизда субут бўлса экан. Мени ҳам, дадам билан ойим-ни ҳам алдадингиз!

– Ҳа! Ҳаммангни “Шаҳарга кўчиб келаман!” деб ишонтирганман. Шунинг ҳадеб юзимга солиб, тилимни қисмоқчимисан? Агар ўшанда гапингга кириб, ичкуёв бўлганимда эшак қилиб минармидинг. Шундайми? Ҳе, сендақа таннозинг...

Жамшид беихтиёр юқори кўтаришган муштини зўрға тийиб қолди. Барибир, қандайдир ҳақоратомуз гап қилди-да, кейин “сен тушунмайсан” дегандек, қўл силтаб, гандираклаганича нари кетди.

Ҳамиданинг баттар хўрлиги келди. Хонасига кириб ўксиб-ўксиб йиғлади. Олам тор кўриниб кетди кўзига. Айниқса, дунёда еру кўкка ишонмайдиган энг азиз кишисининг ичкиликка рўжу қўйиб, келажаги бетайин кимсаларга ўхшаб қолаётганидан юрак-бағри тамомила идираб кетди.

Келиннинг орзу-умидлари саробга айлангандек бўлди, гўё. Қишлоқдаги ҳаёти зимистондек туюлиб, баттар талвасага тушди. Вужудини қалтироқ босди.

Ғам-ғусса тафтида жизғанак бўлаётган аламзада Ҳамида ўзини бошқаролмай қолди. Ҳатто қўлига илинган нарсани нималигини тасаввур этолмайдиган даражадаги руҳий ҳолатда эди, шу дамда.



Меҳмонхонадаги диванга бош қўйиб эндигина пинакка кетган Жамшид қандайдир бўғиқ овоздан чўчиб уйғонди. Шошиб ётоқхонага кирди. Кирди-ю, кайфи учиб, даҳшатдан тили калимага келмай қолди. Не кўз билан кўрсинки, хотини юзлари кўкимтир ҳолда чалқанча ётар, кўзлари чала юмуқ, оғзида кўпик. Ёнида таблеткали дори идиши...

Тамомила ўзини йўқотиб, довдираб қолган Жамшид жон ҳолатда хотинига талпинди. Унинг қўллари ушлаб, юзига босди, юрагига қулоқ тутди. Бу хатти-ҳаракатларини нима учун қилаётганини тушунмасди ҳам. Хотини жисмида ҳаётдан асар йўқдек туюлиб, Жамшиднинг вужуди музлаб кетди. Ўпкаси тўлиб, бор овозда нола қилди.

– Ҳамида! Нима қилиб қўйдинг?! Ойи, бормисиз? Буёққа қаранг! Келинингиз...

Бир зумда қўни-қўшнилар йиғилди. Ғала-ғовур кўтарилди. Кимдир “Тез ёрдам”га қўнғироқ қилишга шошилди. Жамшид худди телбалардек у ёқдан бу ёққа талвасаланарди. Тиз чўкканича келинининг оёқларини уқалаётган онаси эса зорланиб кўз ёши қиларди:

– Эҳ, болам? Пешонам шўр экан! Ёлғизгина келин ҳам сиғмади ғариб кулбамга. Бизни қақшатиб кетма! Ҳаммасига мен шўрпешона сабабчи! Ахир, ўшанда кўнақолсам бўлмасмиди?!

Ҳамида шифохонада ўзига келди. Кўп таблетка ютиб, заҳарланган экан.

Бир кечада сочларига оқ оралаган Жамшид шифохона остонасидан нари кетмай қўйди. Ғам чекиб, ўз ёғига ўзи қоврулди. Ҳамидадан ажраб қолиш ўзи учун даҳшатли фожеа эканлигини шундагина ҳис этди. Онажониси аҳволига ҳам жуда ачинди.

Шу кундан бошлаб она икки ўт орасида, узукун ўй суради. Ўғли ва келини ўртасидаги можарога ўзини айбдор ҳисоблаб, баттар эзилади. Ахийри, чидай олмади. Ўғлини ёнига ўтқазиб, синиқ оҳангда секин сўз бошлади:

– Майли, мен розиман, чироғим. Шаҳарга кўчиш керак. Тезроқ. Ростдан ҳам бу ерда сенларга мос иш йўқ. Бунини тушунмаган эканман.

Жамшиднинг юраги гупуриб кетди. Томоғини ҳиқичоқ қамраб, бир зум гапиролмай қолди. Зўрға ўзини қўлга олгач, секингина шивирлади.

– Ойижон, ҳозирча биз қатнаб ишлаб турамыз.

Энтиккан онаизор ўғлининг елкасини меҳр билан сийпаларкан, нечундир беихтиёр киприклари орасида ёш қалқиб, овози титраб кетди:

– Йўқ! Онанг қоқиндиқ, ундай демагин. Сен ҳам менга ўхшаб эскича фикрлама. Қаерда яшасанг ҳам майли, фақат тинч бўлинглар.

– Унда... Сиз ҳам бирга кетасиз!

– Вой, болагинам-ей! Менинг сенлардан бошқа кимим бор. Сенлардан ажраб қаерда қолардим. Ахир, ўлигим ҳам, тиригим ҳам сенларники-ку!

– Мана, бу – кўнглимдаги гап!

– Фақат боғимиздаги олмалар пишсин. Йиғиштириб олгач, ортларингдан албатта, етиб бораман. Қолаверса, шаҳардан ҳали тузукроқ уй топиш ҳам мушкул.

– Юрагимни ғаш қилманг, ойижон. Ҳозирдан бирга кетасиз. Олмани йиғиштириб олиш фақат сизга қолмас! Уйдан эса ғам еманг. Ҳамиданинг отаси олиб бермоқчи. Қарздан секин-аста қутуламиз.

Маъюс нигоҳли она яна меҳр билан ўғлининг кўзига тикилди. Кейин бош ирғаб розилик билдирди.



Жамшид хурсандчилик оғушида эди. У қувончини ичига сиғдиролмай, кечгача ўзи ёқтирган ашуласини ҳиргойи қилиб юрди.

Она кечқурун ўғли ва келини турадиган хонанинг деразаси олдидан ўтаркан, уларнинг нима ҳақдадир келишолмай минғирлашаётганлари қулоғига чалинди. Беихтиёр жойида тик туриб қолди.

– Ахир, ўзлари шу ерда қоламан дебдилар-ку, – зарда билан тўнғилларди Ҳамида, – Яхши эмасми? Қишлоқдаги уйимиз ҳам қаровсиз қолмайди.

– Ҳой, сен ўйлаб гапираяпсанми? Онасини ташлаб қўядиган бетавфиқ эмасман!

– Ўзи доимо шунақасиз, мени ҳеч тушунмайсиз. Ёки атайлаб шундай қиласиз! Шундайми?

– Одамлар нима дейди, ахир! Бунга тушунасанми? Мени еру кўкка ишонмай вояга етказган ойижонимни ташлаб кетмайман! Тушундингми?

– Оғзига кучи етмаганлар билан нима ишингиз бор. Кейин онангизни тамомила ташлаб кетмаймиз-ку! Тез-тез хабар олиб турамиз.

Ҳамиданинг овози бирдан мулойимлашиб, ноз-истигноли оҳангда гапида давом этди:

– Жамшид ака...

– Бўлди! Кампир “ўламан” деб қўрқитганидек, яна каппалаб дори ютиб, гапингни ўтказмоқчимисан.

– Ҳадеб юзимга солаверманг, ўша воқеани. Нима жин урди ўшанда, билмайман. Роса афсусдаман. Қолаверса, ўшанда садоқатингизни синаб кўрмоқчи ҳам бўлгандим, билсангиз.

– Ҳе, сенинг синовларингдан ўргилдим!

Гап пойлагани учун ўзини айбдордек ҳис этган она карахт ҳолга тушиб қолди. Ўғли ва келинининг бошқа гапларини эшита олмади ҳам. Вужудини қамраётган

оғриқдан боши айланиб, кўз олди қоронғилашди. Оёқларидан мадор кетди. Зўрға ўз хонасига келди-ю, аранг ўрнига чўзилди.

Лекин кечаси билан тузукроқ ухлолмади. Ҳар хил туш кўриб, босинқираб чиқди. Тушида ҳадеб эрининг кулимсираб турувчи қийик кўзлари, қориндор жуссаси кўринар ва у худди “Ҳой, онаси, бизнинг Жамшид-шер қандай, мендайин оловми ёки ўзингга ўхшаган мулойимми? Уни ўкситмагин!” деяётгандек бўларди.

Она учун тун жуда чўзилиб кетди. Эрталаб беҳол уйғонди, боши зирқираб оғрир, кўнгли эса гаш эди. У ўрнидан туриб, хонанинг деразаларини ланг очди. Димоғига урилган субҳидам ҳавосидан ютоқиб нафас оларкан, симобранг осмонга ўйчан тикилганича ҳаёлга чўмди: “Эҳ, раҳматли эри иккаласи шу ҳовлини барпо этганларига ҳам қирқ беш йилдан ошибди. Келинчак эди ўшанда. Уй қурилишида эрига қўшилиб қанчалар куйиб-пишгани ҳамон ёдида. Айниқса, бир-галикда томорқага дарахт кўчатлари ўтқазганлари... Нақадар мароқли дамлар эди-я! Кўз очиб-юмгунча ўтди-кетди.

Улар болага интиқ бўла-бўла, ахийри, ёшлари қирқдан ошганда кўрган ягона фарзандлари – Жамшид бўлди. Нуридийдаси эндигина беш ёшга тўлганида эри тўсатдан қазо қилиб, тул қолган муштипар онаизор ҳам кўз қорачиғи, ҳам ишонган суянчиғи бўлиб қолган ўғлини еру-кўкка ишонмайди. Ишқилиб, қаерда, қандай яшаса-ям, Яратганинг паноҳида доимо соғ-омон, бахти бекам бўлсин!”

Хаёлини йиғиб олган мунис она беихтиёр эрининг деворга осиглиқ турган ойнаванд рамкали расминини қўлига олиб, рўмолининг учи билан чангларини артди. У расмга бир зум тикилиб қолди. Кейин авайлаб



жойига илиб қўйгач, беихтиёр пичирлаб дуо ўқиди.

– Ойижон, намунача шаштингиз йўқ. Рангингиз оқариб кетибди. Тобингиз қочдимми? – хавотирланиб сўради ўғли нонушта пайти.

– Йўғ-е, бирор марта онангнинг касал бўлганини кўрганмисан, болам? Мендан дард ҳам хайиқади, -ўзини бардам кўрсатиш учун жилмайди она. – Хўш, бугун кўчиладими, Жамшиджон?

– Тушга яқин юк машина олиб келаман. Унгача Ҳамидахон девзира гуручдан боплаб ош дамласин. Ахир, қўшнилари чақириб, оқ фотиҳасини олиш ҳам керак-да. Тўғрими, ойижон! Қиёматли қўшнилардан ҳеч ёмонлик кўрганимиз йўқ. Аҳил яшадик.

Қовоғи уюлиб, тумтайганича зимдан гоҳ эрига, гоҳ қайнонасига кўз қирини ташлаб ўтирган Ҳамида индамай ўрнидан турди.

Она ҳеч нарса сезмагандек:

– Болам, мен ҳар томонлама ўйлаб кўрдим. Боғдаги олмани териб олмагунча шу ерда қолганим маъқул, – деди секингина қатъий оҳангда.

У “отангни тез-тез тушимда кўраяпман. Хонадон чироғи ўчиб, арвоҳи чирқиллаб қолмасин” демоқчи бўлди-ю, лекин индамай қўяқолди.

– Ие, кеча келишган эдик-ку, ойижон! – Жамшид бутун вужуди титраб онасига боқди.

Хонадан чиқаётган Ҳамида жойида таққа тўхтади. Беихтиёр, қайнонасига тикилиб, тундлашган чехраси бирдан ёришиб кетгандек бўлди. Дилида учқунлаган қувончини билдирмаслик учун қошларини чимириб, қайнонасига юзланди:

– Вой, бирга юраверинг, ойижон! Ёлғиз ўзингиз бир уйда қолиб, нима қиласиз?

Она кўнглида шу дам нималар кечаётгани фақат

ўзига аён эди. У ўғли ва келини ҳолатига эътибор ҳам бермай, паришон ҳолда деди:

– Бошқа илож йўқ. Вақти-соати келиб, кейинроқ олиб кетарсанлар.

Унинг юрагига бошқа гап сигмади ҳам. У бутун вужудини кемираётган ички оғир дардни, армонли ҳасратини сездирмаслик учун хонасига кириб кетди.

Онани кўндириб бўлмади. У болаларини кузатгач, ёлғиз, “хўнг-хўнг” кўз ёши тўкди. Эвоҳ, даҳшат!

Куз тугаб, боғдаги олмалар териб олинди ҳам. Бироқ она қишлоқдан кетишга унамасди. Фасллар алмашиб яна куз келди, йил ортидан йил келди. Ҳамон онаизор ҳар хил ваз кўрсатиб, раҳматли умр йўлдоши қадами теккан хонадонни тарк этгиси келмасди. Гўё, бу ердаги ҳар бир гиёҳ ҳам келинлик даврини эслатиб турувчи ёдгорликдек табаррук эди унга. У ўғлини:

– Қачон неварали бўлсам, ўшанда уйингга кўчиб бораман, – деб юпатарди фақат.

Қудалари ҳам онани ўз фикридан қайтаролмади.

Қайнотасининг тижорат ишларини бошқараётган Жамшид савдо-сотиққа тамомила шўнгиб кетди.

Тижорат иши беадад уммонга ўхшайди. Бу сеҳрли уммон гирдобига тушган баъзи киши жарақ-жарақ мол-дунёга ҳирс қўйиб, шу соҳа бандисига айланади-қолади. Жамшид ҳам ана шундай ҳолга тушганди.

Савдо-сотиқнинг ҳадисини олган қайнотаси эса Жамшиднинг қулоғига бир гапни уққани уққан:

– Пул пулни топади, куёв! Бу соҳада тежамкор, уқувли, вақти келганда меҳри қаттиқ бўлмасангиз, касодга учрайсиз. Топаётган мол-дунёмизнинг барчаси ёлғиз қизим билан сизга қолади, билсангиз!

Бу насиҳатомуз гаплар Жамшиднинг вужуди-ю,



онг-шуурини чирмовикдек чирмаб, билиб-билмай бойликка муккасидан кетаётганини сезмасди. Беғубор қалб шишаси эса хира тортиб, меҳр-оқибат булоғи кўмилиб бораётганди, гўё.

Оқибатда, Жамшид инсоний хислатлардан мосуво бўлиб, вужудини ёлқинлантириб тургувчи табаррук туйғулар аста-секин сўниб бораётганди. У бу мудҳиш разолат эканлигини ҳис этадиган ҳолатда эмасди.

Фақат ҳар сафар қишлоққа келиб, онаси билан дийдорлашганида қалбидаги одамийлик чашмаси яна қайта кўз очиб, меҳри товланиб кетарди.

– Ойижон, бир уйда ёлғиз ўзингиз қийналиб ҳам кетдингиз-да, жуда-ям!

– Нега, болам. Холанг хабар олиб турибди. Унинг бешинчи синфда ўқийдиган невараси Ҳалима кеча-ю кундуз мен билан бирга.

Онасининг бепарвогина тарзда айтган бу гапи Жамшиднинг юрак-бағрини эзиб, ўртангириб юборди. Бехосдан томоғини ҳиқичоқ тутди. Хўрлиги келиб, ҳўнграб юборишдан ўзини зўрға тийди. Намланган кўзларини ерга қадаб, юрак-бағри эзилган ҳолда яна секингина сўради:

– Ҳалима сизга сунячиқ бўлаяптими, ахир?

– Ҳа. Жуда уқувли. Унинг тайёрлаган овқатлари шундай мазали-ки! Барака топгур! Худо хоҳласа, бир оиланинг фариштали келини бўлади.

– Яхши овқатланиб юринг-а, ойижон! Кўнглингиз нимани тусаса, айтинг, етказиб тураман.

– Худога шукур, ҳамма нарса етарли. Сен ўзингни асраб юргин, чироғим!

Қани, муштипар она шу дамда кемтик қалбини зиркиратаётган “Фақат сенинг дийдору, меҳрингга тўйиб юрсам бас! Шу менга катта бахт!” деган илти-

жоли сўзларини айтишга журъат тополса. Йўқ, айтолмайди. Чунки болажонининг қалбини баттар жа-роҳатлашни истамайди, ҳеч қачон.

Авваллари онасидан тез-тез хабар олиб турмаса, кўнгли жойига тушмайдиган Жамшид энди қишлоққа тобора камқатнов бўлиб қолганди. Келса ҳам фикри-зикри савдодаги турли муаммолар билан чувалашиб, қишлоқда кўп туrolмасди, сира.

Хорижга сафарга кетиши олдида ҳам шундай бўлди. Онаси билан хайрлашгани келган Жамшид ҳолаҳвол сўрашди-ю, шошилиш ишлари борлигини баҳона қилиб, чойга ҳам қарамасдан шаҳарга қайтишга отланди. Онаизорнинг юраги ҳаприқиб, меҳр билан ўғлига тикилди.

– Ўзга юртларда эҳтиёт бўлгин-а, Жамшиджон!

– Хавотир олаверманг, ойижон! Сиз ўзингизни авайланг! Ҳаммаси яхши бўлади.

– Яхши бориб кел, онанг қоқиндиқ!

Жигарбанди дийдорига тўёлмаган онаизор ўзидан узоқлашаётган ўғлининг машинаси ортидан маъюс кўзларини узолмай, мунғайганича беҳол пичирлади:

– Бахтимга омон бўл, болажоним! Ҳеч кимдан кам бўлмагин. Аллоҳим доимо паноҳида асраб, умрингга, ишингга барака берсин! Айтганингдек, омад ҳамиша ҳамроҳинг бўлсин...

Онасининг хомуш қиёфаси, жовдираган нигоҳлари кўз олдидан нари кетмай, юраги ғашланиб юрган Жамшид орадан кўп вақт ўтмай ўз ҳолига қайтди. Яна кундалик ишларга шўнғиб кетди.

Тижорат ишлари бўйича хорижда сафарда юрган Жамшид билан қайнотаси қўл телефонда хабарлашди:

– Ишларингиз қандай кетаяпти?



– Ҳаммаси жойида. Иш режадагидек. Эрта-индин ҳамкорлар билан жуда фойдали шартнома тузаман.

– Яхши, баракалла! Иш ҳал бўлиши биланок қайтинг. Онангиз сал бетоб экан.

– Нега?! Нима қилди!

– Хавотирланманг, биз хабар олиб турамиз.

Бошқа пайт бўлганида Жамшид шу заҳотиёқ уйга, онажони ёнига учган бўларди. Лекин ҳозир ҳамкорлар билан шартномани имзоламай қайтса, анчагина молиявий фойдани бой бериши мумкинлигини ўйлаб, аросатда қолди.

Онажонига илҳақ бўлса-да, Жамшид ноилож яна уч кун ушланиб қолди. Ўтаётган ҳар дақиқа гуё, минг йилга чўзилиб кетаётгандек эди, назарида.

Қишлоқдаги уйларига етиб келганида қайнотаси, хотини ва ён қўшнилари ҳовлидаги сўрида кўриб Жамшиднинг юраги баттар шувиллаб кетди. Минг хил хавотирли ўйда, ҳеч кимга эътибор ҳам бермай, онаси ётган хонага талпинди.

– Ойижон, кўзингизни очинг, мен келдим! Қаранг, ойижон! Ҳаммаси яхши бўлади, дегандим-ку...

Бемор ёнидан жилмай ўтирган холаси эндигина етиб келган Жамшиднинг елкасидан қучиб зорланди:

– Қаерларда юрибсан, Жамшид? Эртароқ келсанг бўлмасмиди, холанг айлангур! Мана, бир кечада онанг хазон бўлди-қолди. Ҳушини йўқотгунча йўлингга интиқ бўлиб ётди, бечора!

Ўғил нидоси она юзига қон югуртиргандек бўлди. У лабларини билинар-билинемас қимтиди, сўнг зўрға кўзини очди. Тепасида нола қилиб турган фарзанди сиймоси кўз ўнгида зўрға гавдаланиб, унга талпинди:

– К-кел-дингми, б-болам!? – дея олди онаси энтикиб-энтикиб нафас оларкан.

Ҳаётга тўймаётгандек жовдираб, энтиккан онаизор ўғлини бағрига босиб, қучмоқчи бўлди:

– Бо-ла-гинам! Яхшимисан? Ро-зи-ман...

Фарзандига яна нимадир демоқчи бўлган онанинг бошқа гапиришга мажоли етмади. Хира тортган нурсиз кўзларини зулмат қамрай бошлади.

– Ойижон! Мени ташлаб кетманг!

Жигаргўшасининг юрагидан отилиб чиққан нола онаизор қулоғига элас-элас чалинди, бироқ кўзини бошқа очолмади.

Умри бўйи турмуш ташвишларини елкасида опичлаб, бор меҳр-муҳаббатини, ҳатто ширин жонини ёлғиз фарзандига бахшида қилиб яшаган мушфик она бу оламни тарк этди. Нуридийдасига айтолмаган сўнги гаплари, ушалмаган орзу-умидлари, ҳаётлик чоғида қалбини кемирган ҳасрат-у армонлари ўзи билан бирга мангуга кетди.

* * *

Қишлоқнинг кун ботиш томонидаги сайхонликка кўркам тепалик туташиб кетган. Атрофи сим панжара билан ўралиб, дарвозаси пештоқига ўроқсимон ой шакли ва араб алифбосидаги сўзлар битилган қабристон ҳам шу тепаликда.

Хазонрезги куз фасли бу жойларга ҳам ўз ҳукминини ўтказган. Яқиндагина денгиздек мавжланиб кўзни яшнатган ям-яшил майсалар-у баҳсма-баҳслашиб кўкка бўй чўзган қўштерак барглари ҳам сарғая бошлаган. Бу хазонрезги кунлар яқинлигидан дарак.

Осмонда кўкимтир булутлар. Секин эсаётган субҳидам сабоси баданни жунжиктиради. Шундай дамда тупроғи ҳали селгимаган қабр пойида бир йиғит тиз чўккан. Кўзида ёш шашқатор, намхуш тупроқ-



ни чангаллаганича чуқур-чуқур хўрсиниб ўксийди. Бу ўксик, ҳазин ноладан юракни тарс ёрадиган куйиниш, аламли дард, аччиқ ҳасрат нидоси таралиб, теварак-атрофни ўз домига тортгандек бўлади, гўё.

Ҳайҳот, нақадар мунгли, қайғули кўнгли нидоси.

Ингроқли оҳу-зори, мунгли нидоси субҳидамнинг сокин тинчини бузаётган, бу – Жамшид. У бу дунёда ҳамма нарса ўткинчи, юракка яқин кишилар ғанимат эканлигини чуқурроқ ҳис эта бошлагани сайин баттар эзилиб, қайғуради. Кўз ёшини тиёлмайди.

Куз ҳавоси – беқарор. Бир зумда айнаиди-қолди. Секин-аста совиётган ҳаво этни жунжиктира бошлади. Ҳозиргина шабада эпкинидан қанот боғлаб, у ёқдан бу ёққа учаётган терак япроқлари ҳавода бир муддат муаллақ турди-да, кейин хазон бўлганига тан бергандек ерга шўнғий бошлади.

Шу маҳал бошдан-оёқ қора кийинган хушрўйгина жувон Жамшиднинг ёнидан жой олиб, қўлидаги гулдастани қабр устига авайлабгина қўяркан:

– Кечиринг, – деб пичирлади дув-дув оқаётган кўз ёшларини ҳам артмай, изтироб-ла оғир хўрсиниб.

Ким билсин, бу жувон армонли ўкинч гирдобида ич-ичидан эзилаётган Жамшиддан кечирим сўради-ми ёки замин қўйнида мангу уйқуга кетган онаизор руҳидан? Бу фақат ўзига аён!

Қайғу гирдобида руҳан эзилган Жамшид эса ёнида турган мотамсаро Ҳамидани ҳам, шитирлаб ёғаётган ёмғирни ҳам сезмасди. Бутун вужуди армонли ҳасратдан титраб, борлиқ бўм-бўшдек туюларди.

Энди бетиним ёғаётган ёмғирга беписанд елка тутиб турган икки тан вужудини бир хил армон азоби зирқиратиб, қалбдан ҳазин ноладек сизиб чиқарди:

– Ғаниматим, онажон! Сизни қайдан топаман...

МУҲАММАДАЛИ АҲМАД

Боёвут туманида таваллуд топган (1951 йил 2 октябрь). Сирдарё давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетини тугатган.

Ҳикоялари “Сирдарё мавжлари” тўплами, “Шарқ юлдузи” журнали ҳамда “Сирдарё ҳақиқати” газетларида босилган. “Ёсуман” қиссаси “Сирдарё ҳақиқати” газетасида давомли тарзда эълон қилинган. Айни чоқда “Янги Сирдарё” газетасида бўлим мудир вазифасида хизмат қилади.



ПОЛВОН

(ҳикоя)

(Жияним Фахриддин полвонга бағишладим)

Кураш қизигандан қизиб борарди. Сайхонликнинг икки томонини энлаб олган издиҳомнинг урҳо-урҳоси узоқ-узоқларда акс-садо берарди. Шу пайт ўртани бошқариб бораётган жарчи-ҳакам Анорқул полвон қўлларини осмонга кўтариб, одамлар диққатини ўзига тортди.



– Одамлар, ҳо, одамлар, эшитмадим деманглар! Қайирмалик Тўхтасин полвон фарзанд кутаётган экан. Кўпчилиكنинг дуоси кўл; бир дуо берсин, деяпти. Ўғилли бўлсам, келаси йил катта курашли тўй қилиб бераман, дея ният қилмоқда. Қани, қўллари-мизни дуога очиб шу биродаримизга тилак билдирайлик. Илоё, келинимиз эсон-омон бўшаниб, фарзандини соғ-саломат қўлга олсин. Тўхтасин полвонга муносиб новча дунёга келсин!

Атроф-жонибдан: “Оми-и-ин!” деган гулдурос садолар эшитилди. Тўхтасин полвоннинг қулоғига бу калима “Ўғил!” деган сўз бўлиб кирди. Беихтиёр миждаларига милтиллаб ёш келди.

– Худога шукр, одамлардан кам жойим йўқ. Барчин келбатли олти қизим бор. Бари қўярга жой тополмайди. Бири қўлимга сув қўйса, иккинчиси тагимга саккиз қават қилиб кўрпача тўшайди. Бироқ мана бундай давраларда ўрнимни оладиган ўғлим йўқ. Аёлим Хайринисонинг ҳам ҳар дарди ичида. “Сизга кўчқордек бир ўғил туғиб бермасам, дардим ичимда кетади”, – дея бойига далда бергани берган. Аёлининг ойи-куни яқин. Кун кеча шифохонага олиб кетишди. Ишқилиб, Яратган Эгам юзимни ёруғ қилсин-да!

Тўхтасин полвон ўртада “сендан мен камми”, деб тирлашаётган полвонларни ҳам унутиб хаёлга чўмди.

– Ҳалол, ҳалол! Қайирмалик Сайфиддин полвон долиёнлик Мансур полвоннинг елкасини ер искатди. Солимни келтиринглар! – Ҳакамнинг овозасидан кейин атрофни қичқириқлар босиб кетди. Тўхтасин полвон одамларнинг урхо-урҳосидан ўзига келди.

– Ғолиб полвонни даврага етакланг! – деди оппоқ соқоллари кўксига тушган отахон. Ёрдамчи ҳакам Сайфиддин полвонни белбоғидан ушлаб давра ора-



латди. Бир пасда чорси белбоғ пулга тўлди. Бир чеккада паришонхотир бўлиб турган Тўхтасин полвон даврага югуриб тушди. Сайфиддин полвонни белидан маҳкам қисиб, даст кўтарди.

– Раҳмат, полвон ўғлим! – дея қўлига бир қисим пул тутқазди.

Кураш авж нуқтасига чиқиб борарди. Кучли полвонлар теришиб қолган. Тўхтасин полвоннинг ҳаёли паришон; чуқур ўйлар гирдобида авжи йигитлик дамларини эсларди. Узоқ йили Қайирмада Наврўз байрамига катта сайил бўлди. Энг кучли полвонлар Тожикистону Қирғизистондан гала-гала бўлиб оқиб келаверди. Тўхтасин полвон ҳар гал кураш охирида майдонга тушарди. Қайирмаликлар, Тўхтасин полвонга ишонишарди. Чунки у бир неча маротаба қишлоқнинг орини сақлаб қолган эди-да! Ушанда ҳам шундай бўлди. Қирғизистонлик Абдурахмон полвон бирин-кетин рақибларини тутдай тўқди. Тўхтасин полвон унинг айёрлик билан кураш тушишини зимдан кузатиб турган эди. Абдурахмон полвон рақибни даст кўтарган заҳоти икки оёғини тиззаларидан букиб унга бамисоли мушукдек ёпишиб оларди. Рақибни, энди тамом бўлдинг, деб айлангириб ташлаётганида, оёқларини ерга тираб чапараста қилиб ташларди.

– Абдурахмон полвон билан олишадиган мард бўлса даврага чиқсин. Солимга бир той, беш юз минг сўм пул қўйилди! – овоза қилди ўртадаги ҳакам. Даврани қичқириқлар босиб кетди. Қайирмаликларнинг минглаб кўзлари Тўхтасин полвонга қадалди. Алпомишдай чордона қуриб ўтирган полвон аста ўрнидан қўзғалди. Оппоқ соқолларини ел ўйнаётган оксоқолларга юзланиб имдод сўради.

– Омин, Оллоҳ ёр, пирлар мададкор бўлсин! – де-

ган жўровоз эшитилди даврадан.

Тўхтасин полвон даврага худди хаста одамлардек эгилиб-букилиб чиқиб келди. Полвонларда ўзи шундай одат бор. Кўз тегмасин, дея ўртага чиқаётганда куч ёғилиб турган гавдасини яққол кўрсатмайди. Ўртадаги ҳакам икки полвоннинг белбоғидан ушлаб яқинлаштирди. Тўхтасин полвон рақибига ҳурмат кўрсатиб, сиз аввал ушланг, сиз аввал ушланг, қабилида елкаларига уч-тўрт марта уриб манзират қилди. Ниҳоят, кураш бошланди. Икки полвон ҳам пайт пойларди. Иккиси ҳам зўр эди. Тўхтасин полвон бир неча марта рақибининг белидан маҳкам қисиб кўтаришга чоғланди. Тиржовга келмади. Чарчаб қолган полвонлар орада икки марта ўтириб дам олишди. Қош қорайиб борарди.

– Ҳо, Тўхтасин полвон, Абдурахмон полвон, ҳаракат қилинглар! Бу туришда ярим кечагача ким ютаркан, деб кўзимиз қорайиб ўтираверамиз, шекилли! – даврадан таралган луқма полвонни ҳушёр торттирди.

Атроф-жонибни:

– Ҳа, бўл, полвоним! Бўш келма! – деган овозлар тутиб кетди.

Тўхтасин полвоннинг вужудига аллақандай ёввойи куч ёғилгандай бўлди. Рақибини ёнбошга олишга шайлангандай бўлиб ўзига тортди-да, белидан маҳкам қисиб кўтариб олди. Абдурахмон полвон яна икки оёғини жуфтлаб рақибига мушукдек ёпишди. Бир зум: “Бу ҳийланг энди иш бермайди”, деган фикр ўтди полвоннинг хаёлидан. Рақибини чир айлантирди-да, унг томонга эмас, чап томонга қайириб ташлаб юборди. Даврада “гурс” этган товуш кўтарилиди. Атрофга чанг-тўзон қўпди. Абдурахмон полвон ёғоч қириндилари тўкилган майдонда юз тубан бў-

либ ётарди. Майдонни ишқибозларнинг урхо-урхоси тутиб кетди. Тўхтасин полвон рақибига ҳурмат кўрсатиб ердан дол кўтарди-да, елкаларини майин сийпалаб қўйди.

– Балли, Тўхтасин полвон! Отанга балли! – деган олқовлар даврани тутиб кетди. Ушанда ишқибозлардан тўрт белбоғ пул тушган эди. У пайтлар ўтиб кетди. Ёши қирқдан ўтиб, давраларда онда-сонда кураш тушадиган бўлиб қолди. “Бундан кейин менинг йўлимни ким давом эттиради?” деган савол уни қийнагани-қийнаган эди.

– Ҳо, одамлар, ҳо, одамлар! Бугунги курашда чорбоғлик Темур полвон йиқилмай соққа бўлиб қолди. У билан кураш тушадиган мард бўлса, майдонга чиқсин. Солимга бир от, икки юз минг сўм пул қўйилди! – ўртадаги жарчи-ҳакамнинг овозидан Тўхтасин полвон ўзига келди.

– Наҳот, қишлоқдошларимнинг барчаси йиқилган бўлса! Ахир, Қайирманинг орини ҳимоя қиладиган Толиб полвон, Шукур полвонларга нима жин урди?!

Кураш охирлаб борарди. Куни билан давом этган олишув ўз ниҳоясига етаётган эди. Одамларнинг кўзлари олма териб қолди. “Наҳот, ўз қишлоғимизда ўтган курашда бош солимни рақибларимиз олиб кетса”, деган ташвишли савол Тўхтасин полвонга тинчлик бермасди.

– Охирги марта такрорлайман. Темур полвон билан беллашадиган мард бўлса, даврага чиқсин. Талабгор топилмаса, баковулар солимни чорбоғлик полвонга олиб чиқишсин! – ўртадаги ҳакамнинг шанғи овози бамисоли ҳукмдай жаранглади.

Шу пайт Тўхтасин полвоннинг танасига ғойибдан бир куч ёғилгандай бўлди.



– Нима бўлса бўлди. Йиқилсам ер кўтаради. Қишлоғимиз шаъни учун бир уриниб кўрай, – дея ўз-ўзига гапириб, эғнига чопонини илганча даврага чиқиб келди.

Давра бир лаҳза сув қуйгандек тинчиб қолди. Сўнгра:

– Отанга балли, Тўхтасин полвон! Қайирманинг орини рақибга бериб қўйма! – деган овозлар атрофни тутиб кетди. Одамларнинг урхо-урҳоси бир пасда ҳалиги овозни босиб йўқ қилиб юборди.

Қизариб ботаётган қуёш уфққа ёнбошлай бошлади. Даврада икки полвон бир-бирига юзма-юз турарди. “Сиз ушланг, сиз ушланг” деган манзиратдан кейин қўллар белбоғларга югурди. Олишув бошлангандан Темур полвон Тўхтасин полвонни бир силтаб айлантириб юборди. Бироқ рақибининг оёғини ердан узолмади. Тўхтасин полвон рўбарўсида айни кучга тўлган норғул йигит гурганини ҳис этди. Арқонни узун ташлади. Бундай пайтда полвонлар рақибининг заиф жойини қидиришади. Темур полвон ёш эди, бақувват эди. У рақибни билан нописанд олишарди. Тўхтасин полвон эса тажрибали, ақл тиши курашиб чиққанди. Олишув қарийб бир соатга чўзилиб кетди. Тўхтасин полвон рақибининг оёғини ердан узиб айлантириш қийин эканлигини юрак-юракдан ҳис этиб турарди. Нақ юз килодан ортиқ ғулабир танани кўтариш осон деб ўйлайсизми?! У рақибини давранинг нишаброк жойига суриб борди ва кескин ҳаракатлар билан чап томонга бурилди-да, бўксаси устига чиқариб, ташлаб юборди. Гуё даврада зилзила қўпгандай бўлди. Темур полвон ер билан битта бўлиб юз тубан ётарди.

Издихом ер кучгандай ҳаракатга келди. Даврани бақириқ-чақириқлар тутиб кетди.

– Офарин, Тўхтасин полвон, офарин!

Соқоли кўксига тушган чоллар, давангир ёшлар у томонга интилди. Ҳамма Тўхтасин полвонни табриклашга ошиқарди. Пул бамисоли ёмғир бўлиб ёғилди.

Ҳакамлар етовида давра оралаб пул йиғиб юрганида қизи Паризоднинг унга қарата нимадир деб қўл силкитаётгани кўрди. “Тинчликмикин?”. Кўнгли алағда бўлиб, шифохонага тушган аёлини эслади. Узини қўлга олиб, қизи томон интилди.

– Дадажон, суёнчи беринг, укалик бўлдик!

Тўхтасин полвоннинг қулоғига бошқа гап кирмади. Кўзларидан тирқираб ёш отилиб кетди.

– Э, Яратган Эгам, инсон қилиб яратганингга, шукр! Энди кураш тушмасам ҳам бўлади. Изимдан келадиган Алпомишим бор! – У қизи Паризодни қучоқлаганча ўкириб-ўкириб йиғларди.

Шу пайт микрофондан Анорқул полвоннинг забардаст овози атроф-жонига таралди.

– Эй, аҳли сайил. Бугун курашда йиқилмай соққа бўлиб қолган Тўхтасин полвон ўғилли бўлибди. Келинлар, шу йиғигча қишлоғимизнинг орини кутарадиган отасидек полвон йиғит бўлсин!

Даврани: “Омин!” деган баралла овоз тутиб кетди.



АЛИҚУЛ ХОНИМҚУЛОВ



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, “Дўстлик” ордени нишондори.

1955 йил 14 июнда Боёвут туманида таваллуд топган. 1978 йилда ТошДУ журналистика факультетини тамомлаган. Боёвут тумани, Янгиер шаҳридаги таҳририятларда, “Сирдарё ҳақиқати”, “Халқ сўзи” газеталарида ишлаган.

Унинг “Қамчи зарби”, “Ўзим ўпай кўзингдан, Ватан”, “Ёмғирни соғинган одамлар” каби бир қатор тўпламлари нашр этилган.

АБДУРАҲМОН БОТИРОВ ҲАҚИДА СЎЗ

(эссе)

Яшириб нима қилдим, Абдураҳмон аканинг олдида бироз хижолатдаман. Одатда кимдир ҳақида нимадир дейишга тўғри келса, ижодкор аҳли ўша инсондан бир оғиз рухсат сўраши, олдидан албатта бир ўтиб қўйиши керак. Мен бунинг иложини қила-олмадим.

У кишини таниганимга салкам қирқ йилдан ошди. Аввал ўғил-қизлар туғилди. Кейин неваралар дунёга келди. Фарзанддир, неварадир қачондир уларнинг тоби қочади. Аҳир иссиқ жоннинг иситмаси бўлади, деган гап бор-ку! Уларни кўтариб, етаклаб, машинада тўғри Абдурахмон Ботировнинг қабулига шошганман.

У мен учун валломат эди. У мен учун Ибн Сино эди. Унга сиғинмаган бўлсам-да туйғуларим, ишончим сиғинишга анча яқин эди. Доимо жилмайиб турадиган, мудом кулиб кутиб оладиган одам аста-секин кўнглингизга кириб олади. Кўнглингиздан сира кетиб қолмайдиган меҳмонга айланади.

Абдурахмон ака муомала деган инсоний тушунчани жойига қўйиб қўяди. Товба, аканинг бирор маротаба овозини кутариб, бақириб, дўқ уриб гаплашганини эслай олмайман. Фақат котибаси Ҳанифахон билан ҳар доим ҳам фикри бир жойдан чиқмасди. Аслида Боёвут туманидаги болалар юқумли касалликлари шифохонасининг бош шифокори котибаси бўлиб ишлаган Ҳанифахон ширинсўз, ипакдек мулойим аёл эди. Унинг бирдан бир хатоси шифохонага текширувчи, тафтишчи келгудек бўлса, бош шифокор ҳақида ул-бул гапларни айтиб қўядиган одати бор эди. Ҳанифахон мана бундай дер эди:

– Ботиров домла даволаб юборган болалар йигирма минг нафарнинг қорасини олди. Мендаги мана бу умумий дафтарларнинг барчасида шифо топиб кетган болаларнинг қаердан, қайси қишлоқдан, қайси туман маркази-ю, қай шаҳарлардан келганликлари, шифохонага нима дард билан қабул қилинганиги, неча кун деганда оёққа туриб, отдек бўлиб кетганиги тўғрисидаги маълумотлар қулинг ўргулсин қилиб

ёзиб қўйилган. Бу рўйхатга бирорта исм-шарифни на қўшиб, на олиб ташлаб бўлади.

Ана шу кезларда Абдурахмон Ботировнинг қошлари баланд-паст бўлиб кетади. Ҳанифахонга танбех бермоқчи бўлади. “Синглим, сизга ўн маротабалаб, юз маротабалаб бу ерда даволанган болалар ҳақида маълумот берманг, демабмидим” дейишга чоғланади. Бироқ индамайди. Негаки, индагани билан Ҳанифахонга унинг гаплари чивин чаққанчалик таъсир қилмаслигини у узоқ йиллардан бери жуда яхши билиб олган.

Абдурахмон ака Ботиров тоғдан келса, Ҳанифахон боғдан келади.

– Нега ўзингиз шифохона ҳовлисига от миниб келган кимсаларга бир оғиз танбех бермайсиз? Ахир ўша оту эшакларнинг бир хиллари бизлар ўтқазган арча-ю ғалвирак ёнғоқларнинг шохларини чимдиб ташлаяпти. Шуям ишми? Қачон қараманг, келгувчилар боласини ўйлаб, неварасини ўйлаб довдираб-совдираб олдимизга келса-ю, мен уларни яна жеркиб берайми, — дея шайтонга ҳай берасиз. Домла, бу иш эмас-да ахир! Бош шифокорнинг ҳар замон, ҳар замонда бўлса-да қамчисидан қон томиши керак. Яна бир мактаб бўлмайдиган феълингизни айтайми? Туш маҳаллари чой ичаяпсизми, овқат еяпсизми, сизга фарқи йўқ: олдингизга шиша банкачада боласининг сийдигини, ахлатини кўтариб кирган аёлларни номига бўлса-да “Ҳў, мусулмон, кўрмаяпсизми тушлик қилаяпман ахир! Кейинроқ келинг, дея изига қайтарганмисиз? Ҳеч қачон! Худди зўр бир томошани кўраётгандек банкачаларни титкилайсиз, хўп айлантириб кўриб сўнг таҳлилхонага жўнатасиз...”

– Синглим, ўша аёлларга қачон бўлмасин, хонамга беҳижолат кираверишни ўзим сўраганман. Шундай

қилишни улардан ўзим илтимос қилганман... Сиз эса ҳадеганда бир гапни такрорлаганингиз такрорлаган. Текширишга келган одамларнинг ҳаммаси даволанган болаларнинг сонига жа-а қизиқиб ётибди, дея ўйлайсизми?

Ҳанифахонни тартибга чақириб бўлармикин! Бундай ўйлаганлар чучварани хом санабди... Шифохонадан шифо топганлар сони ўттиз минг нафардан ошиб кетди. Котиба бу ерда қанча бола дардига малҳам топганлигини, уларнинг ота-онаси кўзларида беадоғ қувончлар чақнаганини туман, вилоят соғлиқни сақлаш идораларига пайдар-пай жўнатиб турарди.

Ҳанифахон яхши котиба, яхши ҳисобчи, келган-кетганларнинг кўнглига қарайдиган оқила аёл бўлганлиги билан Абдурахмон Ботировнинг камчиликларини онда-сонда бўлса-да айтиб туришдан ўзини тиймайдиган жамоадаги ягона аёл эди.

– Мана, масалан, ўзингиз салкам қирқ йилдан буён номзодлик диссертациясини ёқлайман, – дея гапириб-гапириб қўяверасиз. Қани ёқлаганингиз? Қани “аёллар бармоғи” деб аталган узумлар тагида тиззадан ош дамлаб бераман, деган ваъдаларингиз? Ёшингиз олтмишдан ўтди, Абдурахмон ака! Энди ёқлашингизга икки дунё бир бўлса ҳам ишонмайман. Ўтди замон, кетди карвон, деган гаплар бор ахир. Сиз ёқлайдиган олимлик ишингизнинг ҳужжатлари-ю қалин-қалин дафтарлари мана шу касалхона омборхонасида рангу рўйлари сап-сарик бўлиб сизни кутиб ётибди...

Абдурахмон Ботиров аталмиш болалар шифокори бўлган акамиздан Ҳанифахоннинг пича хафаю, андак норизо бўлганлигининг тушунса бўлади. Дангал айтганда, Абдурахмон Ботировнинг тузуккина хатолари ҳам ўзига бемалол етиб ортади. Ўн беш йил муқаддам,

тўсатдан ёздаги момақалдиروقдек бўлиб у раҳбарлик қилаётган шифохона тугатилди. Оналар ёзишди. Оталар ёзишди. Невараю чевараларини жонидан ортиқ кўрган боболар ёзишди. Ёзмаган идоралари-ю мурожаат қилмаган раҳбарлари қолмади. Осмон олис, ер эса тошдай қаттиқ эди.

Уни Ховос туманига ишга ўтказишди. Аввал туман марказида, сўнгра ўзи истиқомат қилаётган Бобур номидаги хўжали поликлиникасида бош шифокор бўлиб ишлай бошлади.

Бу атрофда Абдурахмон Ботировни билмаган одам бормикан ўзи!. Пою-пиёда, машиналарда, от-у эшак араваларда болаларини кўтариб олган шифоталаблар унинг ҳузурига кун-у тун талпина бошладилар. Чақалоқлар, гўдаклар, болажонлар... Буларни тушунса бўлади. Улар Ботировнинг доимий мижозлари эди. Қўли чиққан, оёғи синган, чурраси тушган, қон босими мудом тушиб-чиқиб ўйнаб турадиган кишилар заррача тортинмасдан унинг қабулига келиб, ёрдам сўраганлигига нима дейиш мумкин?. Баъзан ёқангни ушлаб товбалар айтгинг келади. Ахир Абдурахмон Ботиров болалар шифокори-ку! Эллик, олтмиш ёшга кирган, етмишга етиб, саксондан сакраб кетганлар ҳам баҳузур унинг қабулига кириб дардларига малҳам сўрашади.

Абдурахмон ака ҳаммаси билан дилдан гаплашади. Уларга чин кўнгилдан маслаҳат бериб, йўл-йўриқлар кўрсатади. “Йўқ, мен бу соҳани билмайман...” дея ўнлаб қишлоқлардан келувчи кишиларнинг кўкрагидан итармайди”. Эҳтимол шу сабаб унинг обрўйи туману вилоятда осмон қадардир. Балки шу сабаб эҳтиром аталмиш жуда нозик бир тушунча, жуда нозик бир туйғу унинг ортидан соядек эргашиб юрибди.

ХОЛИДА ПАРДАБОЕВА



Гулистон туманида туғилган (1955). 1977 йили Тошкент давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) нинг журналистика факультетини тамомлаган. Ушайилдан то ҳозиргача “Янги Сирдарё” (аввалги “Сирдарё ҳақиқати”) газетаси таҳририясида ишлаб келмоқда.

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист” (2019) “Шуҳрат” медали соҳиби (2002).

“Сирдарё наволари” – дунё бўйлаб” (2016) “Оналик бахти” (2021), “Дунё кезиб” (2022) номли публицистик тўпламлар муаллифи.

МЕҲР ТОПМАГАН КЕЛИН

(ҳикоя)

Дилобар туғруқхонадан онаси, акаси ёрдамида базур қадам ташлаб чиқди ва уларнинг ҳамроҳлигида ноилож тўғри ота уйига йўл олди. Машинада кетаркан, келин бўлиб тушган кунларидаги ширин ҳаёти, осуда кунлари, меҳрини бериб, меҳр топмаган кунларини ҳаяжон билан эслади...



Дилобар Диёрбек билан қўшни маҳаллада туғилиб, ўсишган. Бир-бирларини болалиқдан яхши билишади, қолаверса, бир мактабда ўқишди. Оддий билишлик, танишлик йиллар ўтиб, муҳаббатга айланишини икковлари ҳам билмай қолишди. Диёрбек олийгоҳнинг 3-курсида ўқиб юрганида педагогика коллежини тамомлаётган Дилобарга совчи қўйди. Хушсурат, ширинсўз, содда ва самимий Дилобарга бунгача маҳалласидаги бир неча йигитдан совчи келган эди. Ота-онасига улардан бирининг оиласи маъқул келган, лекин қизининг раъйига қараб, ҳали бирор жавоб айтишмаган эди. Қолаверса, Дилобар коллеждан кейин институтга кирмоқчи. У келин бўлиб борадиган оила бунга ҳали рози бўладими, йўқми, номаълум. Кетма-кет келаётган совчилардан хабар топган Диёрбекнинг онаси – Тожинор хола Дилобарнинг уйига кунора совчиликка қатнай бошлади. “Ҳамма шартингизга розиман, ўзимиз ўқитиб оламиз, оиламизда ҳамма ўқиган, ўқишнинг қадрига етамиз”, деб бўлғуси қудаларни ҳоли-жонига қўймади. Бундан ташқари, орага маҳалланинг обрўли кишилари, ҳурматли кексалари ҳам тушгач, ота-онанинг рози бўлишдан бошқа иложлари қолмади. Боз устига Дилобар ҳам кўнгли Диёрбекда эканлигини опаси орқали онасига секингина билдирди.

Ниҳоят икки ёш турмуш қуришди. Дилобар Диёрбекнинг онаси орзу қилгандек келин бўлиш, унинг ҳурматини жойига қўйишга ҳаракат қилар, эртаю кеч тинмасди. Келинчак ҳар шанба Диёрбекнинг ўқишдан келишини интиқ бўлиб кутарди. Икки ёш жуда бахтли эди... Лекин бу бахтиёр онлар узоққа чўзилмади. Дилобарни суйиб, югуриб-елиб келин қилган Тожинор хола негадир 2-3 ойдан сўнг ўзгариб,

тўнини тескари кийиб олди. Талаба ўғлининг тез-тез уйга келиши, хотинига ширин муомала қилиши, унга бирор совгами, ширинликми кутариб келиши унга ёқмай қолди. Қайнона келинни майда-чуйда юмушларга шунчалик кўмиб ташлардики, бечора Дилобар ёри билан бир зум холи қолиб суҳбатлашишга имкон, вақт тополмасди. Лекин у овсинлари билан дарров «тил топишди», эгачи-сингилдек бўлиб қолишди. Келин қайнонанинг барча инжиқликларига чидади – эрта тонгдан оқшомгача хизмат қилиб, ширин-ширин таомлар, турли пишириқлар тайёрлаб, қалбига йўл топишга интилди. Лекин фойдаси бўлмади...

Дилобарнинг ҳомиладорлиги анча қийин кечди, ёғ ҳиди ёқмас, ўзи овқат пишириб, ўзи ея олмасди. Бошқоронғилик туфайлими, кўнгли тансиқ нарсалар, айниқса, меваларни тусарди, аммо буни у кимга, қандай айтсин? Диёрбек ҳадди сиғиб, хотинига у истаган бирор тансиқ егулик ёки мевалар олиб келолмайди. Бир куни Дилобар онаси келганда шу ҳақда гап очди, лекин, менга у-бу олиб келинг, демади. Чунки бу нарса қайнонасига ёқмаслигини биларди. Лекин акаси онасидан синглисининг бу ҳолатини эшитиб, чидаб туролмади, кейинги куни каттагина бозорлик қилиб, у тусаган мева-чеваларни ташлаб кетди. Шу куни уйда катта жанжал бўлди.

– Оч қолаяписизми, келин, бу уйда ҳамма бир хил нарса ейди, ҳеч ким, ҳеч нарсани яшириб емайди, – дея зуғум қилди унга қайнонаси. Охири Дилобар ундан минг бор узр сўраб, зўрға кутулди. Дилобар акаси олиб келган целлофан халталарни қўшқўллаб дарҳол қайнонасининг қўлига тутқазаркан, – “Ойижон, акамнинг иш билан биз тарафга йўли тушган экан, бир йўқлаб қўяй дебдилар, шошилиб турганлари учун,



уйга кирмадилар, сизга бериб қўйишимни айтдилар”, деб вазиятни юмшатди. Бироқ акаси олиб келган егуликларни келин бечора қайта кўрмади, ўртада томоғи тушгани қолди.

– Шифокорлар унга “ҳомиланинг ҳаракати суст, уни ва ўзингни асра, кўпроқ дам ол, яхши, витаминли овқатлар, мевалар егин”, дея тавсиялар беришганди. Лекин у буларга қандай амал қилсин у? Уйда гап-сўз кўпаймасин, тинчгина ўтирай дея, ҳаммасига чидади. Шу тариқа унинг ой-куни яқинлашди, бироқ ҳаловатсиз келиннинг ранги-рўйи бир ҳол эди. Боз устига кўп эгилиб иш қилаверганиданми, бели сим-сим оғрирди.

Ниҳоят Дилобарни дард тутди. “Тез ёрдам” уни туғруқхонага олиб кетди. Шифокорлар оёққа туришди. Келинчакнинг қон босими паст, қони кам, дармони йўқ эди. Операциядан бошқа илож қолмади. Афсуски, бола ўлик туғилди.

Қайнона дардман келинни боқа олмаслиги, даволашга қурби етмаслигини айтиб, бир муддат ота-онасиникида туриши, тузалгач, олиб келишларини айттириб юборди. Диёрбек, бу гапларни қайнота ва қайнонасига базўр айтаркан, “Ўзим тез-тез хабар олиб тураман”, деди хижолат бўлиб.

Орадан қанча вақт ўтса ҳам Дилобарни эридан бошқа ҳеч ким йўқлаб келмади, соғайгач олиб ҳам кетишмади. Ниҳоят, улар ажрашишди. Орадан кўп ўтмай ота-онаси Диёрбекни бошқа қизга уйлантиришди. Лекин Диёрбек у билан узоқ яшай олмади. Янги келин “тили узунлиги” боис қайнона билан келиша олмабди. Шунга айтадилар-да, ёмоннинг жазосини ёмон беради, деб.

Тожинора ая Дилобарни уйга қайтариш учун ўртага бир неча марта одам қўйди. Ота-онаси

ҳам, Дилобар рад жавобини беришди. Бу орада Дилобарнинг соғлиғи тўла тикланди, боғчага ишга жойлашди. Унинг учун тинч, осуда ҳаёт бошланганди. Диёрбекнинг кўнгли эса ҳамон Дилобарда эди. Орадан икки йил ўтгач, маҳалла фаоллари аралашиб, оилани қайта тиклашди. Диёрбекнинг истаги, ота-онасининг ризолиги билан ёшлар энди алоҳида яшай бошлашди. Бир йилдан сўнг улар эгиз фарзанд кўришди. Қайнона энди меҳрга меҳр билан жавоб қайтариш кераклигини англаган эди.

НОРИНИСО ҚОСИМОВА

Жиззах вилояти Зомин туманида таваллуд топган (1959 йил 2 июнь). ТошДУнинг журналистика факультетини татомлаган.

Н.Қосимованинг “Дил сўзлари”, “Соғинч”, “Излайман”, “Йиғилмаган чимилдиқ”, “Бегона осмон” номли ҳикоялар ва қиссалар тўплamlари, “Сирдарёнинг аёли”, “Бир даста гул” номли публицистик мақолалар тўплами нашр этилган. Шунингдек, “Минг бир ибратли умр”, “Кун нафаси”, “Ўзбек фақат онам дейди, болам дейди”, “Мен Ўзбекистон фуқаросиман” номли республика миқёсидаги тўплamlардан шеърлари, очерк ва мақолалари ўрин олган.

Ҳозирда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Сирдарё вилоят бўлимида бош мутахассис лавозимида фаолият юритиб келмоқда



ДЎППИМДАН АЙЛАНАЙ (“Дадамнинг ҳикоялари” туркумидан)

Тобим йўқ. Шифокорлар Ленинград шаҳридаги касалхонага йўлланма беришди. Бир этак бола-чақам

ҳали ёш, битта ўзим ишлайман. Мактабдан рухсат олиб, даволанишга йўл олдим. Қаҳратон қиш, совуқ. Арзимаган 200 сўм пулни нари-беридан топиб, Худога таваккал Ленинградга жунадим.

28 декабр куни Янги йил арафасида доктор қабулига кирдим. Мени кўриши билан у ўрнидан ирғиб туриб, “Ассалому алайкум, Тошкент!” деса бўладими? Худди офтоб чиққандай кўнглим ёришиб кетди, қучоқлашиб ўзбекчасига омонлашдик.

– Бухорода хизмат қилганман, – деди у. – Ўзбекларнинг ош-тузини еганман, ажойиб инсонлар кўп у ерда. Биз томонларга келиб хўп яхши қилибсан. Энди менинг азиз меҳмоним бўласан, қани аввал ошхонага, кейин саломатликни текширамыз.

Иккаламиз роса гурунглашдик, дардимни эшитиб, “Сира сиқилма, бу касал хавфлимас, тузалиб оиланга қайтасан, ўзбеклар қуёш тафтида чиниққан одамлар” деб кўнглимни кўтарди.

– Сенга яхши инсонлардан, ўзингга ўхшаган узоқ шарқлик ҳамроҳ бераман, – деди у кулиб. – Яхшилаб танишиб оларсан, Меҳнат Қаҳрамони экан, урф-одатлари худди сендақа.

Хонага кирганимизда тескари ўгирилиб бир киши ухлаётган экан. Шунчалар баланд хуррак отаяптики, деворлар ларзага келарди. Доктор менга кулимсиради:

– Хурраги баланд ва ёқимсиз бўлгани билан, уйғонганида кўрасан, “молодец” йигит.

Ҳамхонам Валерий билан тезда тил топишиб кетдик. У менинг ўзбеклигимни бошимдаги дўппимдан билибди.

– Ният холислигини қарагин. Уйдан чиқаётганимда ишқилиб бирорта ўзбек келиб қолсайди битта хонада



турардим, роса самимий одамлар дегандим. Сизларга гап йўқ, меҳмондўст ва қўли очик халқ.

Бошимдаги дўппимдан айланай, бир пастда атрофимга ажойиб дўстларни, руҳимни кўтарадиган инсонларни тўплади-қўйди, дейман ичимда фахрланиб. Ростдан докторлар хизматини беминнат бажарар, тинмай турли дори-дармонларни тавсия этишарди. Ҳамхонам Валеркага эса гап йўқ. Чўнтагим анча қашшоқлиги учун касалхонанинг овқати етади, деб йўлкирамга пул ажратиб қўйганман. Валерка эса пулнинг бетига қарамасдан узатади:

– Сен Касигин, (Қосимовни айтолмасди) тортинмасдан мана бу тумбадаги пулдан истаганча олиб бозор-ўчар қил, ўзбеклар роса меҳмондўст бўлади, тасаввур қилгинки мен сенинг меҳмонингман.

Худога беҳисоб шукр, мусофир жойларида яхши инсонларга рўбарў қилди. Йигирма кунча Валерка билан бирга даволандик, дам олдик, катта тарихий шаҳарнинг музейларига бордик. У бирор тийин бўлсаям менинг ҳисобимдан ишлатишимга йўл бермасди. У озгина аввалроқ келгани учун мендан олдин кетадиган бўлди.

– Касигин, мана сенга 9 дона 25 талик. Бир амаллаб етказгин, еб-ичардан қизғанма. Мени шу ерда юрибди, деб тасаввур қилавер. Ҳозир эса Эрмитажни яна бир томоша қиламиз, кетдик. Кейин бола-чақага совға-салом дегандай...

Очиққўнгил ва сахий бу йигит қўярда қўймасдан болаларимга ва хотинимга совға-саломлар харид қилдирди. Бир жомадонга чиройли қилиб апельсинларни тердириб, “менинг учун болаларингга бергин” деб тайинлади.

Уйдан минг хавотирда арзимас пул билан кетган бемор одам бой-бадавлат бўлиб, саломатлигим

яхшиланиб уйга қайтдим. Ранг-рўйим яхшилигидан оилам хурсанд. Соддадил хотиним эса совға-саломларга шубҳаланиб қараганча, “Бунча пулни қаердан олдингиз, ишқилиб ўғрилик қилмадингизми?” деб сўрайди.

– Эҳ онаси, дунёда яхши инсонлар кўп, саховатлилар кўп экан, – дедим хурсанд бўлиб. – Бу ризқ насиба, саломатлигимнинг яхшилангани Худойимнинг сенга ва болаларимга раҳмидан. Яратган чин кўз билан қараса, киши ҳалолу покиза яшаса, ҳеч қаерда хор қилиб ташлаб қўймас экан. Қўрқмасдан еявер, бунини яхши инсонлар тухфа қилган...

ЎЗИМИЗДАН ЧИҚҚАН “ЎҒРИ”

(“Бу ҳикояни болалигимда онажоним сўзлаб бергандилар” деганди дадам.)

Каллаи саҳарлаб Қусом бобом бақириб-чақирдилар: – Жомил, Жомил, ҳой Жомил, борми?

Ҳали ҳамма болалар ухлаб ётардик. Мен югуриб олдиларига бордим.

– Ҳа тоғажон, тинчликми, нима гап?

– Жомил қани, менинг шўрим қуриб қолди, фалокат босиб қолди, қани жиянни тез чақиргин.

– Жомил болам кечқурун менга тайинлаганди: Онажон, мен бугун кўрпадамас, ҳу анови янтоқ ғарамининг устига чиқиб ухлайман, мабодо тоғам келиб сўрасалар, кеча кечқурун ҳу ғарамни устига чиқиб кетганди” деб айтинг.

– Тоғажон, Жомилингиз кеча кечқурун анови янтоқ ғарами устига чиқиб кетганича тушгани йўқ, ўша ерда ухлаб ётгандир-да.



– Эй жияним тушмагура, бу ёкда пастдагиларнинг аҳволи нима аҳволдаю у баландда ётибдими, дунё бе-хабар-а, – деб қайтиб кетди.

Ўшанда 1918 йилнинг куз ойлари эди. Жума кuni соқолларини силкитиб тоғам келдилар. Қора қумғонда қайнаб турган чойдан дамладим, очарчилик вақтлари эди нон танқис, дастурхон солмадик. Тоғам Жомилни олдига келиб ҳасрат қила кетдилар:

– Жиян, тирикчилик ўтмай қолди-да. Очликдан ўлиб кетаверамизми, бир иложини топиш керак. Сен нима дейсан?

– Элга келганини кўраверамиз-да, – деди улғайиб қолган Жомил. – Сабр-тоқат қиламиз, ҳамманинг аҳволи шундай...

Жомил шундай деб тоғасини кузатиб қўйди. Ичидан пишган боласи тушмагур ўзига тўқроқ тоғасининг уч жойда ғалла ўраси борлигини биларкан. Шунча захираси бўлатуриб оч-наҳор ўтирган жигарларига йўқчиликдан ҳасрат қилгани унинг жаҳлини чиқазибди. Эртасига кечқурун қишлоқдаги ўн нафар бақувват йигитларни олиб, тоғасининг учала ўрасидаги ғаллани ташиб кетибди. Битта ўрасида бир пудча дон қолдирибди, тоғамнинг ўзи очидан ўлмасин деб.

Олинган донларни шу тундаёқ қишлоқнинг бе-ва-бечораларга 3 кгдан тарқатиб чиқибди. Инсофсиз, очарчиликда имони сустлашган тоғасининг аҳволини бир кўргиси келган экан...

Эртасига саҳарлаб тоғамиз йиғлаб кириб келдилар:

– Тоғажон, нима бўлди? Янгам, укаларим тинчми? Тоғам эса ёш боладай хўнграб йиғлайди.

– Жомил янтоқ ғарамида ётибдими, ҳалиям? Кеча сизларга оч қоламиз деб ёлғон гапирувдим. Аслида



учта ўрага бугдой яшириб қўйгандим. Одамлар оч, талаб кетишади деб қўрққандим. Ноинсоф ўғрилар озгинасини қолдириб қолганини олиб кетишибди, уйим куйди, энди нима кун қиламан...

– Тоғажон-ей, – деди уйдан чиқиб келаётган Жомил бамайлихотир. – Нега хафа бўласиз, ўзингиз ёмон ният қилувдингиз, оч қоламизми деб ниятингиз ижобат бўлибди-да.

Ана шунақа, ўғлимиз Жомилвой ўзимиздан чиққан “ўғригина бола” бўлиб оч-наҳорларнинг ҳаётини сақлаб қолганди...

ДИЛОРОМ ИСМАДИЁРОВА

Гулистон туманида туғилган (1960 йил 15 сентябрь). 1981 йилда Тошкент давлат университети-нинг журналистика факультетини тугатган.

“Гулистон янгиликлари” газетасида, Сирдарё вилоят телерадиокомпаниясида фаолият кўрсатган. 2008-2009 йиллар “Region.UZ” газетаси вилоят мухбири, 2009-2018 йиллар “Сирдарё ҳақиқати” газетасида бўлим бошлиғи бўлиб ишлаган. 2018 йилдан Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Сирдарё вилояти бўлими мутахассиси сифатида фаолият юритмоқда. “Сирдарёга қўниб ўтинг, дўстларим”, “Сирдарёча тўй қиламиз” номли публицистик тўпламлари чоп этилган.



ҚРИМ ГЎЗАЛИ

– Нимани кўраяпсан? – саволга тутди мени ҳовлидаги сада дарахтига осилган арғамчида учирар экан Рая опа.

– Гулзорни, сўрида газета ўқиётган отамни, кўрпа қавиётган энамни...

– Яхшилаб кўриб қол! – янаям баландроқ учиради у. – Кейин менга ўхшаб соғиниб юрасан бу чоғларни. Сендайлигимда Қрим деган шаҳарда отам–онам, акаларим билан яшардик. Икки қаватли катта уйимиз, мевазор боғимиз бор эди. Ҳовлимиздаги эман дарахтига осилган арғамчида акаларим мени навбатманавбат учирарди. Мен арғамчи баландлаган сари қийқириб кулардим.

Онам бизни кўриб роса ҳай-ҳайларди:

– Ҳой, узилиб кетса ёмон йиқилади...

Мен эса қийқириб-қийқириб кулаверардим.

– Ҳеч арғамчидан йиқилганмисиз? – унга савол бераётиб юзларидаги ажинлари изидан оқиб бораётган кўз ёшлари ҳайратимни оширди.

– Ҳа, Аллоҳим отиб урган...

Кўп кузатганман, Рая опа йиғласа овози чиқмас, кўз ёшлари чуқур кўзларидан сизиб чиқиб, ажинлари чизигидан юмалаб кетаверарди.

– Эна, Рая опа Қримда “Гўзаллик конкурси”да биринчи ўринни олган экан. Расми виставкада тураркан, – дея суюнчиладим энамга.

– Оббо, “Алдагани бола яхши” деб сенга яна эски эртагини айтиб кетдими? Бир бечора орзулаган экан: “Мен ҳеч ким кўрмаган жойга борсам, мақтаниб, мақтаниб ўлсам”, деб. Ўсма кетса қош қолар, унинг чиройли бўлган сиёғи йўқ-ку!

– Яна келганида ёшлиқдаги расмини олиб келади. Кўрамиз.

– Гўрга, бировнинг расмини обкелиб кўрсатса ҳам ишонаверамиз-да. Буни ёшлигида ким кўрибди. Маҳалламизга келганига 25 йил бўлди. На эри, на боласи бор бечоранинг...

Дарҳақиқат, қишда эркакча шим кийиб, пўстинга ўралиб, бошига кулоқчинни бостириб оладиган,



қишлоқдаги қурилиш трестида милтиқ кўтариб, қоровуллик қилувчи, юзлари буришиб, кўзлари кир-тайиб “Беломорка”ни улаб чекадиган бу қрим татар аёлнинг бир вақтлар “Қрим гўзали” бўлганига ким ҳам ишонарди?

Рая опа уч кунда бир қоровулликда турар, қолган кунлари қишлоқдошларининг хизматида ўтарди. Кимнинг эри узоқ сафарга кетса, касалхонага ётса, уй эгасиз қолса – Рая опага келишарди. У маъюс жилмайиб ўз вазифасини адо этарди. Кечқурун уй атрофларини айланади, дарвозаларини қулфлайди, кейин нима берсангиз еб, солиб берган ўрнингизга чўзилади.

– Ўлақолса, бировнинг гапини бировга етказмайди. Бўлмаса бу билмаган бало йўқ. Ғийбатдан нари юради, – деб уни мақтайди энам.

Рая опа тез-тез бизникига ҳам келиб турарди.

Ундан ҳар гал расмини сўрасам, эсимдан чиқибди, дейди.

– Рая опа, виставкада расмингиз тургани ростми? “Худо урсин” денг-чи?

– Э, болам, Худо уриб бўлган, қасам ичиб нима қилдим, – дея яна ҳазин ҳикояларини бошлайди.

– Отам, акаларим темирчи эди. Рўзгоримиз обод эди. Ўн беш ёшга тўлганимда отам қўлимга соатли тилла билакузук олиб берди. У илон шаклида эди. Илоннинг боши бўлган қопқоқни очсанг, соат кўри-нарди. Шундай ажойиб эдики... Аммо уруш йиллари Қашқадарёда икки қоп унга алмашганмиз. Онамнинг бир-қанча тилла буюмлари озиқ-овқатга айрибош қилиниб, йўқ бўлди.

– Виставкага расмингиз қандай қўйилган?

– Техникумда ўқирдим. Бир куни сураткаш келиб, ҳаммамизнинг расмимизни олиб кетди. Бир куни

шаҳарда, парқда юрсак, хиёбон ўртасидаги виставкага қирқта қизнинг портрети осилиб, тепасига “Қрим гўзаллари” деб ёзиб қўйилган. Улар орасида мен ҳам бор эдим.

– Ҳадеб юртингни, ўтганларни эслаб эзилаверма Рая! Кел, ўтир, чой ич. Кейин манови кирларни дазмоллаб бер, – деди энам. – Ҳеч ким сендай “ўхшатиб” дазмоллай олмайди.

Рая опа кетгач, энам бизни қийиди:

– Бояқишдан ҳадеб уни-буни сўраб, бошини қотирманглар. – Келса “кел”, деб ош-нон бериб жўнатаверинглар.

У билан гаплашиш, хотираларини тинглаш биз учун жуда мароқли эди.

– Қрим дунёдаги энг гўзал жой, – деб бошларди ҳикоясини Рая опа. Унинг билан 40-45 йил илгариги Қрим боғларини, Қора денгиз бўйларини “кезиш” чексиз завқли эди.

Бир куни қишлоқда гап тарқалди: “Рая опа дам олишга кетаётган эмиш. Нақ Қримнинг ўзига! Трест бошлиғи ёрдам қилиб, унга 3-4 сидра янги уст-бош қилиб берибди.”

– Хешу ақраблари топилиб қолса, балким қайтмас – дерди аёллар.

Лекин ҳамма унинг қайтишини чин дилдан истарди.

Бир ойлардан сўнг Рая опа ўша эски қиёфада пайдо бўлди. Синчиклаб қараган одам унинг янаям букчайиб, қорайиб, кўзлари киртайиб қолганини пайқарди. Кўп ўтмай, қўлида бир сиқим майда ёнғоқчалар (кейин билсам фундук дейиларкан) олиб, Рая опа бизникига келди.



– Зиёратинг қабул бўлсин, Рая! – дея энам у билан кучоқ очиб кўришди.

Ажойиб таассуротлар эшитиш умидида уларнинг олдидан жилмайман.

Бирпасда қўшни аёллар ҳам бизникига жам бўлишди.

– Юртимга бориб келдим. Мен борган курорт уйимиздан бир ярим соатли йўл экан. Ишона-сизларми, шунча йил ўтса ҳамки, уйимиз шундай турибди. Ҳовлимиздаги қудуқдан сув олиб ичдим. Уйимиз бир идорага берилган экан. Бошлиғи ҳар куни мени кутиб олади, денг. Остоналаримизни ўпиб, тавоб қилдим, тупроғини кўзимга суртдим. Қани энди, урушга кетган акаларим қайтиб келсаю, лоақал шу уйда бир кунгина йиғилсак эди, деб армонда эзилдим. Бир кўнглим шу ёқларда қолиб кетай дедим. Аммо у жойларда ҳамма менга бегона, нотаниш. Сизларни кўзим қиймади. Ўлсам, маҳалладагилар кўмар-да...

Аёллар кўзларига ёш олишди:

– Қўйинг, Рая опа, қадрдонсиз.

– Сизни роса соғиндик.

– Эҳ-ҳе, ўрнингиз роса билинди-да!

– Ҳеч замонда ўлик кўмувсиз қолмаган. Куяверма, пешонанг шу бўлса қайтасан, – деб насиҳат қилади энам.

Кўйлақда, бошига капрон дурра ўраб олиб, чунонам рақсга тушардики, “Лезгинка”гами, “Ҳайтарма”-гами, “Андижон полькаси”гами ҳаммасини қойиллатарди.

Бир куни қизлар билан ўтириш қилдик. Иттифоқо, Рая опа келиб қолди.

Қўярда-қўймай уни ҳам қизлар даврасига олдик.

– Севги нима, Рая опа? Сиз ҳам севганмисиз? – саволга тутди қизлар.

– Сизлардай пайтимда бир йигит билан учрашиб турардим. У ҳарбий эди. Акамлар, отам у билан учрашишга рухсат бермасди. Ҳовлимиздаги тахта деворнинг битта тахтасини кўчириб “йўл очиб” олгандим. У ҳам ёзган хатларини шу ерда қолдирарди.

– Кейинчи? – йигирматача қиз бирданига савол бердик.

Кейин уруш бошланди, у урушга кетди. Уни кўрганимда юрагим “дук-дук” урганини узим ҳам эшитиб турардим. Бундай ҳолат бошқа бўлмаган. Сизлар сўраган севги шудир балким.

– Нега турмушга чиқмагансиз?

– Уни кутдим, аммо у қайтмади.

Қизлар бир-бирига ажабланиб қарайдилар.

– Эна, Рая опа нега эрга тегмаган? – ўтиришдан келибоқ сўрайман энамдан.

– Оббо, қизқозилар-эй, сениларга Раянинг оғирлиги тушдими? Акалари урушда ўлиб кетган экан. Ота-онасини боқди. Отаси ўлди, онаси ётиб қолди, ун йиллар уни кўтариб қаради. Ўзиям енгилтоб эмасди-да! Шунча йилдан бери биров билан шивирини эшитмадик. Тўғри юрган кийикнинг кўзидан бошқа ўқи йўқ-да!

Уша биз “қизқозилар” палахмон тошидек отилиб, тўрт тарафга тўзидик.

Бир куни уйимизга қидириб келган энам қишлоқ янгиликларини бирма-бир айтар экан. Рая опанинг қазо қилганини ачиниб гапирди:

– Шўрликкина-я, ҳамма нарсасини тахт қилиб қўйибди. Ўлимликлари ҳам ўзидан чиқди.

Қўшниларга пул бериб қўйган экан. Уйини қўшнисига хатлаб берибди. Унча кўп ётмадиям бечора. Ҳаммамиз бориб хабар олиб турдик.

– Ҳа, айтгандай, эски тахта чамадонидан бир уюм расмлар чиқди. Ёшлигида бирам кўҳлик бўлган экан-ей, бояқиш, худди кинодаги артистлардай. Қрим гўзалларидан бўлганман, деган гапи ҳам чин экан.

МУНДАРИЖА

АРМУҒОН.....	3
ТҶРА СУЛАЙМОН.....	7
ҲАМРОҚУЛ РИЗО.....	16
ҲАЛИМА ХУДОЙБЕРДИЕВА.....	22
ЖОНИБЕК СУБҲОН.....	33
ҲАЁТХОН ОРТИҚБОЕВА.....	41
АНВАР ТОҒАЕВ.....	52
БОЙЖИГИТ АБДУЛЛАЕВ.....	58
АЛИ НАСИРЛИ.....	67
МУНАВВАР ПАРДАЕВ.....	73
БАҲОР ХОЛБЕКОВА.....	73
ҲАСАН АБДУВОҲИДОВ.....	91
МУХТОР НОСИР.....	101
МУҲАММАД ИСМОИЛОВ.....	108
ЙҶЛДОШ КАРИМ.....	117
ШУҲРАТ ҲАКИМ.....	124
АЛИШЕР НУР.....	133
ТУРҒУН ЖАМОЛОВ.....	142
САМИНЖОН СУЛТОНОВ.....	149
ҲАЛИМА МАЛИКОВА.....	156
ЭЛМУРОД МАВЛОНОВ.....	160
МУҲАММАДАЛИ АҲМАД.....	177
АЛИҚУЛ ХОНИМҚУЛОВ.....	184
ХОЛИДА ПАРДАБОЕВА.....	189
НОРИНИСО ҚОСИМОВА.....	194
ДИЛОРОМ ИСМАДИЁРОВА.....	200

СИРБЎЙИ ИЛҲОМЛАРИ

(Шеърлар ва ҳикоялар)

Муҳаррирлар: Ёрқин Иноғомов,
Бойжигит Абдуллаев
Техник муҳаррир: Санжар Ғофуров
Дизайнер: Ҳусан Исақулов

Нашриёт лицензияси АИ №015. 20.07.2018.
Босишга 27.03.2023-йилда рухсат этилди.
Бичими $84 \times 108 \frac{1}{32}$.
«Cambria» гарнитураси. Шартли босма табағи 10.92
Адади 1000, Буюртма № 01-1502

Оригинал-макет «Zamin Nashr» МЧЖда тайёрланди.
«Rustam Print» босмахонасида чоп этилди.